83
(189

ШОДМОН СУЛАЙМОНОВ
ҚАҲРАМОН ТЎХСАНОВ

АДАБИЁТШУНОСЛИК АТАМАЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ



83
С89

ШОДМОН СУЛАЙМОНОВ
ҚАҲРАМОН ТЎХСАНОВ

АДАБИЁТШУНОСЛИК АТАМАЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

(ўрта мактаб ва академик лицей ўқувчилари, олийгоҳлар ва касб-ҳунар коллежлари талабалари, абитуриентлар ҳамда адабиёт муаллимлари учун қўлланма)

"Бухоро" нашриёти, 2009 йил.

БИБЛИОТЕКА
Бух. ТИП и ЛП

Муҳтарам китобхон!

Сўз санъати инсониятнинг онгли ҳаёти бошланган замонлардан бери у билан ёнма-ён тараққий этиб, башариятнинг маънавий-маърифий камолоти учун хизмат қилиб келаётир. Шу боис унинг илмий-назарий жиҳатлари, тадрижий такомилига оид масалалар исталган фан ёки соҳа вакилида қизиқиш уйғотиши табиий. Айни шу қизиқишларни инобатга олган ҳолда илмий-оммабоп услубда тартиб берилган мазкур луғат Сизга бу жабҳада яқиндан кўмак беришига ишонамиз.

Қўлланма ўрта мактаб ва академик лицей ўқувчилари, олийгоҳлар ва касб-ҳунар коллежлари талабалари, абитуриентлар ҳамда адабиёт муаллимлари, шунингдек кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Дармоной ЎРАЕВА,
филология фанлари доктори,
БухДУ профессори

Тақризчилар:

Ҳусниддин ЭШОНҚУЛОВ,
филология фанлари номзоди,
БухДУ доценти

Азиза ҚОБИЛОВА,
Бух ОО ва ЕСТИ ҳузуридаги
Бухоро шаҳар академик лицейи
ўзбек тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

"Бухоро" нашриёти, 2009 йил

ИСТИҚЛОЛНИНГ МЕВАСИ ВА ИСТИҚБОЛНИНГ КУРТАГИ

Ёш, серғайрат адабиётшунослар, фан номзодлари Шодмон Сулаймонов ва Қаҳрамон Тўхсанов асосан мактаб, гимназия, лицей ва коллеж босқичларидаги толиби илмларга ва уларга таълим берадиган устозларга мўлжаллаб адабиётшунослик атамаларининг қисқача изоҳли луғатини яратибдилар. Бу ишнинг илмий, маърифий аҳамияти, савияси устидан ҳакамлик қилишга, унга ҳозирданоқ кўп томонлама баҳо беришга даъвойим йўқ-у, лекин у билан танишиш жараёнида туғилган айрим мулоҳазаларимни айтиб ўтишим мумкин.

Биринчидан, бу – шунчаки бир ҳавас ёки иштиёқ натижасида эмас, балки реал эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда конкрет адресатни кўзлаб яратилган иш. Олий таълим босқичига тайёрланаётган илм толиблари адабиётшунослик атамаларининг мавжуд луғатларида ўзлари учун ҳозирча тушунарсиз ва, эҳтимолки, ҳозирча кераксиз бўлган жуда катта материалга, кўпдан-кўп маълумотларга дуч келадилар. Бу махсус луғат эса асосан мактаб, лицей, коллеж дастурларидан келиб чиққан ҳолда яратилган.

Иккинчидан, луғатнинг тили ва баён услуби илмийлик талабларига жавоб бергани ҳолда ниҳоятда содда ва тушунарли. Улар ўқувчи учун масалани тушунишни, ўқитувчи учун тушунтиришни осонлаштирадиган қатор фазилатларга эга.

Учинчидан, ўз тилимизда адабиётшунослик атамаларининг амалдаги луғатлари яратилганидан бери ҳам анча вақт ўтди. Бу орада шўро даври тугаб, истиқлол даври бошланди. Замон алмашди, мафкура ўзгарди. Адабиёт ва адабиёт илми қанчадан-қанча янги асарлар, янги тамойиллар, янги номлар... билан бойиди. Ш.Сулаймонов ва Қ.Тўхсанов ўз мўъжаз луғатларида шу янгиликларни бир қайд кўринишида бўлса ҳам

имкон қадар тўла акс эттиришга ҳаракат қилганлар. Бу билан улар ёшуллилар билан ёш ижодкорлар, марказдагилар билан периферидагилар, мамлакат миқёсида танилганлар билан ҳали унча танилмаганлар ўртасидаги тафовутлар илм ва ижоднинг азалий талаблари олдида бирламчи аҳамиятга эга эмаслигини қайсидир маънода таъкидламоқчи бўлганлар.

Мен бу луғатни нима деб ҳисоблайман? Аввало, муайян хусусий жиҳатлардан бўлса-да, узлуксиз таълимнинг биринчи ва иккинчи босқичи самарадорлигини оширишга қаратилган қўлланма деб, албатта. Лекин бундан ҳам кўпроқ мен бу ишни адабиётшунослик атамаларининг эндиги расмона луғатини яратиш йўлидаги дадил уринишлардан бири деб ҳисоблайман.

Мирзаахмад ОЛИМОВ,
филология фанлари номзоди,
доцент

МУҚАДДИМА

1. *Луғат* ўрта мактаб ва академик лицей ўқувчилари, олийгоҳлар ва касб-ҳунар коллежлари талабалари, абитуриентлар ҳамда адабиёт муаллимлари, шунингдек кенг китобхонлар оммасини сўз санъати табиатига хос асрорлардан огоҳ этиш мақсадида тартиб берилди. У мазкур жабҳага оид барча атамаларни қамраб олмайди. Унда тузувчиларнинг имконият ва тажрибаларидан келиб чиқилган ҳолда соҳага оид энг муҳим, кундалик амалиётда кенг қўлланиладиган муаммоларга диққат қаратиш билан чекланилди.

2. *Луғат*да бадиий адабиёт табиати ва адабиётшуносликка оид уч юзга яқин атама шарҳланди.

3. *Луғат*да атамалар ташқи ва ички алифбо тартибида жойлаштирилди. Фақат икки ўринда хронологик мантиқ тақозосига кўра бу тартибни мустасно қилиш лозим топилди: а) адабиётшуносликнинг асосий бўлимлари шарҳланган ҳолатда: **АДАБИЁТ ТАРИХИ, АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ, АДАБИЙ ТАНҚИД** каби; б) мусаммат кўринишлари шарҳланган вазиятда: **МУСАЛЛАС, МУРАББАЪ, МУХАММАС, МУСАДДАС, МУСАББАЪ, МУСАММАН, МУТАССАЪ, МУАШШАР** каби.

4. *Луғат*да таркибий қисм ва ички кўринишлари мавжуд бўлган адабий ҳодисаларни бир ўринда шарҳлаш – бир-биридан ажратмаслик маъқул кўрилди: **МУБОЛАҒА: таблиғ, иғроқ, ғулув** ёки **СЮЖЕТ: экспозиция, тугун, воқеалар ривожи, кульминация, ечим, муқаддима ва хотима** каби. Газал ва унинг ички кўринишлари шарҳида ҳам худди шундай йўл тутилди.

5. *Луғат*да деярли ҳар бир атаманинг қайси тилдан олинганлиги ва аслиятда қандай маънони ифода этганлиги қавс ичида қайд этиб борилди.

6. *Луғат*да бир тушунчани ифода этадиган ўзаро маънодош атамаларнинг фақат биттаси изоҳланиб, бошқаларини қайд этиш ва шарҳи келтирилган асосий атамага ишора қилиш

билан чекланилди: **АНТОНИМЛАР – зид маъноли сўзларга қаранг** каби.

7. Атамаларнинг тор ва кенг маънолари бир ўринда шарҳланди. Қаранг: **МАСНАВИЙ, ОБРАЗ...**

8. Луғатни тартиб беришда: Абдурауф Фитратнинг "Адабиёт қоидалари" (Тошкент: "Ўқитувчи", 1995), Иззат Султоннинг "Адабиёт назарияси" (Тошкент: "Ўқитувчи", 1980), Ҳ.Ҳомидий, Ш.Абдуллаева, С.Иброҳимоваларнинг "Адабиётшунослик терминлари луғати" (Тошкент: "Ўқитувчи", 1969), А.Зуннунов ва Н.Ҳотамовнинг "Адабиёт назариясидан қўлланма" (Тошкент: "Ўқитувчи", 1978), О.Носиров, С.Жамолов ва М.Зиёвиддиновларнинг "Ўзбек классик шеърияти жанрлари" (Тошкент: "Ўқитувчи", 1979), Р.Мусулмониённинг "Назарияи адабиёт" (Душанбе: "Маориф", 1990), Т.Бобоевнинг "Адабиётшунослик асослари" (Тошкент: "Ўзбекистон", 2002), Д.Қуроновнинг "Adabiyotshunoslikka kirish" (Toshkent: "Fan", 2007), А.Ҳожиаҳмедовнинг "Мумтоз бадиият малоҳати" (Тошкент: "Шарқ", 1999) сингари дарслик ва қўлланмаларида, шунингдек, мактаб, лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун нашр қилинган амалдаги дарсликларда баён этилган қарашларга суянилди.

Бу ўринда, Н.Ҳотамов ва Б.Саримсоқов каби заҳматкаш олимларимиз ғайрати билан тузилган "Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати" (Тошкент: "Ўқитувчи", 1983)да илгари сурилган қарашлар луғатни тартиб беришда асос вазифасини ўтаганлигини алоҳида эътироф этишга бурчлимиз.

Қўлланманинг илмий-усулий савиясини ошириш юзасидан баён этилажак мулоҳазалар учун олдиндан миннатдорчилик билдирамиз.

АБСУРД (лотинча, "бемаънилик", "мантиқсизлик", "мазмун тополмаслик") – бадиий ижоддаги тасвир усулларидан бири. XX аср аввалида Европа адабиётида модернизмнинг тармоғи сифатида алоҳида мавқе ҳосил қилган. Унга кўра, асарда қаҳрамоннинг ўз маънисиз ҳаёт тарзи ва хатти-ҳаракатларидан, ўзи яшаб турган муҳит ва жамият қонуниятларидан қониқмаслиги, мазмун тополмаслигини қаламга олиш етакчи ўринга чиқиши керак. Шу асосда қаҳрамоннинг ўз ҳақиқий моҳиятини тушунишга интилишини тасвирлаш абсурд асар муаллифининг бош мақсадидир. Дунё адабиётида Альбер Камюнинг "Бегона" асари абсурднинг ёрқин намунаси сифатида талқин этилади. Ўзбек адабиётида Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романидаги Мирёқуб, Абдулла Қаҳҳорнинг "Сароб" романидаги Раҳимжон Саидий, Тоғай Муроднинг "Бу дунёда ўлиб бўлмайди" романидаги Ботир Эсонов қисмати тасвирида абсурд услуб белгиларини кўриш мумкин.

АВТОБИОГРАФИК АСАР – адиб ҳаётининг энг муҳим лавҳалари, унинг кўрган-кечирганлари ўз аксини топган бадиий ижод намунаси. Рус адабиётида Л.Толстой ва М.Горький қаламига мансуб автобиографик асарлар жуда машҳур. Садриддин Айнийнинг "Эсдаликлар", Ойбекнинг "Болалик", Абдулла Қаҳҳорнинг "Ўтмишдан эртаклар" асарлари бу анъананинг ўзбек насридаги ривожига замин яратди.

Шунингдек, адабиётимизда асарда ўз биографиясига оид лавҳаларни бадиий жиҳатдан қайта ишлаш асосида чизилган манзараларга ўрин ажратиш анъанаси ҳам мавжуд. Бунга Ғафур Ғуломнинг "Менинг ўғригина болам", "Шум бола" сингари насримизнинг улкан ютуқларига айланган асарлари мисол бўла олади.

АДАБИЁТ – сўз санъати. У ҳаётни бадиий образлар воситасида акс эттиради. Санъатнинг хилма-хил турлари мавжуд: тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, меъморчилик, театр, кино, мусиқа, рақс, бадиий адабиёт... Уларнинг

барчасида бадиий таъсирчан образлар яратиш кўзда тутилган. Бироқ улар ана шу ягона мақсадга турли йўллар билан эришади. Масалан, рақсда ҳаракатларга, мусиқада товушлар уйғунлигига, тасвирий санъатда ранглар мутаносиблигига алоҳида аҳамият берилади. Рассом бўёқ ва мўйқалам билан ишлаш, ҳалкалтарош эса хом материал (тош, ганч, ёғоч, металл)га ишлов бериш орқали гўзаллик яратади. Адабиёт бу санъатлардан сўз ва руҳ имкониятларидан фойдаланиши билан фарқланади. Зеро, бадиий адабиётнинг қуроли сўздир.

Сўз санъати кенг маънодаги адабиётдан (фаннинг турли соҳаларига оид илмий асарлар, монография ва рисолалардан) қуйидаги уч хусусиятга эгалиги билан фарқланиб туради:

Бадиий адабиётнинг ўзига хос хусусиятларидан биринчиси – унинг оммавийлигидир. Таниқли мунаққид ва адабиётшунос В.Белинскийнинг фикрича, "адабиёт доимо оммавийликка суянади, ўз тасдиқини жамият фикридан олади. У фақат билимдонларнинг ёки мумтоз ҳаваскорларнинг кичик доираси эътиборидан эмас, балки бутун халқдан, энг камида – халқнинг маърифатли синфларининг эътиборидан мадад олади. Адабиёт бутун жамиятнинг мулкидир" (Қаранг: Иззат Султон. Адабиёт назарияси. 9-бет).

Адабий суҳбатлар, учрашув ва мушоиралар чоғида "Мен қалбим буюрганини ёзаман. Мен ўзим учун ёзаман. Ёзганларимни ҳамма тушуниши менга унча муҳим эмас" мазмунида фикр айтган ижодкорларнинг йиғилганларда у қадар яхши таассурот қолдирмаганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Хўш, ижодкор ким учун ёзади? Шубҳасиз, одамлар учун ёзади. Ёзганларини бошқалар ҳам ўқишини, таъсирланишини, ўзига қўшилиб дунё ва тириклик ҳақида ўйга толишини истаб ёзади. Буларнинг барчаси адабиётнинг оммавийлигидан, халқ ва жамият билан ҳамнафас эканлигидан далолатдир.

Адабиётнинг иккинчи муҳим хусусияти – унинг маълум шахслар, иқтидор эгалари, сўз санъати намояндалари томонидан яратилишидир. Оғзаки ва ёзма адабиёт пайдо бўлганидан бери ижод қилинган минглаб асарларнинг барчаси маълум

шахсларнинг дунёга, ўзи ва ўзгалар ҳаётига берган баҳоси, орзу ва интилишлари маҳсули ўлароқ дунё юзини кўрган. Бу иқтидор эгалари дастлаб индивидуал шахс сифатида ижод майдонига чиқсалар-да, кейинчалик ўз асарлари билан бутун бошли халқ сиймосига айланадилар. Лутфий, Алишер Навоий, Бобур, Машраб каби ижод вакилларининг асрлар оша халқ даҳосига айланиб бораётганлиги бунга ёрқин мисолдир.

Бу фикр, айниқса, оғзаки ижод намуналарига кўпроқ дахлдор. Фольклор намуналари ҳам маълум бир замон ёки маконда маълум бир иқтидор соҳиблари томонидан ижод этилса-да, кейинчалик бутун бошли халқ ёки миллатнинг муштарак маънавий мулкига айланади. Унинг яратувчиси сифатида ўша халқ эътироф этилади.

Адабиётнинг учинчи хусусияти – бадиийликдир. Юқорида қайд қилганимиздек, адабиёт ҳаётни шунчаки эмас, балки бадиий образлар воситасида акс эттиради. Айни шу жараёнда унинг бадиийлиги юзага чиқади ва фандан фарқи ҳам яққол намоён бўлади. Бинобарин, фан нима бўлганини тушунтирса, адабиёт нима бўлганини тасвирлайди. Бироқ бунга эришиш, яъни адабиётнинг чин маънодаги бадиийлигини таъминлаш ҳеч қачон осон бўлган эмас. Бу жараён ижодкордан тинимсиз меҳнат ва машаққатни талаб қилади. Бадиий ижодда муваффақият қозониш учун адабиётнинг ички қонуниятларидан ташқари, унинг руҳи ва дардидан, вазифаси ва бурчидан яхши хабардор бўлиш лозим.

АДАБИЁТШУНОСЛИК – бадиий адабиёт сир-асрорларини, унинг тараққиёт тарихини, илмий-амалий тамойилларини ўрганувчи фан тармоғи. Адабиётшуносликнинг қуйидаги асосий ва ёрдамчи соҳалари мавжуд:

АДАБИЁТ ТАРИХИ – муайян мамлакатлар ёки халқлар адабиётининг ривожланиш босқичларини, бирор халқ ёки мамлакат адабиёти вакиллари бўлган машҳур санъаткорларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганади. "Ҳар бир миллат эгаси, мамлакат фуқаросининг ўз адабиёти, маданияти

тарихини билишга интилиши маънавий камолот талабидир. Халқ адабиёт тарихига оид маълумотларни шунчаки билиб олиш учунгина эмас, балки миллий адабиётнинг энг яхши намуналари мазмунини, ғояларини тушуниб, шулар воситасида маънавий камол топиш учун ҳам ўрганади".

Адабиётимиз тарихини ўрганишда Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Сулаймон, П.Шамсиев, В.Зоҳидов, Ҳ.Ёқубов, Н.Маллаев, В.Абдуллаев, Ғ.Каримов, А.Қаюмов, Ф.Сулаймонова, А.Ҳайитметов, М.Зокиров, А.Абдуғафуров, Б.Валихўжаев, Б.Қосимов, С.Ғаниева, Ҳамиджон Ҳомидий, Ё.Исҳоқов, Р.Орзибеков, Р.Воҳидов, И.Ҳаққулов, Б.Тўхлиев, В.Раҳмонов, Нусратулло Жумахўжа, Дилором Салоҳий, Ш.Сирожиддинов ва бошқа олимларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга.

АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ – адабиётшуносликнинг барча замонларда яратилган ҳамма асарлар учун умумий бўлган илмий-назарий ва эстетик асосларни, бадиий асарларнинг таркибий қисмларини, бадииятнинг қонун-қоидаларини ўрганувчи тармоғи. Абдурауф Фитрат, Иззат Султон, М.Қўшжонов, Т.Бобоев, Н.Шукуров, Б.Назаров, Б.Саримсоқов, У.Туйчиев, Ҳ.Умуров, А.Ҳожиаҳмедов, Д.Қуронов, Э.Худойбердиев тадқиқотлари адабиётимизнинг назарий муаммоларини ўрганишга бағишланганлиги билан диққатга сазовордир.

АДАБИЙ ТАНҚИД – ҳозирги адабий жараёнда содир бўлаётган ўзгаришлар, яратилган асарларни баҳолаш, уларнинг ютуқ ва камчиликларини, тараққиёт йўналишларини изоҳлаш ҳамда белгилаш билан шуғулланади.

Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Мумтоз адабиётимиз танқидий қарашлар ифодаси билан ёнма-ён ривож топди. Тазкира, рисола, маноқиб-ҳолот, дебоча, фахрия сингари жанрлар, шунингдек, достонлардаги айрим боб ва парчаларни назардан ўтказиш мумтоз қаламкашларимиз танқидий қарашлар ифодасида ҳам фаоллик кўрсатишганини тасдиқлайди. Профессионал

танқидчилик анъаналари эса илмий-адабий ҳаётимизда ўтган аср аввалида қарор топа бошлади. Отажон Ҳошим, Вадуд Маҳмуд, Абдураҳмон Саъдий, Олим Шарафиддинов, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода тақриз ва мақолалари мисолида майдонга чиққан замонавий реалистик танқидчиликнинг кейинги даврдаги ривожини О.Шарафиддинов, Н.Каримов, У.Норматов, С.Мирвалиев, И.Ғафуров, Н.Худойберганов, П.Шермуҳаммедов, С.Содиқов, А.Аъзамов, И.Ҳаққулов, Н.Раҳимжонов, Р.Воҳидов, Й.Солижонов, Раҳмон Қўчқор, М.Олимов, С.Мелиев, А.Улуғов, Э.Очилов ва бошқа кўплаб олим ва адиблар тадқиқотлари мисолида яққол тасаввур этиш мумкин.

Сўнгги йилларда адабиётшунослигимизда танқидчиликнинг назарий муаммолари ва тадрижий такомили ҳақида баҳс юритувчи тадқиқотлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жиҳатдан, Б.Валихўжаев, Б.Назаров, Б.Дўстқораев, Ў.Ўтаев, Н.Худойберганов, А.Расулов, С.Содиқов, Ў.Шокиров, Ҳ.Болтабоев, Б.Каримов, Б.Йўлдошев, Б.Раҳмонов, Ш.Аҳмедова, У.Қосимов, Р.Тожибоев, И.Ёқубов, У.Султонов ва М.Қўчқороваларнинг илмий изланишлари алоҳида аҳамиятга эга.

Адабиётшуносликнинг бу уч асосий соҳаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдиради, бойитади, ўзаро тажриба алмашади. Шу асосда сўз санъати ривожига хос умумий қонуниятларни биргаликда текширади ва адабиёт ривожига ҳисса қўшади.

Шунингдек, адабиётшунослик ривожида унинг ёрдамчи соҳалари ҳисобланган библиография, матншунослик, адабиётшунослик тарихи, адабиётшунослик методологияси, адабиёт ўқитиш усулиёти кабиларнинг ҳам аҳамияти каттадир.

Библиография адабиётшуносликнинг ёрдамчи соҳаларидан бири бўлиб, амалиётда мазкур истилоҳ ўрнида *китобиёт* атамаси ҳам фаол қўлланилади. Бадиий адабиётга оид ҳамда адабиётшуносликнинг турли масалаларини ёритувчи илмий-

танқидий асарлар ёки бирор ёзувчи ва адабиётшуноснинг илмий-ижодий мероси ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва тартибга солиш, шу асосда библиографик маълумотномалар, қўлланмалар тартиб бериш китобиёт соҳасининг вазифасидир. Айни шу соҳа фидойилари саъй-ҳаракати туфайли Алишер Навоий, Бобур ва бошқа ўнлаб ижодкорларнинг илмий-ижодий мероси ҳақидаги маълумотлар мухлис ва мутахассислар ҳукмига ҳавола қилинди. Бундай хайрли ишнинг Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон каби улуғ адиблар мероси мисолида амалга оширилганлиги ҳам диққатга сазовордир.

Матншунослик сўз санъати ҳақидаги фаннинг ёрдамчи соҳаларидан бири бўлиб, бадиий асарнинг яратилиш тарихини ўрганиш, нашрга тайёрлаш мақсадида унинг турли нусхаларини солиштириб, асл нусхасини аниқлашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Мумтоз ва замонавий адабиётимиз намуналари асл ва бадиий юксак нусхаларининг тикланганлиги ва халқимизга туҳфа қилинганлиги матншунослигимизнинг ўз олдига қўйилган вазифани нечоғлик сидқидилдан бажараётганлигидан нишонадир. Шу тариқа Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб, Ҳувайдо... каби ўнлаб мумтоз ижодкорларнинг қадим қўлёзмалар шаклида етиб келган ранг-баранг нусхалардаги асарлари ичидан асл нусхалар саралашга эришилди. Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар", Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз", Абдулла Қаҳҳорнинг "Сароб" сингари шахсга сиғиниш даври қурбонига айлантирилган баркамол романлари асл матнларда китобхонларга туҳфа этилди.

Адабиётшуносликнинг ёрдамчи соҳалари сафида эътироф этилувчи адабиётшунослик тарихи, адабиётшунослик методологияси, адабиёт ўқитиш усулиёти сингари соҳаларнинг ҳар бири ўзига хос муҳим вазифани адо этади. Жумладан, *адабиётшунослик тарихи* адабиётшуносликнинг ўз тарихий тараққиётини ўрганади. Бунда ўтмиш адабиётшунослигидаги адабий ва назарий қарашлар тарихига оид маълумотлар

умумлаштирилади, адабиётшуносликка оид қарашларнинг ифодаланиш шакллари, жанрлари тадқиқ этилади.

Адабиётшунослик методологияси назарий қарашлар учун асос бўлиб хизмат қилувчи кўп йиллик, синовдан ўтган хулосаларни умумлаштирса, *адабиёт ўқитиш усулиёти* адабиёт фанини ўрта мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олийгоҳларда ўрганиш муаммолари хусусида баҳс юритади.

АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ ФАНИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ. Адабиёт назарияси фани талабаларни бадиий адабиётнинг шакли ва мазмунига хос энг муҳим қонуниятлар, адабий-назарий тушунчалар, бадиий асарларнинг ўзига хос хусусиятлари, сўз санъати ривожига оид тадрижий жараён билан таништиради. Фаннинг асосий мақсади талабаларни адабиётшуносликка оид назарий тушунчаларни чуқур идрок этишга, амалиёт жараёнида бадиий асарларни мустақил таҳлил эта олишга ўргатишдир. Бинобарин, филология йўналишида таҳсил олаётган талабалар ўқув ва касбий амалиёт даврида бадиий адабиёт намуналари таҳлилига деярли ҳар куни дуч келадилар. Мазкур фан талабаларни айни шу жараёнга тайёрлашни, сўз санъати намуналаридан эстетик завқ олишга ўргатишни назарда тутади.

АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ ВА БОШҚА ФАНЛАР. Бадиий адабиёт ўз табиатига кўра ижтимоий-руҳий ҳодисадир. Бинобарин, адабиёт назарияси фани, аввало, борлиқ тўғрисидаги умумий қонуниятларни тадқиқ этувчи фалсафа фани билан чамбарчас боғлиқдир. Шунингдек, бу фан сўз санъати тараққиётини халқ онги, маданияти ва кўп асрлик кишилик жамияти тамаддуни учун хизмат қилган мафкура ривожи билан боғлиқликда ўрганади. Айни шу жараёнда адабиёт назарияси фани тарих, сиёсатшунослик, диншунослик соҳалари эришган ютуқлардан ижодий фойдаланади.

Бадиий адабиётнинг кишилик жамияти учун муҳим хизматларидан бири унинг гўзаллик ва ахлоқ муаммоларидан баҳс этишидир. Шу боис адабиёт назарияси фани этика ва

эстетика фанлари билан боғлиқликда иш кўради. Сўз санъати ўз табиатига кўра инсоншуносликка ихтисослашган бўлиб, шубҳасиз, унинг ривожидан, илмий-назарий муаммоларидан баҳс этувчи адабиёт назарияси фани психология фани эришган ютуқлардан ҳам озиқланади.

АДАБИЁТШУНОСЛИК ТАРИХИДА НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР ТАРАҚҚИЁТИ. Шарқ мумтоз адабиётида адабий-танқидий қарашлар узоқ тарихга эга. Бундай қарашлар дастлаб адабий анжуманлар, йиғинлар ва адабий суҳбатларда оғзаки тарзда намоён бўлган. Кейинчалик ёзма адабиёт пайдо бўлгач, адабий-танқидий қарашларни турли мавзудаги асарлар саҳифаларида билвосита ифода этиш урф бўлди. Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг", Унсурулмаолий Кайковуснинг "Қобуснома", Шайх Саъдийнинг "Бўстон" ва "Гулистон", Абдураҳмон Жомийнинг "Баҳористон", Алишер Навоийнинг "Маҳбуб ул-қулуб", "Ҳайрат ул-аброр" сингари адабий пандномалари таркибидаги сўз ва сўз айтувчилар таърифига оид боблар бунга ёрқин мисолдир. Сўз усталари таржимаи ҳолига ва адабий меросига оид маълумотлар жамланган тазкира ва тарихий-мемуар асарларни назардан ўтказганда ҳам, улар муаллифларининг адабий-назарий қарашларга алоҳида диққат қаратганлиги аёнлашади. Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" тазкираси, "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад", "Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер", "Хамсат ул-мутаҳаййирин" мемуар асарлари бу жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эгадир. Алишер Навоийга қадар ва шоир замонида яратилган бундай асарлар таркибидаги адабий-танқидий, адабий-назарий қарашлар адабиётшунослик илмидан баҳс этувчи махсус рисолаларнинг дунёга келишига замин яратди. "Ҳадойиқ ус-сеҳр" (Рашидиддин Ватвот), "Фунун ул-балоға" (Аҳмад Тарозий), "Рисолаи аруз" (Абдураҳмон Жомий), "Мезон ул-авзон" (Алишер Навоий), "Бадоеъ ус-санойиъ" (Атоуллоҳ Ҳусайний), "Мухтасар" (Заҳириддин Муҳаммад Бобур) каби шеър санъатлари, аруз ва қофия илмидан баҳс этувчи илмий-назарий рисолалар ана шу жараён маҳсулидир.

Бу анъана XX аср адабиётшунослигида ҳам яққол намоён бўлди. Мумтоз назариётчи олимлар ишини давом эттирган истеъдодли адиб ва олим Абдурауф Фитратнинг "Адабиёт қоидалари", "Аруз ҳақида" рисолалари, Абдураҳмон Саъдий, Элбек, Вадуд Маҳмуд, Олим Шарафиддинов, Санжар Сиддиқ, Иззат Султон, Матёқуб Қўшжонов, Тўхта Бобоев, Баҳодир Саримсоқов, Ҳотам Умуров ва бошқа кўплаб олимлар томонидан яратилган тадқиқотлар адабиётшунослик илмининг кейинги даврлардаги ривожи учун ўзига хос мактаб вазифасини ўтаб келаётир.

АДАБИЙ ТУРЛАР ВА ЖАНР'ЛАР. Ҳар бир санъат тури ўзига хос ифода воситалари, усул ва услубларига эга. Табиийки, сўз санъати ҳам бундан мустасно эмас. Ижтимоий борлиқнинг бадиий инъикоси ўлароқ дунёга келган сўз санъати тарихига назар солиш – бадиий ижод майдонида кечган ранг-баранг изланишлар, шакл ва мазмун ўзгаришлари, тараққиёт ва такомили, янгиланиш ва тўлишишлари ҳақидаги яхлит хулосаларга келиш имконини беради. Шубҳасиз, дунё адабиёти ана шу кўп асрлик тадрижий такомил маҳсули ўлароқ ўзига хос енгилмас қудрат касб этиб, инсоният маънавий камолотининг муҳим пиллапояси бўлиб хизмат қилаётир.


Дунёнинг турли манзил-маконларида орттирилган илмий-маърифий тажрибаларни бир нуқтага жам этиш ва якдил хулосани ўртага қўйиш исталган фан соҳаси ривожида кузатиладиган муҳим анъаналардан биридир. Бадиият намуналарини тур ва жанрларга ажратиш масаласида ҳам худди шундай йўл тутилиши муқаррар.

Бу ўринда, аввало, тур ва жанр тушунчаларига изоҳ бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, биология фанида ҳайвон, қуш, парранда ва ҳашаротларни ҳаёт ва ҳаракат тарзи, озиқланиши, ташқи кўриниши каби белгиларни эътиборга олган ҳолда маълум гуруҳларга бирлаштириш ўзига хос анъанага айланган. Бундай гуруҳлар биология фани талқинига кўра *синфлар* ҳисобланади. Масалан, судралиб юрувчилар синфи, сут эмизувчилар синфи... каби. Шунингдек, биологияда

мазкур синфларга мансуб жонзотларни алоҳида ўрганиш ҳам асосий мақсадлардан биридир. Жумладан, илон, эчкиэмар, калтакесак, тимсоҳ... кабилар судралиб юрувчилар синфининг ички кўринишлари сифатида махсус назардан ўтказилади.

Тур ва жанр тушунчаларига хос чегараларни белгилашда ҳам тахминан шундай йўл тутилганлигига шубҳа йўқ. Бунда ҳам ифода тарзи, воқеликни бадиий акс эттириш йўллари, имкониятлари нуқтаи назаридан умумийликка эга бўлган асарлар маълум гуруҳларга бирлаштирилиб, сўнгра бу гуруҳларга номлар берилади. Мазкур гуруҳлар адабиётшуносликда *тур* атамаси билан юритилади. Бу гуруҳларни, яъни турларни таркиб топтиришда хизмат қилган ички кўринишлар эса *жанрлар* деб юритилади (*"жанр"* атамаси французча сўз бўлиб, *"жинс"*, *"кўриниш"* деган маъноларни англатади).

Фикримизни лирик тур мисолида назардан ўтказайлик. Бунда биологиядаги синф ва адабиётшуносликдаги тур; биологиядаги ички кўриниш ҳамда адабиётшуносликдаги жанр ҳодисаларини ўзаро қиёслаш имконини берадиган қуйидаги чизмадан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:



Адабиётшуносликда сўз санъатининг қуйидаги турлари мавжудлиги қайд этилади:

I. Лирик тур.

II. Эпик тур.

III. Драматик тур.
IV. Оралиқ – лиро-эпик тур.
V. Паремик тур.

АДАБИЙ ТУРЛАР ВА ЖАНРЛАР ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТНИНГ ОММАВИЙ АҲАМИЯТИ. Кўпчилик тур ва жанрлар назариясини ўрганиш фақат филолог мутахассислар вазифасига киради, деб ҳисоблайди. Аммо айни шундай қараш тарафдорлари аслида ижтимоий ҳаётнинг сўз санъати кириб бормаган ҳеч бир жабҳаси йўқлиги ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмай, юқоридаги каби мулоҳазани баён қилган бўладилар. Дарҳақиқат, дунёда санъатнинг, айниқса, сўз санъатининг имконият ва имтиёзларидан фойдаланмайдиган инсонни топиш мушкул. Зеро, инсоният ҳаётини адабий асарларни саҳналаштириш асосида иш кўрадиган кино ва театрсиз, шеърий матнларга мусиқий жозиба бахш этиш асосида юзага келадиган қўшиқларсиз, адабий парчалар деярли ҳар дақиқада янграб қоладиган радио ва телевидениесиз, бир-биридан қизиқарли ва мароқли бадиий асарларсиз тасаввур этиш мушкул. Инчунин, миллий педагогикамиз тарихига чуқурроқ назар солинса, ўнлаб адабий пандномалар қадим мактаб ва мадрасалар фаолиятини йўлга қўйишда асос бўлиб хизмат қилганлиги аёнлашади. Юсуф Хос Ҳожиб "Қутадғу билиг"и, Аҳмад Югнакий "Ҳибат ул-ҳақойиқ"и, Абулқосим Фирдавсий "Шоҳнома"си, Фаридуддин Аттор "Илоҳийнома"си, Жалолиддин Румий "Маснавий"си, Шайх Саъдий "Гулистон" ва "Бўстон"и, Сайфи Саройи "Гулистон бит-туркий"си, Абдураҳмон Жомий "Баҳористон"и, Алишер Навоий "Маҳбуб ул-қулуб"и, Бобур "Мубаййин"и, Абдулла Авлоний "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ"и ва бошқа кўплаб асарлар ҳали-ҳануз ана шундай нодир дурдоналар сифатида ардоқланиб келинмоқда. Бу анъана ҳозирги кунда ҳам мактаб педагогикасининг синовдан ўтган воситаси бўлиб

БИБЛИОТЕКА
Бух. ТИП и ЛП
No 11157

хизмат қилаётир. Бинобарин, бошланғич синф "Ўқиш китоби"даги шеърий ва насрий парчалар, турли дидактик лавҳалар адабиётнинг келажакда турли соҳа вакиллари бўлиб етишадиган инсонлар учун баб-баравар хизмат қила олиш қудратидан яна бир нишонадир. Бироқ бадиий асардан завқ олиш учун уни мутолаа қилиш ёхуд тинглаш ва томоша қилишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу жараёнда бадиият намунасига хос жанрий белгилардан хабардор бўлиш катта-кичик асарлар бахш этадиган бадиий завқнинг мукаммал бўлишига кўмаклашади. Бинобарин, драма жанри ҳақидаги тасаввур драматик асар томошаси, комедия жанрига оид билим комик асар томошаси, трагедия ҳақидаги тасаввур трагик асар томошаси жараёнига ўзига хос мазмун бахш этади. Бу фикр, шубҳасиз, мумтоз ғазал ва мустазодлар, рубоийлар гулдастаси асосида ижро этиладиган қўшиқларни тинглаш жараёнига ҳам дахлдордир.

АДАБИЙ ТАРЖИМА – бирор асарни бир тилдан бошқа тилга ўгириш, қайта ижод этиш. Таржима сўз санъати ривожини белгилайдиган муҳим омиллардан биридир. Ирқи ва дини, ўй-қарашлари фарқли бўлган эл-элатлар орасидаги макон ва замон чегараларини, сўзсиз, таржима орқали енгиб ўтиш мумкин. Таржима учун умумбашарий ғоя-фикрларни ўзида мужассам этган асарлар танланиши таржимон муваффақиятини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунингдек, маҳорат билан амалга оширилган таржима нафақат асар муаллифини, балки таржима муаллифини ҳам машҳур қилади. Демак, таржима жараёни билан боғлиқ машаққатли меҳнат таржимонга асарга қайта жон бағишловчи иккинчи муаллиф мақомини беради. Бу эса таржимон олдидаги масъулият нечоғлик улкан эканлигини кўрсатади. Таржима учун юксак умумбашарий ғоялар билан суғорилган асар танлаш у қадар мушкуллик туғдирмас, бироқ уни ўз тилига ўгириш билан боғлиқ масъулият сусайса, нафақат

таржимон, балки асар муаллифи ҳақида ҳам бирёқлама таассурот пайдо бўлиши муқаррар.

Таржиманинг моҳияти, вазифаси ва аҳамияти ҳақида сўз кетар экан, қуйидаги ибратли лавҳага диққатингизни тортмоқни жоиз топдик.

Бетакрор дурдона – "Маснавийи маънавий" услубан ўзига хос асар бўлиб, Мавлоно Румий унда ўз ахлоқий-маърифий, диний-фалсафий қарашларини ҳикоятлар, оят ва ҳадислар кўмагида асослашга интилган. Ундаги бир ҳикоят хусусида моҳир таржимон ва таржимашунос олим Нажмиддин Комилов кузатишлари эътиборимизни тортди. У бу ҳикоятни "Бу қадимий санъат..." рисоласи муқаддимасида келтириб, ўз мақсадини аён этишга эришган: "... тўрт одам бир шаҳардан ҳамроҳ бўлиб йўлга чиқдилар, уларнинг бири – форс, иккинчиси – турк, учинчиси – араб, тўртинчиси – юнон эди. Йўлда бир киши уларга бир дирҳам пул беради. Уларнинг ҳар бири ўз тилида бу пулга узум сотиб олиш ҳақида таклиф киритади. Аммо бир-бирининг тилини тушунмаганлари сабабли ўртада низо келиб чиқади: форс "ангур" (узум) оламиз деса, араб "ангур" эмас, "инаб" (узум) истайман, дейди. Турк "узум" оламиз деб туриб олади, юнон эса "истофил" (узум) харид қилишни таклиф этади..." (Қаранг: Комилов Н. Бу қадимий санъат. Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. 3-бет).

Олим ҳикоят мазмунини шу тариқа мухтасар баён қилар экан, улуғ сўфий назарда тутган, ибрат олишга даъват этган ғояни ўзига хос тарзда умумлаштиришга ҳаракат қилади: "Улуғ шоир мазкур ҳикоятдан хулоса чиқариб, дунё одамлари аслида бир хил фикрлайдилар, уларнинг орзу-армонлари, ниятлари яқин. Лекин бир-бирини тушунмаслик, одатлар, тиллар орасидаги фарқ одамлар ўртасида душманлик ва низо – жанжалларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади, дейди. Агар юз тилни биладиган одам бўлсайди, дунё одамларининг

хоҳишлари бир эканини бир-бирига тушунтирган, уларни бирлаштириб, сулҳ ва ҳамжиҳатликни таъминлаган бўларди" (ўша жойда).

Аммо рисола муқаддимасида бирор ҳикоят мазмунини баён этишдан мурод фақат шу ҳикоят тарғибидан иборат бўлмайди, албатта. Бу ҳақиқатни теран англаган олим Румий ҳикоятининг серқирра моҳиятидан, таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, бир неча мақсад ифодасида фойдаланган. Олим кўзлаган биринчи мақсад, Саъдий Шерозий таъбири билан айтганда, бутун башариятнинг ўзаро қондош-қариндош эканлигини таъкидлашдир. Бу ғоя биз иқтибос қилган парчанинг дастлабки қисмида – тўрт йўловчининг бир хил фикрлаганлигини таъкидлаш кўринишида ифода этилган. Олим кўзлаган иккинчи ва рисола моҳиятига ҳамоҳанг мақсад иқтибоснинг кейинги парчасида мужассамлашган – рисола муаллифи Румий қарашлари мағзи сифатида башарият вакиллари орасидаги зиддиятни келтириб чиқарган энг биринчи тўсиқ тилларнинг ўзгачалиги эканлигини ҳақли равишда таъкидлайди.

Ўзаро низолар, тахт, ҳудуд, молу давлат талашувлари, одатлар ва тиллар ўртасидаги ўзгачалик одамлар орасидаги масофани йироқлаштиришга қанчалик уринмасин, башарият асрлар давомида ўзаро яқинлашиш, Тангри ато этган азалий муштаракликларни топиш ва амалга татбиқ этиш машаққатидан асло чекинган эмас. Шу тариқа халқлар ва миллатлар орасидаги дўстлик кўприклари бино этилганлиги, савдо, маънавият ва маърифат, дин ва санъат, тил ва қадрият алмашувлари, илм ва адабиёт яқинлашувлари бунёдга келганлиги ҳам айни ҳақиқат. Таржима бу соҳада энг яқин кўмакчи бўлганлиги шубҳасиз. "Бу қадимий санъат..." муаллифи ҳам ана шу ҳақиқатга урғу беради. Румий ўз асарида армон билан баён қилган муаммонинг ечимини топади гўё. Муқаддиманинг айни шу ўринларига келганда, олимнинг

Румий асарига мурожаат этиш орқали аслида таржима қудратига ишора қилишни мақсад қилганлиги яққол аёнлашади: "Аммо афсуски, юзта тилни биладиган кишилар жуда кам, балки йўқ ҳам. Шундай кишилар бўлган тақдирда ҳам, улар бутун жаҳон халқлари дилидаги гапларни бир-бирига етказишга қодир эмасдилар. Бироқ ана шундай қудратга эга бошқа бир омил бор. Бу – таржима" (ўша жойда).

Шу тариқа ҳикоят моҳияти орқали ўзининг асосий мақсади – таржима имкониятлари хусусида сўз бошлаган муаллиф муқаддиманинг кейинги саҳифаларида таржиманинг халқларни бирлаштириш, миллатларни яқинлаштириш, маданият ва қадриятларни муштарак этиш соҳасидаги ўрнини кўплаб далиллар ёрдамида асослаб беради. Айниқса, форсийдан туркийга ўгирилган асарлар бу икки халқ ахлоқий-руҳий яқинлигини барқарорлаштиришда беқиёс аҳамият касб этганлигини алоҳида таъкидлайди.

Юртимизда таржимачилик соҳасида ўзига хос мактаб шаклланиб улгурган. Ш.Шомуҳаммедовнинг форс-тожик тилидан, Қ.Мирмуҳаммедов, О.Шарафиддинов, И.Ғафуров ва А.Рашидовларнинг рус тилидан, Жамол Камолнинг рус, инглиз ва форс-тожик тилларидан амалга оширган ўгирмаларини ўзбек таржимачилигининг улкан ютуқлари сифатида эътироф этиш мумкин.

Сўнгги йилларда таржима соҳасида қўлга киритилган ютуқлардан энг муҳими сифатида асарни аслиятдан аслиятдагидек ўгириш йўналишида амалга оширилаётган хайрли ишларни алоҳида қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камолнинг В.Шекспир асарларини инглиз, буюк тасаввуф алломалари Фаридуддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр", "Илоҳийнома", "Асрорнома", Жалолиддин Румийнинг "Маснавийи маънавий" асарларини форс тилидан таржима қилганлигини шундай улуғвор ишлар қаторида эътироф этиш жоиз. Бу жиҳатдан, шоир,

адабиётшунос ва таржимон Эргаш Очиловнинг рубоийни асл вазнини сақлаб қолиб таржима қилиш йўлидаги уринишлари ҳам диққатга сазовордир.

Умуман, таржимани чинакам ижод майдонига қадам қўйган деярли барча қаламкашларнинг иккинчи қаноти дейиш мумкин. Шунга кўра, насрий ёки шеърий ўгирмаларни кўплаб шоир-ёзувчилар ижодида учратиш мумкин. Энг муҳими, таржима жараёни ижодкор маҳоратининг ошишига, унинг ўзга миллат ёзувчиси тажрибаларидан ижодий сабоқ олишига ва шу тариқа сўз санъатининг тараққий этишига замин яратади.

Таржима адекват (сўзма-сўз, айнан) тарзда ҳам, эркин (ижодий, мазмунни қайта баён этиш орқали) тарзда ҳам амалга оширилиши мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам аслиятдаги бадиий жозиба, мақсад-ғоя сақлаб қолиниши лозим. Бу жиҳатдан, эркин таржима имкониятлари устуворроқдир. Аммо асарни эркин таржима қилиш таржимондан юксак бадиий маҳоратни талаб этади. Акс ҳолда, таржима аслиятига жиддий зарар етказилиши, шу тариқа асари ўгирилаётган ижодкор маҳорати ҳақидаги нотўғри тасаввурга замин яратилиши мумкин. Мазкур жараёнга хос нозик жиҳатлар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиш учун Ғ.Саломов, Н.Владимирова, Н.Комилов, М.Бобоев, С.Олимов. З.Исомиддинов каби таржимашунос олимлар ишларига мурожаат этиш мумкин.

АДАБИЙ ЭРТАК – шоир ва ёзувчиларнинг халқ оғзаки ижодидаги эртаклар сюжетига мурожаат қилиб ёзган шеърий ёки насрий асарлари. Ҳамид Олимжоннинг "Ойгул билан Бахтиёр", "Семурғ ёки Паризод ва Бунёд", Пушкиннинг "Олтин балиқ ва балиқчи чол" эртаклари адабий эртакларга мисолдир.

АДЕКВАТ ТАРЖИМА – адабий таржимага қаранг.

АЛЛЕГОРИЯ (грекча, бошқача гапираман сўзидан) – бадиий адабиётдаги инсон ҳаёт тарзини, унинг характерига хос иллат ва фазилатларни жонсиз нарса-буюмлар, ҳодисалар, қуш, ҳайвон ва паррандаларга кўчириб тасвирлаш санъати.

Бундай асарларда нарса-ҳодисалар, қуш, ҳайвон ва паррандалар ўз хусусияти билан намоён бўлмайди, балки инсон ҳаёти, руҳий-маънавий дунёсига хос томонларни очиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Масалан, гул – эзгу ниятли одам, бўрон – ёвуз мақсадли одам, тулки – айёр одам, бўри – лақма одам, қуён -- қўрқоқ ва мақтанчоқ одам ролини ижро этади. Бадиий асарда қўлланган мана шу усул аллегория ёки мажоз деб юритилади.

Аллегориянинг пайдо бўлишига инсоний муносабатлар асос бўлган, инсон ўз фикрини дўсту душманга ошкор айтишдан андиша қилиб, қуш, ҳайвон ва паррандаларни, жонсиз нарсаларни "ёрдамга чақирган". Ғарбда бу усул, асосан, синфий муносабатларни муҳокама қилиш майдонига айланган бўлса, Шарқда мажоз ахлоқий масалаларни тарғиб этиш воситаси сифатида хизмат қилган. Аллегория усули ҳайвонлар ҳақидаги мажозий эртаклар ва масалларнинг яратилишида асос бўлиб хизмат қилган.

Масалан: "Калила ва Димна", "Шер билан дуррож", "Туя билан бўталоқ," "Тулки ила қарға", "Бўри билан қўзичоқ", "Тошбақа билан чаён".

Мумтоз адабиётимиздаги мунозара жанрига мансуб асарларда ҳам мажоздан кенг фойдаланилган: "Ўқ ва ёй", "Бангу бода", "Сиҳат ва мараз".

Аллегория болаларга мўлжалланган шеърий ва насрий асарларда ҳам муҳим тасвир воситаларидан бири бўлиб хизмат қилаётир. Халқ эртак ва масалларини улкан ахлоқий дурдоналарга айлантирган мазкур усул замонавий болалар адабиётида ҳам ёш авлод тарбиясига улкан ҳисса қўшувчи бир қанча қаҳрамонлар яратилишига замин бўлмоқда. Пўлат Мўминнинг "Қовоқвой ва Чаноқвой" шеърий эртак-драмасидаги Қовоқвой, Чаноқвой, Пахта бобо, Қовунжон, Тарвузжон, Ўргимчаккана; "Суқатой-Конветвой" эртак-пьесасидаги Конфетвой, Чалавой, Нафсвой, Билим хола;

Одобжон; "Туяқуш – бояқиш" эртак-пьесасидаги Туяқуш каби образлар бунга ёрқин мисолдир.

АМР ВА НАҲИЙ (арабча, буюриш ва манъ этиш сўзларидан) – шеърда ижодкор ниманидир қилишга даъват этса, амр санъати вужудга келади:

Нидо бергил, қайдасан, шарпангга қулоқ тутдим,
Сирли тушлар кўриб мен бор дунёни унутдим.
(А.Орипов)

Шеърда ижодкор ниманидир қилмасликка буюрса, наҳий санъати вужудга келади:

Гапни чўзма, аросатга борасан, чунки
Сен на гуноҳ қилгансан-у, на зарра савоб. (А.Орипов)

АНАФОРА (грекча, юқорига кўтариш сўзидан) – такрирнинг бир кўриниши бўлиб, бу санъат талабига кўра шеър мисралари бошида бир хил сўз ёки бирикмалар такрор келади. Бу санъатнинг яна бир номи *радд ус-садр ил-ал-ибтидо* (биринчи мисра бошидаги сўзни кейинги мисра бошида такрорлаш)дир:

Нега бунча гўзал кўринар олам,
Нега қараб тўймас кўзларим. (Уйғун)

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг "Она сайёра" шеъридан олинган қуйидаги парчада ҳам анафора мавжуд:

Бир ёнда ложувард Баҳри Муҳит бор,
Бир ёнда заъфарон Саҳрои Кабир.

Яна мисоллар:

Мактаб дуру гавҳар сочар,
Мактаб сиза жаннат очар. (Абдулла Авлоний)

Каноат бирла қорин тўйдурурсиз,
Каноат бўлмаса, кўп оч бўлурсиз.

Каноатсиз киши бағрини доғлар,
Каноатли киши оғзини ёғлар. (Абдулла Авлоний)

АНТИТЕЗА – қаршилантириш. Тазодга қаранг.

АНТОНИМЛАР – зид маъноли сўзларга қаранг.

АРУЗ – араб шеърияти таъсирида мумтоз туркий адабиётга кириб келган, мисралардаги ҳижо (бўғин)ларнинг чўзиқ-қисқалигига асосланган вазн.

"Аруз вазни бармоқ вазни сингари мисрадаги ҳижоларнинг миқдори ва гуруҳланиб такрорланишига эмас, балки ҳижоларнинг миқдори ва сифатига асосланади, яъни қисқа ва чўзиқ ҳижоларнинг маълум тартибда такрорланишидан ҳосил бўлади" (Қаранг: Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. 37-бет). Аруз вазнида унли билан тугаган ҳижоларни ("о" унлисидан ташқари) қисқа, ундош билан тугаган ҳижоларни чўзиқ ҳижога ажратиш урф бўлган. Баъзан бунинг тескарисини ҳам кузатиш мумкин. Яъни ундош билан тугаган ҳижо – қисқа, унли билан тугаган ҳижо – чўзиқ ҳижо сифатида қаралиши мумкин. Бу ҳодиса "имола" деб юритилади (Яна ўша манбага қаранг).

Бироқ кўпчилик олимларимиз мазкур қонуниятларни туркий арузга тўлиқича татбиқ этиб бўлмаслигини таъкидлайдилар ва туркий арузда вазн тармоғини белгилашнинг энг муҳим усули "ўқиш – эшитиш" эканлигини уқтирадилар. Жумладан, адабиётшунос олима Н.Афоқова ёзади: "Форс-тожик адабиётшунослиги заминида шаклланган

туркий аруз назарияси, айтиш мумкинки, график назария эди. Яъни унга кўра, сокин ва мутаҳаррик ҳарфлар, уларнинг бирикишидан ҳосил бўлган сабаб, ватад ва фосила жузвларининг муайян тартибдаги такроридан вазн ҳосил бўлади. Мумтоз адабиётшуносликда ана шу ҳарфлар ва жузвлар вазнни аниқлаш бирликларидир. Аммо бу жуда шартли бир усулдир. Чунки шеър вазни ўқиш – эшитиш асосида идрок қилинадиган ҳодиса бўлиб, уни график кўриниши асосида аниқлаш муайян шеър вазни ҳақидаги нотўғри хулосага олиб келиши мумкин" (Қаранг: Афоқова Н. Арузда ритмни аниқлаш асослари ҳақида. Китобда: Заковат зиёси. Тошкент: "Фан", 2005. 67-68-бетлар).

Олима шундай муҳим хулосани баён этар экан, ўз қарашларини асослаш мақсадида аруз назариясининг мумтоз билимдони Абдурауф Фитратнинг "Шеър вазнини ўлчаш қулоқ ила амалга оширилади" ҳамда академик Алибек Рустамовнинг "Рукн мисранинг ўқилиш усулини ифода қилиши керак" мазмунидаги фикрларидан фойдаланади (ўша жойда).

Албатта, арузда битилган шеър вазнини (аниқроғи, вазн тармоғини) аниқлаш жараёнида, шубҳасиз, чўзиқ, қисқа ва ўта чўзиқ ҳижоларни фарқлаш бўйича маълум билимга эга бўлиш катта аҳамиятга эга. Бироқ бу тажриба иш бермай қолганда (туркий аруз намуналари вазн тармоғини аниқлашда бундай ҳолатларга тез-тез дуч келиш мумкин, қолаверса, чўзиқ-қисқа ҳижоларни аниқлаш ва белгилаш жараёнига оид "бир-бирига ўтишлар" бу ишни янада мушкуллаштиради), Абдурауф Фитрат таклиф қилган "ўқиш – эшитиш" усулига ҳам таяниш мумкин. Аммо бу қулай усулга етиб бориш учун ҳам ҳижо, рукн, баҳр ҳақидаги билимларни анча-мунча ўзлаштириб олиш зарур.

Ҳижо – арузда битилган шеърнинг энг кичик ритмик бўлаги. Мазкур ҳодиса моҳияти ва вазифасини англаш учун уни

бармоқ вазнидаги бўғин ҳодисасига қиёслашимиз мумкин. Бироқ ҳижо ва бўғин тушунчалари ҳар доим ҳам тенг келавермайди. Бинобарин, бармоқ вазнида бўғинлар бўлинмасдир. Арузий матндаги ҳижоларни эса чўзиқ-қисқалик талабига кўра бўлиб талаффуз қилиш ҳам мумкин.

Аруздаги рукн (арабча, устун сўзидан) тушунчаси бармоқдаги турок тушунчасига ўхшаб кетади. Рукнлар ҳижоларнинг миқдори ва чўзиқ-қисқалигига қараб, қуйидаги саккиз аслга бўлинади: 1) фаулун; 2) фоилун; 3) мафоийлун; 4) фоилотун; 5) мустафъилун; 6) мафъулоту; 7) мафоилатун; 8) мафъулоту.

Аруз вазнида рукнларнинг ўзаро муносабати ва такрори асосидаги кўринишлари баҳр (арабча, денгиз сўзидан) деб юритилади. Алишер Навоий шеър назариясига оид асарида туркий арузда қўлланган 19 баҳр ҳақида маълумот беради. Бобур эса "Мухтасар"да бу ададни 21 тага етказган.

Мумтоз ва замонавий адабиётшунослигимизда арузга оид тадқиқотлар алоҳида ҳиссани ташкил этади. Бу сирада Шамс Қайс Розийнинг "Ал-мўъжам", Насируддин Тусийнинг "Меъёр ул-ашъор", Алишер Навоийнинг "Мезон ул-авзон", Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг "Бадоеъ ус-саноеъ", Бобурнинг "Мухтасар", Фитратнинг "Аруз ҳақида", Иззат Султоннинг "Адабиёт назарияси", А.Рустамовнинг "Аруз ҳақида суҳбатлар", У.Тўйчиевнинг "Ўзбек поэзиясида аруз системаси", Т.Бобоевнинг "Шеър илми таълими", А.Ҳожиаҳмедовнинг "Мактабда аруз вазнини ўрганиш", М.Олимовнинг "Рисолаи аруз" каби рисола, дарслик ва қўлланмаларини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Мумтоз вазн сифатида қадим адабиётимизга беқиёс кўрку салобат бахш этган аруз ўз оҳанг ва таровати билан замонавий шеъриятдан ҳам муносиб ўрин эгаллади. Мазкур вазннинг ранг-баранг имкониятлари Чўлпон, Усмон Носир, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Ҳабибий, Чархий, Чустий, Собир Абдулла,

кейинроқ Эркин Воҳидов ва Жамол Камол асарлари мисолида яна бир карра ўзини намоён этди.

АРХАИЗМ (грекча, қадимий сўзидан) – тарихий қатламга мансуб чегараланган лексика кўриниши. Эскириб истеъмолдан чиққан, ҳозирда унинг ўрнида синоними ишлатиладиган сўзлар: *улус* – халқ; *фирқа* – партия; *муншй* – котиб; *область* – вилоят; *район* – туман. Бироқ ўтмиш тарихимиз ҳақида ҳикоя қилувчи асарларда архаизмлардан айнан фойдаланилади. Бунинг натижасида қаламга олинаётган давр муҳитини жонлантиришга эришилади.

АРХИТЕКТОНИКА (грекча, қурилиш санъати сўзидан) – бадиий асар қисмларининг ўзаро мутаносиб тарзда тартиблашиши. (Бу ҳақда батафсилроқ маълумот олиш учун композиция атамаси шарҳланган саҳифага қаранг).

АСАР САРЛАВҲАСИ – асарда тасвирланган воқеалар, асар ғоясига ҳамоҳанг тарзда танланган ўзига хос ном. Асар сарлавҳаси тўғри маънода ҳам, кўчма маънода ҳам бўлиши мумкин. Тўғри маънода: "Даҳшат", "Бемор", "Анор". Кўчма маънода: "Ўғри", "Олтин зангламас", "Мехробдан чаён". Ҳар икки ҳолатда ҳам асар номи унда тасвир этилган воқеалар мантиғи, ғоявий хулосасига уйғун тарзда танланади.

АСКИЯ – халқ оғзаки ижодининг драматик турга мансуб бу жанрида икки ёки ундан ортиқ кишининг ўзаро сўз ўйини қилиши асосида кулгили вазият келтириб чиқарилади. Аскияларда бир-биридан ўтказиб тагдор, қочиримли, киноялн гап айтиб рақибини мот қилиш диққат марказида туради. Ана шундай қочиримли гаплар пайровлар дейилади.

Ўзбекистоннинг Фарғона, Андижон, Наманган каби вилоятларида аския айтиш фаол анъана сифатида яшаб келмоқда. Латифалар анъанавий қаҳрамони Насриддин Афанди образи ҳам аскияларда кенг учрайди. "Аския" сўзининг ўзаги арабча "закий" (зукко) сузи бўлиб, "ҳозиржавоб" деган маънони билдиради. Закийнинг кўплиги

"азкиё"дир. Кейинчалик "азкиё" сўзи "аския" тарзида талаффуз қилиниб, жанр номига айланиб кетган.

АСОТИР – ибтидоий жамоа тузуми даврида қадимги инсон табиат ҳодисалари олдида жуда ожиз бўлган. Қўрқув натижасида уларни илоҳийлаштирган, ҳар бири мисолида битта худо ясаган, улар ҳақида оғзаки ҳикоялар тўқиган. Ана шундай оғзаки ҳикоялар асотир ёки миф жанрининг вужудга келишига замин яратган. Асотир фольклорнинг энг қадимги жанридир. Ўзбек фольклорида "Ой билан кун", "Аёз момо" ёки "Азиз момо" асотирлари жуда машҳур.

Мифологик қаҳрамонлар илоҳийлаштирилган хаёлий қаҳрамонлардир. Бундай қаҳрамонларни "Авесто", "Рамаяна", "Маҳобҳорат", "Илиада", "Одиссея" (кейинги икки асар муаллифи Гомердир) каби воқеалари мифологик саргузаштлар асосида тасвирланган асарларда кўп учратамиз: Аҳурамазда, Аҳриман, Митра, Гершасп, Каюмарс, Зевс, Посейдон, Афродита, Рам, Кришна...

АТАМАЛАР – терминларга қаранг.

АФОРИЗМ (грекча, ҳикматли сўз) – машҳур тарихий шахслар, давлат ва жамоат арбоблари, шоир ва ёзувчилар томонидан айтилган ёки ёзилган, даврлар ўтиши билан халқ онги ва нутқига сингиб, мақоллар даражасига етган ҳикматли фикрлар. Вақт ўтиши билан бундай фикрларнинг муаллифлари унутилиши ҳам мумкин:

Оз-оз ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

Ким кучук бирлан хўтукка қанча қилсанг тарбият,
Ит бўлур, доғи эшак, бўлмаслар асло одами.

(Алишер Навоий)

АФСОНА (арабча, афсун сўзидан) – халқ оғзаки ижодининг хаёлий уйдирмага асосланган эпик жанри бўлиб, халқнинг қадимги ҳаёти, тасаввурлари билан боғлиқ бадиий тўқималар афсоналарнинг яратилишига асос бўлиб хизмат қилган. Афсонанинг асотирдан фарқи шундан иборатки, унинг воқеалари ерда кечади. Лекин ерда кечадиган бу воқеаларнинг ёлғонга, уйдирмага асосланиши афсонани ривоятдан фарқлаш учун хизмат қилади. Кошғарий "Девону луғотит турк"да афсона атамаси ўрнида *"сав"* атамасини қўллаган. Бу асарда афсонага мисол сифатида Искандар юришлари ҳақида ҳикоя қилувчи "Олтин қон" афсонаси келтирилган. Аристотель афсоналарнинг хусусиятлари ҳақида гапириб, уларни "ҳақиқатдан дарак берувчи ёлғон ҳикоялар" деб атайди.

Афсоналарнинг қуйидаги уч кўриниши мавжуд:

1. Тарихий-қаҳрамонлик афсоналари: "Тўмарис", "Широқ". "Тўмарис" афсонаси Геродотнинг "Тарих" китоби орқали, "Широқ" афсонаси Полиеннинг "Ҳарбий ҳийлалар" китоби орқали бизгача етиб келган. Ҳозирда бу икки афсона тарихийликка асосланганлиги боис олимларимиз томонидан ривоят сифатида талқин қилиняпти.

2. Топонимик, яъни жой номларининг келиб чиқиши билан боғлиқ афсоналар: "Ҳазорасп" "Гулдурсун", "Аёзқалъа", "Шоҳсанам кўшки", "Қизбиби", "Чилдухтарон"...

3. Диний афсоналар: "Таврот", "Забур", "Инжил", "Қуръони карим" каби муқаддас китоблар таркибидаги пайғамбарлар ва уларнинг ҳаёти билан боғлиқ айрим лавҳалар бунга мисолдир. Кейинги йилларда бу туркумга мансуб оғзаки ҳикояларни ҳам ривоятлар дея юритиш маъқул кўрилмоқда.

БАДИИЙ АДАБИЁТДА ОТ ОБРАЗИ –

1. Пайғамбаримиз Меърож тунида миниб Аршга чиққан от – *Буроқ* отидир.

2. Алпомиш минган от – *Бойчибор*.

3. Кўкалдош минган от – *Кўкдунан*.

4. Гўрўғли минган от – *Ғиркўк.*

5. "Равшан" достонида Равшан миниб, Зулхумор юртига жўнаган от – *Жийронқуш.*

6. Халқ достонларида чавандозларни ўлимдан қутқариб қолган отлар – *Ғирот ва Бойчибор.*

7. "Маликаи айёр" достонидаги қипчоқ ботири, парли ёй тортишда ҳаммадан зўр – Асад мерганнинг тулпори – *Гаждим.*

8. "Маликаи айёр" достонидаги найман ботири, милтиқ отишда тенгсиз – Шодмон мерганнинг тулпори – *Маждим.*

9. Фирдавсий "Шоҳнома"сидаги "Рустам" достони бош қаҳрамони Рустам минган от – *Рахш.*

10. "Фарҳод ва Ширин"даги Ширин минган от – *Гулгун.*

11. Ч.Айтматовнинг "Алвидо, Гулсари" қиссасидаги Танабойнинг қадрдон оти – *Гулсари* дир.

БАДИИЙ АДАБИЁТДА ТУЯ ОБРАЗИ –

1. "Алпомиш" достонида етти йиллик зиндондан қутулиб, Бойсун – Қўнғиротга Қултой кийимида кириб келган Алпомиш – Ҳакимбекни зиёрат қилиб, унинг атрофидан етти марта айланган туя *Қоранор* туядир.

2. "Қисаси Рабғузий"да Рум вилоятида мусиқа ёрдамида бебош туяларни қўлга ўргатиш ҳақида ҳикоя қилинади.

3. Ч.Айтматовнинг "Асрга татигулик кун" романида Жўломоннинг онаси Найман она минган туя – *Оқмоядир.*

БАДИИЙ АСАР ТИЛИ – бадиий адабиётнинг асосий ифода қуроли. Бадиий асар шакли ва мазмунига хос барча воситалар айнан тил орқали юзага чиқади. Шу боис ёзувчилар, энг аввало, асар тилининг жозибали ва равон чиқишига ҳаракат қиладилар.

"Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати"да ўқиймиз: "Бадиий адабиёт тили адабий тил билан чамбарчас боғланган, умумхалқ тилига асосланган, жонли ва адабий тил бойликларини акс эттирган, ҳаммага тушунарли ифодаларни қамраб олган, классик ижодкорларнинг

анъаналарини давом эттирган, ёзувчилар томонидан пардозланган, жилоланган тил ҳисобланади" (374-бет).

Бадиий асар тили тасвирийлик, таъсирчанлик, образлилик, типиклик, халқчиллик фазилатларига эга бўлади. Буларнинг барчасига у муаллифнинг тил воситаларидан: омоним, синоним, антоним, пароним ва дублетлардан; метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик, киноя каби кўчим турларидан; диалектизм, профессионализм ва терминлардан; жаргон, вульгаризм ва варваризмлардан; архаизм, историзм ва неологизмлардан; ибора ва идиомалардан; табу ва эвфемизмлардан; шунингдек, афоризмлар ва тасвирий ифодалардан юксак маҳорат билан фойдаланиши туфайли эришади. Бадиий асар тили бадиий услуб маҳсулидир.

БАДИИЙ ОБРАЗ – ижодкорнинг фикр, туйғу, ҳиссиёт ва кечинмалари сингдирилган ҳаётий манзара тасвири.

БАДИИЙ УСЛУБ – маълум бир воқеликни бадиий тасвир воситалари орқали образли ифодаловчи ва шу йўл билан тингловчига эстетик таъсир этувчи нутқ услуби. Унда кўчма маъноли сўзлардан фойдаланиш биринчи ўринда туради.

Образлилик ва эстетик таъсир этиш бадиий услубнинг муҳим белгисидир. Бадиий услуб қолган барча тўрт услуб хусусиятларини ўзида намоён этиши мумкин. Бунга гувоҳ бўлиш учун турли мавзуларда яратилган ҳикоя, қисса ва романларга мурожаат қилиш кифоя.

БАДИИЙ ҒОЯ – асарда акс эттирилган ҳодиса, туйғу, персонажларнинг характери, руҳияти, хатти-ҳаракати ва тақдиридан келиб чиқадиган хулосавий фикр.

БАЙТ (арабча, уй сўзидан). Шеър ўзига хос бандлардан ташкил топади. Биз шеърнинг маълум саноқдаги мисраларни ўз ичига олган, ўзига хос қофияланиш тартибига эга ритмик бўлагини банд деб юритамиз. Ғазал, маснавий, мустазоддаги шундай ритмик бўлак эса мумтоз адабиётшунослик талабига кўра байт деб юритилади. Байт деганда биз икки мисрадан

иборат шеър бўлагини тушунамиз. Демак, уч байтдан иборат ғазал олти мисрали ғазал бўлади.

БАЛЛАДА – инсон ҳаёти, тақдири билан боғлиқ туб бурилишларни акс эттирадиган кенг ҳажмли воқеабанд шеър. Ҳамид Олимжоннинг "Жангчи Турсун", "Роксананинг кўз ёшлари", Мақсуд Шайхзоданинг "Капитан Гастелло" асарлари баллада намунасидир.

БАНД – ўзига хос қофияга эга бўлган (қофия унсури етакчи бўлмаган шеърлар, масалан, оқ шеър ва эркин шеър, бундан мустасно) мисраларнинг маълум бир ритм асосида жамланиб, бир гуруҳни ташкил этиши. Мумтоз адабиётдаги бандли шеърлар мусаммат атамаси остига бирлаштирилган бўлиб, улар уч мисрали бандлардан ўн мисрали бандларгача ташкил топган. Бармоқ вазни имкониятлари бандли шеърлар мисолида яққол намоён бўлади.

БАРМОҚ ВАЗНИ – мисралардаги ҳижоларнинг миқдор жиҳатдан тенг бўлишига асосланган, туркий шеъриятда кенг тарқалган шеърий вазнлардан бири. Ҳижо ва туроқларнинг бир хил миқдор ва тартибда такрорланиб келиши бармоқ вазнининг энг муҳим жиҳатидир. Туркий шеъриятда тўрт, беш, олти ҳижоли шеърлардан тортиб ўн олти ҳижоли шеърларгача яратиш анъанаси мавжуд.

Бармоқ вазни талабига кўра шеър мисраларидаги бўғинлар сони тенг бўлиши кераклигини таъкидлаб ўтдик. Масалан, шеър бошладингиз. Унинг биринчи мисраси 8 бўғиндан иборат бўлди. Эсдан чиқармангки, одатий бармоқ талабига кўра, 2-3-4-мисралар ҳам, хуллас, бошлаган шеърингиздаги барча мисралар 8 бўғинли бўлиши керак. Агар бошлаган шеърингиздаги дастлабки мисра 11 бўғиндан иборат бўлса, шеър бошдан-охир 11 бўғинли бўлиши лозим. Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун Ватанимиз мадҳиясининг икки бандини биргаликда назарда ўтказайлик:

Серқуёш, ҳур ўлкам, элга бахт, нажот, 11
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон. 11
Яшнагай тоабад илму фан, ижод, 11
Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон. 11

Эътибор қилган бўлсангиз, мадҳиянинг биринчи мисраси 11 бўғинли. Бармоқ вазни талабларини яхши билган шоир шеърнинг кейинги мисраларини ҳам ўн бир бўғинли қилган ва натижада шеърдаги ички тартиб, оҳанглар уйғунлиги юзага келган. Бу тартиб шеър якунига қадар бузилмаган:

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас имони, 11
Эркин ёш авлодлар сенга зўр қанот. 11
Истиқлол машъали, тинчлик посбони, 11
Ҳақсевар она-юрт, мангу бўл обод 11

Бундан ташқари, бармоқ вазнидаги шеърларни яратишда аралаш вазн ёки симметрик тенгликдан ҳам фойдаланилиши мумкин. Бу усул банддаги биринчи ва учинчи мисралардаги бўғинлар миқдорини алоҳида, иккинчи ва тўртинчи мисралардаги бўғинлар миқдорини алоҳида тенглаштиришга асосланади. Шеър машқида камолот касб этгач, мазкур усул имкониятларидан ҳам фойдаланишга уриниб кўришингиз мумкин:

– Юр тоғларга чиқайлик, 7
– Майли, юр. 3
– Эҳ, қандайин чиройлик 7
Оппоқ нур. 3
(Усмон Носир)

Неча кунки йўқ оромим, 8
Келолмайман ҳушимга. 7

Онажоним кечалари 8
Кириб чиқар тушимга. 7
(А.Орипов)

БАХШИ (мўғулча, устоз, маърифатчи сўзидан) – халқ достонларини яратувчи ва ижро этувчи халқ вакили. Бу вазифани ўз зиммасига олган санъаткорлар ўзбек ва туркманларда бахши, қозоқларда оқин, тожикларда соқи, татар, озарбайжон ва арманларда ошиқ номлари билан юритилади.

Бахшичилик устоз-шогирдлик анъанасига асосланади. Жумладан, ўзбек бахшилари ўзлари янги достонлар ижод қилиш билан бирга, асосан, устозларидан ўрганган достонларни ёд олиш ва куйлаш, кейинги авлодга етказиш масъулиятини ўз зиммаларига олганлар. Шу тариқа халқимизнинг узоқ ўтмишига бориб тақалувчи "Алпомиш", "Гўрўғли", "Равшан" сингари кўплаб достонлар ҳанузгача куйланиб, тингланиб келмоқда.

Достон ижросида чолғу асбобларининг ўзига хос ўрни бор. Жумладан, ўзбек бахшиларининг аксарияти дўмбира жўрлигида хониш қилишса, айрим ҳолларда достон ижросида лутор, қўбиз жўрлигига ҳам гувоҳ бўлиш мумкин. Хоразм бахшилари "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" туркум достонлари ижросида, асосан, тор ва доира жўрлигидан фойдаланадилар. Хоразмлик аёл бахшилар – халфалар эса ўз терма ва достонларини гармон чалиб ижро қиладилар.

Ана шундай ҳаётбахш анъаналар туфайли юртимизда Қўрғон, Булунғур, Нурота, Шаҳрисабз, Нарпай, Шеробод, Хоразм сингари достончилик мактаблари қарор топди. Ҳозирда мазкур мактаблар анъаналари ёш ва кекса авлод бахшилари томонидан давом эттирилмоқда.

XX асрга келиб, достонларни ёзиб олиш ва нашр эттириш ишлари бошлаб юборилди. Бунинг натижасида халқимиз

тафаккури маҳсули ўлароқ дунёга келган юздан ортиқ достон бир қанча вариантлари билан ёзиб олинди. Бу жабҳада Пўлкан шоир, Ислом Назар ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Абдулла Нурали ўғли, Шерна Бекназар ўғли, Мардонақул Авлиёқул ўғли, Бердиёр Пиримқул ўғли, Саидмурод Паноҳ ўғли, Дўстёр Хўжаёр ўғли, Бекмурод Жўрабой ўғли каби бахшиларнинг, Ҳоди Зариф, М.Зарипов, Т.Мирзаев, Музайяна Алавия, М.Муродов ва бошқа олимларимизнинг хизматлари катта бўлди.

БЕГОНА БАЙТ – мақтаъдан олдинги байт.

БОЛАЛАР АДАБИЁТИ – сўз санъатининг болаларга бағишлаб яратилган, улар ҳаёти, саргузаштларидан ҳикоя қилувчи, болалар дунёқараши, тили ва тафаккурига мослаб ижод қилинган намуналари. "Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати"да ўқиймиз: "Болалар адабиёти кишилик жамиятининг қадимги босқичларидан бошлаб мавжуд. Чунки бу адабиётнинг юзага келиши ҳамма вақт инсонларнинг ўз келажаги ҳисобланмиш ёш авлодни ўзларининг анъаналарини давом эттирувчи ворислар сифатида тайёрлаб бориш эҳтиёжидан келиб чиққандир" (101-бет).

Дунё адабиётида болаларга бағишланган асарлар яратиб, жаҳоншумул шуҳрат қозонган шоир ва ёзувчилар жуда кўп: ака-ука Гриммлар, Шарль Перо, Даниэл Дефо, Ханс Кристиан Андерсен, Жюль Верн, Жонатан Свифт, Герберт Уэллс, И.Крилов, Л.Толтой, А.Пушкин, К.Чуковский...

Ўзбек адабиётида эса бу анъана ўтган аср аввалида қарор топа бошлади. Тўғри, бунга қадар туркий адабиётда болалар китобхонлиги (улар ахлоқий-маънавий тарбияси учун хизмат қиладиган педагогик асарлар мажмуи) намуналари анча-мунча яратилган эди. Болалар бош қаҳрамон бўлган, улар саргузашти, ҳаёт манзаралари, ўй-қарашлари акс этган асарлар фақат ўтган аср бошларига келиб яратила бошланди. Бу жабҳада Ҳамза,

Садриддин Айний, Абдулла Авлоний, Абдуқодир Шакурий, Ажзий каби шоир-ёзувчилар ташаббускор бўлдилар. Кейинчалик Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғайратий, Уйғун, Зафар Диёр, Султон Жўра, Шукур Саъдулла, Илёс Муслим, Қуддус Муҳаммадий, Ҳаким Назир, Пўлат Мўмин каби шоир ва ёзувчилар қаламида ўзбек болалар адабиётининг гўзал намуналари дунёга келди.

Ўтган асрнинг иккинчи ярми ўзбек болалар адабиёти тарихига янги ривожланиш босқичи бўлиб кирди. Бу даврда адабиёт майдонига чиққан Х.Тўхтабоев, О.Ҳусанов, Тоҳир Малик, Анвар Обиджон, Ҳ.Шайхов асарлари юртимизда болажонлар ҳаётининг теран қатламларига кириб бориш имкониятига эга адабиёт шаклланаётганлигидан дарак берди. "Сариқ девни миниб", "Сариқ девнинг ўлими", "Ширин қовунлар мамлакатида", "Қасоскорнинг олтин боши", "Беш болали йигитча", "Мунгли кўзлар" (Х.Тўхтабоев,), "Тоғда ўсган бола" (О.Ҳусанов), "Фалак", "Чархпалак", "Алвидо, болалик" (Тоҳир Малик), "Даҳшатли Мешполвон", "Олтин юракли Автобола" (Анвар Обиджон), "Ренэ жумбоғи", "7-СЭР" (Ҳ.Шайхов) каби асарлар ва уларнинг бош қаҳрамонларини ўзбек болалар адабиётининг улкан ютуқлари сифатида эътироф этиш мумкин.

БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОРИ – халқ оғзаки ижодининг болалар ва катталар томонидан яратилган ва ижро этиладиган, болалар дунёқараши, орзу-ўйлари ва ҳаракат тарзини ўзида ифода этган намуналари. Унинг пайдо бўлиши фольклорнинг бошқа жанрлари каби узоқ даврларга бориб тақалади. Зотан, болалар қадим даврлардан бошлаб ижтимоий ҳаётга худди катталар каби фаол аралашганлар, катталар ташкил этган тадбирлар уларнинг иштирокида кечган. Болаларда мавжуд кузатувчанлик фазилати, шунингдек, катталарга тақлид қилиш одати уларнинг ўз мавсумий маросим қўшиқлари, ўйин фольклори дунёга келишига замин яратган. Болалар

томонидан ижод қилинган "Бойчечак", "Наврўз", "Сумалак", "Ё, Рамазон" қўшиқлари, кўплаб эртак, топишмоқ ва тез айтишлар ана шу тариқа авлоддан авлодга ўтиб келаётир. Бироқ болалар фольклори бундан-да кенг ва салмоқдор. Бу серқирра хазина ўтган асрнинг 80-йилларига келиб тўлиғича тадқиқ этилди. Бу соҳада З.Ҳусаинова, М.Алавия, Ғ.Жаҳонгиров, О.Сафаров, Б.Саримсоқов каби олимларнинг хизматлари катта бўлди.

Профессор О.Сафаровнинг "Болаларни эркаловчи ўзбек халқ қўшиқлари", "Ўзбек болалар поэтик фольклори" китоблари мазкур бой хазинани тўлиғича қамраганлиги билан диққатга сазовордир. Олимнинг кўп йиллик изланишлари натижасида узоқ йиллар давомида мутахассислар эътиборидан четда қолиб келган, мухтасар тадқиқотлар доирасидагина ўз баҳосини олган айтим-олқиш, эркалама, овутмачоқ, қизиқмачоқ, қайтармачоқ, ялинчоқ, ҳукмлагич, чорлама, чеклашмачоқ, гулдур-гуп, санама, чандиш, тегишмачоқ, масхаралама, қиқиллама, аразлама, яраштиргич, тарқалмачоқ сингари болалар фольклорига хос айтимлар жанр сифатидаги таърифига эга бўлди ва уларни ифода этувчи истилоҳлар илмий таомилга кирди.

БЎҒИН – бир ҳаво зарби билан айтилган товуш ёки товушлар бирикмаси. Бўғин унли товушлар асосида ҳосил бўлади. Ҳар бир бўғинда битта унли қатнашади, шу боис сўзда нечта унли бўлса, шунча бўғин бўлади. Бўғин (ҳижо) шеърий нутқ ўлчовида дастлабки бирликдир. Унинг гуруҳланиб келишидан бармоқ вазнида ғурок, аруз вазнида рукн вужудга келади.

ВАЗИФАДОШЛИК – маъно кўчиш усулларидан бири, бажарадиган вазифаси бир хил ёки ўхшаш бўлган бир предметнинг номи иккинчисини ҳам ифодалаши. Масалан, қушнинг қаноти мувозанат сақлаш воситаси бўлиб хизмат қилади. Шунга кўра, биз самолётдаги худди шундай вазифани

бажарувчи қисмни ҳам қанот деб атаймиз. Бу фикр рул вазифасини бажарадиган қуш думи ва самолёт думига ҳам тегишли: *қушнинг қаноти – самолётнинг қаноти; қушнинг думи – самолётнинг думи*. Одамнинг томирида қон оқади ва бу қон ҳаёт манбаидир. Дарахтда ҳам худди шу вазифани бажарадиган – озуқа, ҳаёт манбаи оқадиган каналлар мавжуд. Вазифаси бир хил бўлгани учун дарахтдаги шундай аъзони ҳам томир деб атаймиз: *одамнинг томири – дарахтнинг томири*. Айрим адабиётларда *патқалам – перо; шам – чироқ – лампочка* кабиларни ҳам вазифадошлик натижаси дейишга тарафдорлик кўзга ташланади.

ВАРВАРИЗМ (лотинча, келгинди сўзидан) – чегараланган лексика кўриниши. Маълум мақсад (мас., қаҳрамон нутқини индивидуллаштириш)га кўра нутққа вақтинча олиб кириладиган чет тил сўзлари. М.: чао, окей, карочи, интересна, испасиба, пахан, махан, мамашка...

Топиб мардикорини: "*Сечас* юринг
Пожалуста, – дер эди, – эмди туринг".
(Муқимий, "Масковчи бой таърифида")

ВУЛЬГАРИЗМ (лотинча, дағал, қўпол сўзидан) – чегараланган лексика кўриниши. Маълум мақсад (мас., қаҳрамон характери, ахлоқини намойиш этиш, воқеа ёхуд қаҳрамонга муаллиф муносабатини маълум қилиш)га кўра матнда сўкинч, ҳақорат ва қўпол сўзлардан фойдаланилиши мумкин. Булар вульгаризмлар деб юритилади: энағар, қизиғар, ҳароми, синталоқ, қизталоқ, даюс....

Сут кур қилгур, ҳароми Гитлер *оқпадар*
Фарзандниng қадрини қаердан билсин?! (Ғафур Ғулом)

ДЕВОН – аруз вазнидаги шеърий асарлар жамланган тўплам.

Девон яратиш анъанаси туркий адабиётда бир неча асрлик тарихга эга. Бизгача Саккокий, Лутфий, Атойи, Навоий, Бобур, Ҳувайдо, Мунис, Огаҳий, Нодира, Увайсий, Муқимий, Завқий, Фурқат...ларнинг девонлари етиб келган.

Ўтмишда дуч келган шоир девон туза олмаган. Девон тузиш учун ижодкор зараб алифбосидаги ҳарфлар миқдорига тенг бўлган қофияланиш тартибига эга ғазаллар яратиши керак эди. Ана шу шарафли ишни уддалаган ва девон тартиб берган шоирлар "соҳиби девон" унвони билан улуғланган. Девон тузиш анъанаси талабига кўра унда дастлаб ғазал намуналари алифбо тартибида жойлаштирилган. Бу алифбо тартиби ғазалнинг дастлабки ҳарфига асосланиб эмас, балки қофия ёки радифнинг қандай ҳарф билан тугашига кўра белгиланган. Девонда муаммо ва фард жанрига мансуб асарлар энг кейин жойлаштирилган. Туркий адабиёт тарихида девонларга махсус ном бериш анъанасини Алишер Навоий бошлаб берган. Унгача яратилган шеърий тўпламлар умумий тарзда "Девон" деб юритилган.

Улуғ шоир Алишер Навоий еттита расмий девон яратган: "Бадоеъ ул-бидоя", "Наводир ун-ниҳоя", "Ғаройиб ус-сиғар", "Наводир уш-шабоб", "Бадоеъ ул-васат", "Фавойид ул-кибар", "Девони Фоний". Навоийдан кейин Мунис, Огаҳий каби шоирлар девонларга ном қўйиш анъанасини давом эттирганлар: Мунис "Мунис ул-ушшоқ" ("Ошиқлар дўсти"), Огаҳий "Таъвиз ул-ошиқин" ("Ошиқлар тумори")...

Алишер Навоий юқорида санаб ўтилган тўрт девонини – "Ғаройиб ус-сиғар", "Наводир уш-шабоб", "Бадоеъ ул-васат", "Фавойид ул-кибар" девонларини бир муқова остига жамлаб, "Хазойин ул-маоний" ("Маънолар хазинаси") номи билан куллиёт тартиб берди. Унда шоирнинг мумтоз лирикадаги 16 жанрга мансуб асарлари жамланган: 2600 ғазал, 4 мустазод, 10

мухаммас, 5 мусаддас, 1 мусамман, 4 таркиббанд, 1 таржеъбанд, 1 маснавий, 1 қасида, 1 соқийнома, 210 қитъа, 133 рубоий, 52 муаммо, 10 чистон, 13 туюқ, 86 фард.

ДИАЛЕКТИЗМЛАР – шевага оид сўзларга қаранг.

ДИАЛОГ (грекча, икки киши ўртасидаги сўзлашув) – шеърий, насрий ёки драматик асардаги икки кишининг ўзаро суҳбат-мулоқоти. Диалоглар, айниқса, драматик асарларнинг "жони ва қони"дир. Агар суҳбатдошлар икки кишидан ошса, полилог вужудга келади.

ДИДАКТИК АДАБИЁТ – "дидактика" атамаси юнонча "ибратли" сўзидан олинган бўлиб, "ўқитадиган", "ўргатадиган", "сабоқ бўладиган", "насиҳатомуз" деган маъноларни англатади. Адабиётшуносликда бу истилоҳ ўрнида панднома атамаси ҳам ишлатилади. "Девону луғотит турк" таркибидаги панд-насиҳатга йўғрилган қатор парчалар, "Ҳибат ул-ҳақойиқ", "Қутадғу билиг", "Девони ҳикмат", "Бўстон", "Гулистон", "Баҳористон", "Маҳбуб ул-қулуб", "Назм ул-жавоҳир", "Мубаййин", "Гулистон бит-туркий", "Зарбулмасал", "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" каби туркий ва форсий адабиётнинг нодир намуналари панднома мазмунидаги асарлардир. Уларда инсонни ахлоқий камолотга етакловчи панд-насиҳат мазмуни биринчи ўринга чиққан.

Дидактик асарларни адабий шаклига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Насрий дидактик асарлар: "Панчатантра", "Калила ва Димна", "Минг бир кеча" каби халқ китоблари; Хожанинг "Гулзор" ва "Мифтоҳ ул-адл" ("Адолат калити"); Шукруллонинг "Жавоҳирлар сандиғи" асарлари.

2. Шеърий-насрий дидактик асарлар: "Гулистон" ва "Бўстон" (Шайх Саъдий), "Маҳбуб ул-қулуб" (Алишер Навоий), "Зарбулмасал" (Муҳаммадшариф Гулханий).

3. Шеърий дидактик асарлар: "Қутадғу билиг" (Юсуф Хос Ҳожиб), "Ҳибат ул-ҳақойиқ" (Аҳмад Югнакий), "Гулшан ул-

асрор" (Ҳайдар Хоразмий), "Ҳайрат ул-аброр" (Алишер Навоий).

ДОСТОН (форсча, қисса, ҳикоя, саргузашт, таъриф) атамаси анча кенг моҳиятга эга. Адабиётшуносликда достонларнинг уч кўриниши ажратилади.

1. *Ҳалқ оғзаки ижодидаги достонлар* эпик турга мансубдир: "Алпомиш", "Гўрўғли", "Равшан", "Кунтуғмиш"...

2. *Муштоз адабиётдаги достонлар* лиро-эпик турга мансуб бўлиб, доимий тарзда маснавий (иккилик) шаклида яратилган: "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Сабъаи Сайёр", "Лисон ут-тайр"...

3. *Замонавий адабиётдаги достон-поэмалар* лиро-эпик турга мансубдир. Бундай дотонлар ҳажман баллададан каттароқ бўлади. Уларда инсон ҳаётининг турли манзараларига оид воқеалар шеърий тарзда ифодалаб берилади. Ғафур Ғуломнинг "Кўкан", Ҳамид Олимжоннинг "Зайнаб ва Омон", Ойбекнинг "Қизлар", "Темирчи Жўра", "Навоий", "Ҳамза", "Бахтигул ва Соғиндиқ", Миртемирнинг "Сурат", Саида Зуннунованинг "Руҳ билан суҳбат", Эркин Воҳидовнинг "Нидо", Муҳаммад Алининг "Гумбаздаги нур"... асарлари достон-поэма намуналаридир.

ДРАМАТИК ТУР – саҳнага қўйиш учун мўлжаллаб ёзилган, воқеалари қаҳрамонлар нутқи ва ҳаракатида акс этадиган, монолог ва диалоглар шаклига эга бўлган асарлар мажмуининг умумий номи.

Драма, комедия, трагедия кабилар драматик турнинг асосий жанрларидир. Бу жанрларнинг шеърий шаклда яратилган намуналари ҳам мавжуд. Бу асарлар шеърий драма, шеърий комедия, шеърий трагедия ёки фожиа жанрларига мансубдир. Масалан, Вильям Шекспирнинг "Ромео ва Жульетта" шеърий трагедияси; Ҳамид Олимжоннинг "Муқанна" шеърий драмаси...

Драматик турнинг кейинги даврларда шаклланган жанрларидан бири *трагикомедия*дир. Трагикомедияда инсон ва

жамият ҳаёти билан боғлиқ фожиалар кулги ёрдамида кўрсатиб берилади. Шароф Бошбековнинг "Темир хотин" асари трагикомедия намунасидир.

Драматик турнинг мусиқали драма кўринишига мансуб *опера, оперетта, либретто, ария, дуэт* каби жанрлари ҳам мавжуд. Ўзбек адабиётида бундай асарлар намуналарини Комил Яшин ижодида кўплаб учратиш мумкин.

Ўзбек драматургиясининг илк жиддий қадамлари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий сингари жадид маърифатпарварлари томонидан қўйилган. Бу соҳанинг кейинги даврлардаги тараққиётига Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Уйғун, Собир Абдулла, Иззат Султон, Ҳамид Ғулом, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Эркин Воҳидов, Ўлмас Умарбеков, Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Шароф Бошбеков, Усмон Азим сингари шоир ва адибларимиз муносиб ҳисса қўшдилар.

Ҳ.Абдусаматов, Л.Қаюмов, Ю.Султонов, С.Алиев, Э.Каримов, А.Алиев, Б.Имомов, Т.Собиров, Ш.Ризаев, Ҳ.Болтабоев, И.Ғаниев, Қ.Жўраев ва бошқа олимлар ишларини мазкур такомиллашув жараёнига хос муҳим жиҳатларни умумлаштирувчи тадқиқотлар сифатида эътироф этиш мумкин.

ДРАМА (грекча, ҳаракат сўзидан). Ҳаётдаги жиддий муаммолар талқинига бағишланган, томошабин диққатини инсон турмушининг драматик ҳолатларига жалб қилишга мўлжалланган, кулги ҳам, фожиа ҳам меъёрида бўлган саҳна асари. Ўзбек адабиётидаги драманинг илк намунаси Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Падаркуш" асаридир. Абдурауф Фитратнинг "Чин севиш", "Ҳинд ихтилолчилари", "Рўзалар", Чўлпоннинг "Ёркиной", "Ҳужум", "Ҳижрат", "Ўртоқ Қаршибоев", "Муштумзўр", Абдулла Қодирийнинг "Бахтсиз куёв", Ҳамзанинг "Бой ила хизматчи", Комил Яшиннинг

"Нурхон", шунингдек, болалар учун ёзилган Шукур Саъдулланинг "Ёрилтош", Пўлат Муминнинг "Она болам, дейди..." асарлари драма жанрига мансубдир.

ДРАМАТИК ДОСТОН – бир достон сюжетига асос бўлган воқеалар тизмасини шеърий-драматик шаклда бадиий ифода этувчи асар. Абдулла Ориповнинг "Ҳаким ва ажал", "Жаннатга йўл", "Ранжком" асарлари бунга мисолдир.

ДУБАЙТИЙ (форс-тожикча, икки байтли) – форсий мумтоз шеъриятда шаклланган мустақил шеърий жанр. Гарчи дубайтий атамасини рубоий истилоҳи ўрнида қўллаш анъана тусига кирган бўлса-да, дубайтий рубоийдан фарқли вазн тармоғида яратиладиган мустақил жанрдир. Бинобарин, рубоий жанридан фарқли равишда дубайтий намуналари доимий тарзда ҳазажи мусаддаси мақсур (ёки маҳзуф) вазн тармоғида яратилади.

ДУБЛЕТЛАР – бир сўзнинг икки хил айтилишидан ҳосил бўлган бирликлар: арава – ароба; шоҳи – шойи; подшо – подшоҳ; гадо – гадой; қаварик – қабарик; кабутар – каптар; шабада – шаббода; қовурға – қобирға; бузург – бузрук; баравар – баробар; бирорта – биронта; имон – иймон, олийжаноб – олижаноб; айюҳаннос – аюҳаннос; обрў – обрўй...

ЖАНГНОМА АСАРЛАР – мумтоз ва замонавий адабиётдаги ҳарбий саркардалар, подшоҳлар ва тахт учун курашган талабгорларнинг жангу жадаллари ҳақида маълумот берувчи асарлар. Форсий ва туркий адабиётда Фирдавсийнинг "Шоҳнома", Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома", Ибн Арабшоҳнинг "Зафарнома", Муҳаммад Солиҳнинг "Шайбонийнома", халқ китоби саналган "Або Муслим жангномаси" каби жангноманинг турли тарихий шахслар фаолияти билан боғлиқ намуналари мавжуд.

ЖАРГОН (французча, бузилган тил сўзидан) – жаргон ва арго. Чегараланган лексика кўриниши. Маълум гуруҳ, тўда, кичик жамоа вакиллари, шунингдек, алоҳида доиралар ёки

ўзини шундай доирадан деб билувчи оз миқдорли кишиларнинг ўзлари учунгина тушунарли бўлган сўзлар асосида фикр алмашинишига асосланган сўзлашув услуби. Жиноятчиларнинг милиционерни "лигави", отарчиларнинг пулни "лой" ёки "часпон" дейиши бунга мисолдир. Бу каби сўз ва ифодалар турли жиноий тўдалар кирдикорлари фош этилган, жамиятдан ажралиб қолган ёки бирор мақсад асосида бирлашган оз сонли кишилар турмуши акс этган асарларда кенг ишлатилади. Қиёс учун Тоҳир Маликнинг "Шайтанат" қиссасига мурожаат қилишингиз мумкин.

ЗАМОНАВИЙ АДАБИЁТШУНОСЛИКДА ШЕЪР САНЪАТЛАРИ ТАДҚИҚИ. Бадиий санъатлардан фойдаланиш масаласига замондош олимларимизнинг мумтоз ва муосир қаламкашлар ижодини ўрганишга бағишланган деярли барча тадқиқотларида озми кўпми дахл қилинган. Шу маънода, нафис адабиётимиз намуналарини назардан ўтказишга саъй этган юзлаб олимлар ишларини бадиий санъатлар бўйича сабоқ берувчи манбалар сифатида эътироф этиш мумкин. Бу масалага махсус мурожаат этилган ўнлаб тадқиқотлар сирасида эса Абдураҳмон Саъдий, Абдурауф Фитрат, Ойбек, Мақсуд Шайхзода сингари олим ва адибларнинг дарслик, рисола ва мақолаларини, А.Рустамовнинг "Навоийнинг бадиий маҳорати", Ё.Исҳоқовнинг "Навоий лирикаси", "Навоий поэтикаси", "Сўз санъати сўзлиги", Б.Саримсоқовнинг "Ўзбек адабиётида сажъ", А.Ҳожиаҳмедовнинг "Шеър санъатларини биласизми?", "Огаҳий даҳосининг олмос қирралари", В.Раҳмоновнинг "Бадиий санъат жозибаси", Н.Афоқованинг "Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар", Ш.Сулаймонов ва М.Шариповаларнинг "Шеърий санъатлар сеҳри" асарларини қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Бу жиҳатдан, А.Ҳожиаҳмедовнинг "Мумтоз бадиият малоҳати" китоби диққатга сазовордир. Асар мумтоз илми бадеъ талабига

мувофиқ тарзда яратилганлиги билан муҳим илмий қиймат касб этади. Асарнинг уч қисмдан – бадиий санъатлар, қофия илми, аруз илмига оид маълумотларни ўзида жам этган бўлимлардан иборатлиги унинг қадим илми бадеъ доирасига кирган ҳар уч муаммони ўзида қамраганлигини яққол намоён этади.

ЗИД МАЪНОЛИ СЎЗЛАР – шакли ҳар хил, маъноси бир-бирига зид бўлган сўзлар: катта – кичик; баланд – паст; эпчил – нўноқ... Бадиий адабиётда зид маъноли сўзлардан *тазод* яратишда унумли фойдаланилади:

Сиз дейсизким, мен *кўкларни* ўйлаймен,
Ер бетига сира назар солмаймен.
Янглишасиз: мен *кўкларга* беркиндим,
Ер қизидан хаёлимни олмаймен. (Чўлпон)

Тонготар чоғида жуда соғиниб,
Бедил ўқир эдим, чиқди офтоб.
Лойқа хаёлотлар чашмадай тинди,
Пок-покиза юрак – бир қатра симоб. (Ғафур Ғулом)

Ҳаёт шу экан-да: *ёғду ва зулмат,*
Қишу ёз, ўнгу туш, тирик ва ўлик...
Шусиз бўлмас экан тугаллик сира,
Ҳатто қуш наъмаси: *гўзал ва хунук.* (Асқад Мухтор)

ЗУЛЛИСОНАЙНЛИК – арабча "икки тиллилик" деган маънони билдирадиган бу ҳодиса адабиётимиз тарихида кўпроқ форсий ва туркий тил муносабатлари мисолида тилга олинади. Икки тилда ижод қиладиган шоир ва ёзувчиларни "зуллисонайн ижодкор" деймиз. Масалан, Алишер Навоий кўплаб асарларини туркий тилда яратиш билан бирга "Девони Фоний", "Муфрадот", "Ситтаи зарурия", "Фусули арбаа" каби

форсий тилдаги асарларни ҳам ижод этган. Бобур, Машраб, Огаҳийлар ҳам икки тилда баравар ижод этганлар.

ЗУЛҚАВОФИЪ – байт мисраларида уч ва ундан ортиқ сўзни оҳангдош – қофиядош қилиш санъати. А.Ҳожиаҳмедов мазкур санъатга мисол сифатида етук сўз санъаткори Огаҳийнинг қуйидаги мисраларини қайд этади:

Эй *мусаллам дилкушолиг* гунчаи *хандонинга,*
Вай *мужассам жонгузолиг* наргиси *фаттонинга.*

Яна:

Юзинг *кўргач, сабоҳатда* маҳи *тобон* эмиш, билдим,
Лабинг *сўргач, малоҳатда* зулоли *жон* эмиш, билдим.

ЗУЛҚОФИЯТАЙН (арабча, қўш қофия келтириш). Бу санъат талабига кўра аввалги мисрадаги икки сўз кейинги мисрадаги икки сўз билан қофиядош қилинади:

Кўнглига *хаёлидин тафаккур,*
Жонига *висолидин таҳайюр.* (Алишер Навоий)

Ёки:

Ҳам ҳужраи *хилқатим бузулди,*
Ҳам риштаи *тоқатим узулди.* (Алишер Навоий)

Яна:

Дардимга *хаёлини табиб* эт,
Жонимга *висолини насиб* эт. (Алишер Навоий)

Авж тутуб шуълаи *жабборлиқ,*
Мавж уруб мужжаи *қаҳҳорлиқ.* (Алишер Навоий)

ИБОРА – маъноси бир сўзга тенг келадиган сўзлар бирикмаси ёки гап. Иборалар гап таркибида яхлит ҳолда битта сўроққа жавоб бўлади ва битта гап бўлаги вазифасида келади. Иборалар фикрни таъсирчан, образли ифодалаш имкониятини яратади: бурни кўтарилди – кеккайди; тилининг учида турмоқ – элас-элас эсламоқ, эслашга қийналмоқ; тишининг кавагида сақламоқ – бошқалардан қизғаниб, авайлаб-асрамоқ; тилидан бол томади – ширинсўз; илоннинг ёғини ялаган – айёр; қўли калта – камбағал; етти ўлчаб, бир кесадиган – мулоҳазакор, пухта одам; мум тишламоқ – гапирмаслик; бел боғламоқ – аҳд қилмоқ; дўпписини осмонга отмоқ – шодланмоқ; тирноқ остидан кир қидирмоқ – айб изламоқ; кўкка кўтармоқ – улуғламоқ; томдан тараша тушгандай – қўққисдан; тутунини булут кўрмаган – хасис; қўли очиқ – сахий; бити қора кийди – тумшайди; аллада азиз, тўрвада майиз – эрка, арзанда; текканга тегиб, тегмаганга кесак отади – тегажоқ; кўзини бўямоқ – алдамоқ.

Иборалардан бадиий адабиётда қаҳрамон нутқини индивидуаллаштиришнинг муҳим воситаси сифатида фойдаланиш мумкин.

ИДЕАЛ ҚАҲРАМОН – ижодкорнинг орзу-ўйларини; инсоният, баъзан бутун бошли халқ ёки миллатнинг энг яхши фазилатларини ўзида мужассам этган, айни шу жихати билан бошқаларга ибрат қилиб кўрсатиш кўзда тутилган шахс образи. Устоз М.Қўшжонов бу ҳақда ёзадилар: "Идеал қаҳрамон ижобий қаҳрамоннинг мукаммаллашган кўринишидир. Бу масала юзасидан танқид ва адабиётшуносликда кўпгина тортишувлар бўлди: бировлар "одам камчиликсиз бўлмайди, шунинг учун идеал қаҳрамон ҳам бўлиши мумкин эмас" деган фикрларни айтса, бошқа бировлар "жамиятда бекаму кўст одамлар бўлиши мумкин, улар адабиётда ҳам ўз аксини топиши керак" дедилар. Бу ҳар иккала фикр ҳам камчиликдан холи эмас эди. Одам

камчиликсиз бўлмайди. Лекин адабиёт ва санъат маълум бир даврни акс эттирмоқчи бўлар экан, ижобий қаҳрамон сифатида ўша замоннинг илғор тенденцияларини ўзида мужассамлаштирган қаҳрамонларни танлайди... Бундай образлар ўша жамият аъзолари учун ҳар томонлама ўрнак бўлади ва идеал каҳрамон сифатида тан олинади" (Қаранг: Қўшжонов М. Ижод сабоқлари. Тошкент: "Ёш гвардия", 1973. 179-бет).

Тарихий шахслар сиймосини идеаллаштириш мақсадида яратилган асарлардаги бош қаҳрамонлар, шубҳасиз, идеал қаҳрамонлардир. Шунингдек, Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романидаги Отабек, Кумуш, Юсуфбек ҳожи, Э.Воҳидовнинг "Нидо" достонидаги Ота, Ў.Ҳошимовнинг "Дунёнинг ишлари" қиссасидаги Она образларини ҳам идеал қаҳрамонлар сифатида эътироф этиш жоиз.

Идеал қаҳрамонлар яратиш керак ёки керак эмаслиги масаласида биз ҳам академик М.Қўшжонов фикрларига қўшиламиз. Зеро, адабиёт азал-азалдан идеаллар билан иш кўрган. Унинг энг муҳим тарбиявий қуроли ҳам идеал фикр ва ғоялар, қаҳрамонлардир. Шу маънода, бугунги шоир-ёзувчилар зиммасига замонамиз қаҳрамонлари сиймосини яратиш масъулияти юклатилаётганлигидан кўзланган мақсад адабиётнинг маърифий-ахлоқий ролини кучайтиришдан иборат эканлигига шубҳа йўқ.

ИДИОМА (грекча, ўзига хослик, хусусият сўзидан) – ўз асл маъносидан узоқлашган сўз ва сўз бирикмаси. Шунинг учун ҳам улар реал бўлмаган кўчма мазмунли воқеа, ҳолат, хусусиятни ифодалайди: *латта* (одам). Мажлисда уни роса *терлатишди*. *Жиндай* гапга аралашди. Идиоманинг мазмуни контекстдан англашилиб туради. Идиомаларни алоҳида олганда ҳам, ўз кўчма маъносини сақлайди: *латта, калла, тулки (одамга нисбатан).*

ИЙҲОМ (арабча, шубҳага солиш сўзидан). Бу санъат талабига кўра мисра ёки байтда шакли бир хил, маъноси ҳар хил (омоним) сўзлардан бирини ёки кўп маъноли сўзни ишлатиш орқали байт ёки мисрани икки хил маъно ифода этишга йўналтириш назарда тутилади:

Сени кўрган ўзиндин ёт бўлур,
Рухунгни кўрса минг шаҳ мот бўлур. (Хоразмий)

(Биринчидан, "юзингни кўрган мингта шоҳ мот бўлади", дейилган бўлса, иккинчидан "рух" ва "шоҳ" каби шахмат доналарига ишора қилинган).

Яна: Узун сочингдан узмасмен кўнгилни,
Аёғинг қанда бўлса, бошим анда. (Атойи)

(Биринчи маъно – "сен қаерга борсанг, мен ҳам ўша ерга бораман". Иккинчи маъно – "оёғингга бош ураман").

ИЛМИЙ АТАМАЛАР – терминларга қаранг.

ИЛМИЙ УСЛУБ – далилий маълумотлар асосида чиқарилган илмий хулосаларга асосланувчи, ҳар бир фан соҳасининг ўзига хос атамаларига таянувчи, фикрни аниқ, мантиқий изчил шаклда баён қилувчи услуб. Илмий услубда кўчма маъноли сўзларга, образлиликка ўрин йўқ. Буни англаш учун турли фан соҳаларига оид (кимё, физика, математика, астрономия, тилшунослик, машинасозлик, биология...) дарсликлар услубига диққат қаратиш кифоя.

ИНТОҚ (арабча, гапиртириш сўзидан). Бу санъат номи "ноқто" тарзида ҳам юритилади.

Интоқ жонлантиришнинг бир кўриниши бўлиб, унинг талабига кўра шеърда жонсиз нарса-ҳодисалар, қуш, ҳайвон ва паррандалар худди одамдек гапиртирилади:

Деди Ҳудҳуд: "Эй ғурури бирла маст,
Солма соянгни, етар, кулдирма, бас".
(Фаридуддин Аттор, "Мантиқ ут-тайр")

Интоқ санъати қўлланган шеърда *"деди"*, *"дедиким"*, *"айтди"* каби сўзлар кенг ишлатилишини кузатиш мумкин. Интоқ мажозий эртак ва масаллар яратишнинг энг муҳим воситаларидан биридир:

Чумоли дер: – *Ҳой, айиқ,*
Айт-чи, бу қандай қилиқ? (Миразиз Аъзам)

Болаларга аталган аксарият шеърлар тўлиғича интоқ санъатига асосланган бўлиб, уларда муаллифлар ёш китобхонга нарса-ҳодисанинг ўзини гапиртириш орқали маънавий сабоқ беришни кўзлайдилар. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг "Дарахтлар суҳбати" шеъри бунга ёрқин мисолдир. Шеърда қарағай, терак, мажнунтол, арча, олма, ўрик, шафтоли, ёнғоқ, нашвати, гилос каби дарахтларнинг ўз тилидан баён қилинган фикрлар орқали бу неъматларни асраб-авайлаш, улардан тўғри фойдаланиш сабоғи берилган:

Мен сизларнинг олмангиз,
Хомлигимда олмангиз.
Нортожига ўхшаб сўнг
Вой қорним, деб қолмангиз!

ИРСОЛ УЛ-МАСАЛ (арабча, мақол киритиш сўзидан) – шеърда халқ мақоллари, нақлларини айнан келтириш ёки мазмунини сақлаган ҳолда шаклини ўзгартириб келтириш санъати:

Дейдилар, *ит ҳурар, ўтади карвон.* (А.Орипов)

Яна мисоллар:

Боболар ҳам демишлар қадим:
Шох силкинар асли шамолда.

Дейдилар, *қуш ҳам инда*
Кўрганини қилгайдир. (Ш.Сулаймон)

Бу санъат қўлланган шеърий парчаларда *"дейдилар"*, *"масалдурким"* каби сўзлар қўлланганлигини кузатиш мумкин. Адабиётимизда бошдан-охир мақол ва нақллар қўллаш орқали яратилган асарлар ҳам мавжуд. Гулханийнинг "Зарбулмасал"ида шу ҳолат кузатилади. Лутфийнинг "Оёғингга тушар..." ғазали тўлиғича шу усулда яратилган:

Оёғингга тушар ҳар лаҳза гису,
Масалдурким: *"чарог туби қоронгу"*...

ИСТИЛОҲЛАР – терминларга қаранг.

ИСТИОРА (арабча, омонатга олмоқ сўзидан). Бу санъат талабига кўра шеърда сўз ўз маъносида эмас, балки кўчма маънода ишлатилади. Яъни бир маънони англатадиган сўз вақтинча омонатга олиниб, бошқа бирор маънони ифодалаш учун қўлланади. Бунда шу сўз англатадиган қўшимча маънога таянилади. Сўзлар аро маъно кўчиши ўхшатишга асосланганлиги туфайли истиорани метафора деб юритиш урф бўлган:

Парчалаб *кишанларни* ҳар томон паришон қил.

Ҳамзанинг "Ўзбек хотин-қизларига" шеъридан олинган бу мисрадаги *кишанлар* сўзи темирдан ясалган занжир, кишан

маъносини эмас, эрксизлик, паранжи маъноларини англатяпти.

Яна мисоллар:

Фурқатингдан *заъфарон* узра тўкармен *лолалар*.

(Алишер Навоий)

Мазмуни: Сенинг ҳажрингда *сариқ юзим узра қонли кўз ёш* тўкаман.

Дарёнинг *ёқасида* неча кунки борар жанг.

(Ҳамид Олимжон)

Бир мактабда гап, миш-миш:

Турғуннинг *думи* бормиш... (Қуддус Муҳаммадий)

ИСТОРИЗМЛАР – тарихий қатламга мансуб чегараланган лексика кўриниши. Эскириб истеъмолдан чиққан, ҳозирда умуман ишлатилмайдиган сўзлар. Историзмлар англатган нарса-ҳодисалар, даража, мартаба, унвон, табақалар ҳозирда мавжуд эмаслиги сабабли бу сўзлар тарих бағрида қолиб кетган. Улардан фақат тарихий мавзудаги асарларда ўша давр муҳитини тасвирлаш мақсадида фойдаланилади: "Ўткан кунлар", "Қутлуғ қон", "Юлдузли тунлар", "Улуғбек хазинаси", "Ўғри" каби асарлардаги канизак, мулозим, доруға, валиаҳд, чорик, мингбоши, амин, пристав... каби сўзларни эсланг.

ИШТИҚОҚ (арабча, сўздан сўзни ажратмоқ, бир сўздан бошқа сўз олиш) – шеър мисраларида ўзакдош сўзларни қўллаш орқали вужудга келадиган санъат:

Сидқи била *ҳабибини* севса *муҳиб*, билур яқин...

(Атойи)

Яна:

Қилса *зулм ул золим* элни қилмағил, ё раб, забун,

Чун *тазаллумдир* ишим ҳаргиз мени *мазлум* қил.

(Навоий)

Мумтоз ғазалиётда иштиқоқнинг юқорида келтирилган мисолдаги каби ўзакдош арабча сўзлар ёрдамида келиб чиққан кўринишларини кўплаб учратиш мумкин:

Не турфа *суврате* бордурке, ҳеч *сурат* ила
Қазо *мусаввири* қилмади бўйла *тасвире*. (Навоий)

ИҚТИБОС (арабча, илм ўзлаштирмоқ) – шеърда Қуръон оятлари, Ҳадис намуналарини келтириш санъати.

Масалан, Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонида Фарҳод исми ҳақида сўз юритилиб, Қуръондаги "Ал асмо мин ас само" (исмлар осмондан тушадилар) оятига ишора қилинган.

Яна мисоллар:

Жон сотиб ўзни ўйин этарди тан,
Ўқур эди қиссаи *"Ҳуббул ватан"*...
(Гулханий, "Маймун билан нажжор"дан)

Ҳукмингда олам то абад,
Йўқдур макону сенда ҳад:
Ҳақ *"Қул ҳу валлоҳу аҳад"*,
Ман санга бир девона қул. (Ш.Сулаймон)

КАСБ-ҲУНАРГА ОИД СЎЗЛАР – чегараланган лексика кўриниши. Бирор касб-ҳунар вакиллари томонидан ишлатилиб, бошқаларга у қадар тушунарли бўлмаган сўз ва иборалар: М.: косибликда – қолип, шона, ширач, чарм; медицинада – жгут, скалпел, тампон, пинцет... Яна: чаплама, жияк, жўяк, пушта, чел, чилпиш...

КАСБИЙ АТАМАЛАР – касб-ҳунарга оид сўзларга қаранг.

КИНОЯ – сўзларни ўз маъносидан тескари маънода қўллашга асосланган маъно кўчиш усули. Нуткни таъсирли

қилишнинг муҳим усулларидан бири. Киноявий тарзда қўлланган сўз гапда қўштирноққа олинади: *Сизнинг "марҳаматин"гиз туфайли шу аҳволга тушиб ўтирибмиз. Ҳа, "чемпион", калла пишдими? Хўш, "пропессор", Назирага уйланасанми?*

КОМЕДИЯ (грекча, хушчақчақ, оломон қўшиғи сўзидан) – воқеалари, қаҳрамонлари нутқи ва ҳаракати бошдан-охир кулгига асосланган, кулгу воситасида жамият иллатларини фош этишга мўлжалланган саҳна асари. Комедиялар фош этиш даражасига кўра *юмористик* ва *сатирик комедияларга* бўлинади. *Юмористик комедиялар* инсон ва жамият иллатларини енгил кулги ёрдамида акс эттиради: "Шоҳи сўзана", "Аяжонларим" (Абдулла Қаҳҳор); "Келинлар қўзғолони", "Куёв" (Саид Аҳмад); "Олтин девор" (Эркин Воҳидов). *Сатирик комедиялар* жамият ва инсон иллатларини аччиқ, фош этувчи кулгу ёрдамида кўрсатишга мўлжалланган. Гоголнинг "Ревизор", Ҳамзанинг "Майсаранинг иши", Абдулла Авлонийнинг "Адвокатлик осонми?", "Пинак", Абдулла Қаҳҳорнинг "Оғриқ тишлар", "Тобутдан товуш" асарлари сатирик комедия жанрига мансубдир. Комедия жанри асосчиси қадимги юнон драматурги *Аристофан* ҳисобланади.

КОМПОЗИЦИЯ (лотинча, қурилиш, тузилиш, таркиб сўзидан) – бадиий асардаги барча воситаларнинг маълум бир тартиб асосида жойлашиши. Унинг талабига кўра бадиий асардаги барча воситалар: асар сарлавҳаси, эпиграф, муқаддима ва хотима, сюжетнинг барча элементлари, боб ва қисмлар, қаҳрамонлар... маълум тузилиш асосида, асар марказига қўйилган бош ғоя атрофида уюшган ҳолда тартиблаштирилиши лозим.

Борлиқдаги ҳар бир жонли ва жонсиз мавжудот ўз тузилиши билан мукаммалдир. Инсон танаси, унинг турмуш тарзи, табиатнинг инсон кўз ўнгида гавдаланадиган турли манзаралари маълум қурилмага эгалиги боис ўзига хос

бутунлик касб этгани каби бадиий ижод намунаси ҳам мукаммал тузилишга эга бўлгандагина алоҳида эътибор қозониши мумкин. Таҳлил жараёнида асар сарлавҳаси, эпиграф, сюжет элементлари, портрет, табиат тасвири, асосий ва иккинчи даражали қаҳрамонлар, боб ва қисмлар, муқаддима ва хотима, лирик чекиниш, қистирма эпизодлар, композицион марказ кабиларга асар бадиий қурилмасига мукаммаллик бахш этувчи муҳим воситалар сифатида алоҳида диққат қаратилади.

КОНФЛИКТ (лотинча, ихтилоф, тўқнашув) – бадиий асар қаҳрамонлари ўртасидаги турли зиддият ва тўқнашувлар силсиласи. Сюжет тугунини таъминлашда конфликт муҳим аҳамиятга эга. Қаҳрамонлараро катта-кичик зиддиятлар, охир-оқибат, сюжет тугунининг қарор топишига, шу тариқа асар сюжетида маълум муаммонинг пайдо бўлиши ва ҳал этилишига замин яратади.

Бадиий асарда конфликт қаҳрамоннинг бошқа қаҳрамонлар билан зиддиятга киришуви, ўзини ўраб олган муҳит ёки ўз-ўзи билан руҳий тўқнашуви тарзида намоён бўлади. Шунга кўра, конфликтнинг қуйидаги уч ички кўриниши ажратилади:

а) асарда иштирок этувчи шахслар аро зиддият: "Ўткан кунлар"да Отабек ва Ҳомид; Кумуш ва Зайнаб; "Меҳробдан чаён"да Анвар ва Абдураҳмон домла муносабатлари;

б) асар қаҳрамонининг ўзини ўраб турган муҳит билан зиддияти: "Ўткан кунлар"да Отабекнинг Ўзбекойим истаги туфайли анча-мунча бесаранжом ҳолга келиб қолган хонадон билан; Мусулмонқул, Азизбек каби ноодилона сиёсат юритувчи кимсалар тахтни эгаллаган ҳукумат билан муносабатлари;

в) асар қаҳрамонининг ўз-ўзи билан руҳий тўқнашуви, олишуви: "Ўткан кунлар"даги Отабек, "Меҳробдан чаён"даги Анвар, "Кеча ва кундуз"даги Мирёқуб, "Сароб"даги Раҳимжон Саидий руҳий тасвири билан боғлиқ манзаралар.

Конфликт – асарнинг "жони ва қони". Бадиий асарда конфликтларсиз иш кўришнинг хунук оқибатларини яқин ўтмишимизда ҳукм сурган "конфликтсизлик назарияси" асоратлари мисолида яққол тасаввур этиш мумкин.

ЛАПАР – халқ қўшиқларининг бир кўриниши. Унда икки томон, асосан, йигит ва қиз ўзаро айтишади. Шунинг учун лапарларни тортишув, айтишув номи билан ҳам юритадилар. Бу ҳақда халқ оғзаки ижодининг назарий муаммолари билан шуғулланган шоир Элбек шундай ёзган: "... Лапар операга яқинроқ бир руҳда айтилган асар бўлуб, буни қизнинг никоҳидан бир-икки кун бурун ўйун кечасида "куй" билан айтиб ўқуйдирлар. Мунда келин бўлгувчи қиз ўзининг яқин ўртоқларини чақириб, "базм кечаси" ясайдир. Бунинг бир кечасига қизлардан, ташқари хотунлар, куёв томонидан йигитлар ҳам келадирлар... Бу ясалғуси базм кечасида қизлар ва йигитлар ўзларининг кўнглидаги нарсаларини "лапар" йўли билан бир-бирларига онглатадирлар..." (Бу ҳақда қаранг: Фитрат А. Адабиёт қоидалари. 89-бет).

"Қошингни қаро дейдилар...", " Сой бўйида турган йигит..." деб бошланувчи халқ қўшиқлари лапар намунасидир.

ЛАТИФА (арабча, латиф сўзидан, майин қочирим, зукколик дегани) – фольклорнинг эпик турга мансуб кичик жанри бўлиб, асосан, икки кишининг кулгили саргузашти, суҳбати тасвирига бағишланади. Унда бир томоннинг сўзи ёки хатти-ҳаракатидан иккинчи томоннинг кулиши энг муҳим кулгили вазиятни келтириб чиқаради. Кулгининг даражасига кўра латифалар ҳажвий ва юмористик латифаларга бўлинади.

Латифадаги анъанавий қаҳрамонлар қаторида туркий халқлардаги "Бир киши" "Машраб", "Аддаркўса", "Кўса", "Кал" кабиларни; форс-тожик халқларидаги "Мушфиқий", "Баҳлул" кабиларни қайд этиш мумкин. Қорақалпоқ латифаларидаги анъанавий қаҳрамон "Умрбек Лаққи"дир. XIX асрдан бошлаб ўзбек латифаларига анъанавий қаҳрамонлардан

яна бири – Насриддин Афанди кириб келди. Мана шу қаҳрамон туфайли латифа истилоҳи ўрнида Афанди атамаси ҳам ишлатиладиган бўлди.

ЛАФФ ВА НАШР – арабий атамалари "йиғмоқ" ва "ёймоқ" деган маъноларни билдиради. Бунда олдин бир неча предметнинг номи кетма-кет саналади, сўнг уларнинг белгилари ёки уларга мос келувчи бошқа тушунчалар ўша кетма-кетликда тилга олинади:

Бу *оразу зулфу қаду қоматки* сенингдур,
Рашки *суману сунбулу аръар* етилибсен. (Атойи)

ЛИРИК ТУР – шаклан кўпинча шеърий, воқеаларни акс эттириш асосий хусусияти бўлмаган, инсон ҳис-туйғулари етакчилик қиладиган асарлар мажмуи. Албатта, бу турга мансуб асарлар ҳам воқелик маҳсули сифатида дунёга келади. Аммо "лирик асарларда воқеликнинг ўзини эмас, балки унинг инсон туйғуларига таъсирини тасвирлаш муҳим ўрин тутади" (Қаранг: Йўлдошев Қ. ва бошқалар. Адабиёт. 7-синф учун дарслик. Тошкент: "Шарқ", 2005. 220-бет).

Фард, чистон, муаммо, туюқ, рубоий, ғазал, мусаллас, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, мусамман, мутассаъ, муашшар, таржеъбанд, таркиббанд каби шеърий шакллар, умуман, шеърлар лирик турнинг ички кўринишлари, яъни жанрлари ҳисобланади. Масалан, Алишер Навоийнинг "Келмади" радифли, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Қолдиму" радифли ғазаллари, Ойбекнинг "Наъматак" шеъри, Муҳаммад Юсуфнинг "Туркман қизга" шеъри...

"Лирика" атамаси грекча сўздан олинган бўлиб, "лира мусиқа асбоби жўрлигида айтиладиган" деган маънони англатади. Шеърий асарларнинг мусиқийлиги, ҳис-туйғу изҳорига ихтисослашганлиги улар бирлашувчи гуруҳ номининг айнан лирик тур деб юритилишига асос бўлган.

Лирик тур намуналарини умумлаштирган ҳолда поэзия, шеърият ёки назм номлари билан юритиш анъанага айланган.

ЛИРО-ЭПИК ТУР – лирик турдан шеърий шаклни, эпик турдан воқеа акс эттириш хусусиятини ўзлаштириб олган асарлар мажмуининг умумий номи.

Шаклан шеърий, аммо воқеаларни акс эттирадиган, ижодкор ҳис-туйғулари ҳам ифодаланадиган асарлар лиро-эпик турга мансубдир. Масал, баллада, достон (поэма), шеърий эртак, шеърий қисса, шеърий роман кабилар лиро-эпик тур жанрлари ҳисобланади.

ЛИРИК ЧЕКИНИШ – шеърий, насрий ёки драматик асарда муаллифнинг асарда тасвирланаётган воқеаларни, баён қилинаётган фикрларни бирданига тўхтатиб қўйиб, шу воқеа ёки фикр таъсирида кўнглида кечган ҳис-туйғуларни баён этишга ўтиб кетиши.

Жумладан, Ғафур Ғуломнинг "Сен етим эмассан" шеъридаги:

Мен етим ўсганман,
Оҳ, у етимлик
Вой, бечора жоним десам арзийди...
Ўнинчи йилларнинг саргардонлиги...

мисралари лирик чекинишга ёрқин мисолдир.

ЛИРИК ҚАҲРАМОН – лирик асарда туйғу ва ўйлари, ҳис-ҳаяжон ва изҳори дили акс этган шахс образи. Одатда, мазкур тушунча шеър муаллифининг ўзига нисбатан қўлланилади. Зеро, лирик яратма, энг аввало, муаллиф дил изҳори, ўй-кечинмалари ифодасидир. Баъзи шеърларда муаллифдан ўзга шахслар характер чизгиларига ҳам дуч келиш мумкин. Бироқ бу чизгилар ҳам шеър муаллифи бадиий олами маҳсули сифатида қоғозга тушади ва ўз-ўзидан, лирик қаҳрамон тушунчаси орқали яна асар яратувчисини эътироф этиш заруратга айланади.

Лирик қаҳрамон тушунчаси адабиётшуносликда илк маротаба 1921 йилда рус олими В.Тинянов томонидан қўлланган.

ЛОФ – аския каби халқ оғзаки ижодининг драматик турга мансуб жанри. Лофда икки томоннинг бир-биридан ошириб муболаға тўқиши асосида кулгили вазият келтириб чиқарилади. Бунда умуман ақлга сиғмайдиган муболағани ишлата олган томон ғолиб ҳисобланади. Афанди образи лофларда ҳам иштирок этади.

МАВЗУ – бадиий асарда ижтимоий ҳаётнинг қаламга олиш кўзланган ва ифода этилган жабҳаси, ижтимоий-маиший турмуш манзарасига оид масала ёхуд масалалар йиғиндиси. Назариётчи олимлар айни шу мантиқдан келиб чиққан ҳолда: "Асар ким ёки нима ҳақида ҳикоя қилишига қараб, унинг мавзусини; ёзувчи қандай фикрни илгари суришига қараб, асарнинг ғоясини белгилаш мумкин" деган фикрни ўртага қўядилар.

Шубҳасиз, ижодкор онги ва қалбида уйғонган бирор фикр ёхуд ғоя уни қўлга қалам олишга ундайди. Бу жараёнда ижодкор мазкур фикр ёки ғояни ҳаётнинг қайси жабҳаси мисолида кўрсатиб бериш ўринли бўлишини ўйлайди ва ўз-ўзидан мавзу танлаш заруратига рўбарў келади. Ижтимоий ҳаётнинг қайси жабҳасига дахлдор бўлишидан қатъи назар ижодкор онги ва қалбини ўртаган ғояга ҳамоҳанг равишда танланган мавзу асар муваффақиятига замин яратади. Аксинча, ғояга номувофиқ тарзда танланган мавзу ёзувчини ҳам, китобхонни ҳам чалғитади. Ёзувчини безовта қилган муаммонинг тўла очилмай қолишига сабаб бўлади. Демак, худди шакл ва мазмун ҳодисалари каби мавзу ва ғоя тушунчаларини ҳам узвий алоқадорликда тушуниш ва талқин қилиш мақсадга мувофиқдир.

МАВСУМИЙ МАРОСИМ ҚЎШИҚЛАРИ – йил фасллари билан боғлиқ маросимларда ижро этиладиган халқ

қушиқлари. Баҳорда айтиладиган "Наврўз", "Бойчечак", "Сумалак" қўшиқлари, Рамазон ойида айтиладиган "Ё Рамазон" қўшиғи, ёмғир чақириш маросимида айтиладиган "Сустхотин" қўшиғи, шамол чақириш маросимида айтиладиган "Ё Ҳайдар" қўшиғи, шамолни тўхтатиш маросимида айтиладиган "Чоймомо" қўшиғи бунга мисол бўлади.

Зардуштийликнинг муқаддас китоби "Авесто"да "Сустхотин" маросими "Тиштирия" номи билан қайд этилган.

Бундан ташқари, қиш ойларида эркаклар томонидан ташкил этиладиган "Гап-гаштак", "Яс-ясун" маросимларида ижро этилган қўшиқлар ҳам мавсумий маросим қўшиқларига мисолдир.

МАЗМУН ВА ШАКЛ – "бадиий асарни таҳлил қилиш жараёнида уни бир бутунликда тўғри тушунишимизга ёрдам берадиган, ўзаро узвий боғланган *ички ва ташқи* томонлардир. Чунки *мазмун бадиий асарнинг моҳиятини ифодаласа, шакл шу моҳиятнинг намоён бўлиши, яъни ифодаланиш усулидир*" (Қаранг: Зуннунов А., Ҳотамов Н. Адабиёт назариясидан қўлланма. 37-бет).

Келтирилган таърифда намоён бўлганидек, бадиий асарда ўз аксини топган ижтимоий ҳаёт манзаралари, ҳиссий-руҳий ҳолат ва сезимлар, улар натижасида юзага чиққан инсоний муносабатлар ифодаси унинг мазмунини; мазкур манзараларни акс эттириш воситалари эса шаклни ташкил этади. Бинобарин, ҳикоя, қисса, роман каби эпик жанрлар воқеани ривоя усулида акс эттириши нуқтаи назаридан умумийлик ҳосил қилишига қарамасдан, уларнинг ҳар бири шаклий, ҳажмий миқёс ва меъёрларга эга. Ўз навбатида, ана шу миқёс ва меъёрлар асарда ўз ифодасини топадиган воқеалар маромига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Демак, мазмун ва шакл тушунчалари ўзаро уйғун (диалектик) ҳодисалар бўлиб, уларни бир-биридан ажратган ҳолда талқин қилиш ноўриндир. Шунга

кўра, асар шаклига дахлдор ҳодисалар (масалан, композицион воситалар: асар сарлавҳаси, эпиграф, боб ва қисмлар...), ўз навбатида, мазмунга ҳам алоқадор ҳодисалардир. Ва аксинча, мазмунга алоқадор тушунчалар сифатида талқин этилувчи ҳодисалар (масалан, сюжет ва унинг таркибий қисмлари), ўз навбатида, шаклга ҳам алоқадор ҳодисалардир.

МАИШИЙ МАРОСИМ ҚЎШИҚЛАРИ – инсон ҳаёти, турмуш тарзи билан боғлиқ турли маросимларда (тўй ва азаларда) ижро этиладиган халқ қўшиқлари. Аллалар, бешик айтимлари, ёр-ёрлар, ўлан ва лапарлар, келин салом, куёв салом, саломномалар, йиғи-йўқлов қўшиқлари бунга мисолдир.

МАРСИЯ – бирор кишининг, асосан, машҳур ҳукмдорлар, давлат ва жамоат арбоблари, шоир ва ёзувчилар вафоти муносабати билан ёзилган қайғули шеър.

Илк туркий марсия халқ оғзаки ижодига мансуб бўлиб, Кошғарийнинг "Девону луғотит турк" асари орқли етиб келган. Бу Афросиёб вафотига бағишлаб яратилган "Алп эр Тўнга" марсиясидир. Бармоқ вазнида, мураббаъ шеърий шаклида яратилган бу марсия халқнинг Афросиёб вафоти муносабати билан чеккан қайғусини ёрқин акс эттиради. Кейинчалик ҳам марсия яратиш анъанаси давом этди. Чўлпон, Фитрат, Айний каби шоирларнинг Беҳбудий вафоти муносабати билан ёзилган марсиялари машҳурдир. Шунингдек, Шайхзоданинг "Ғафурга мактуб", А.Ориповнинг "Ғафур Ғулом", Рауф Парфининг "Абдуллажон марсияси", Муҳаммад Юсуфнинг "Илёс, кўзларингдан айланай сенинг" шеърлари марсия намунаси бўла олади. Марсияларни таърих шаклида яратиш ўзига хос анъанадир.

МАСАЛ – мажозга асосланган воқеабанд кичик шеър. Бунда жонсиз нарса-ҳодисалар, қуш, ҳайвон ва паррандалар инсонга хос характер-хусусиятларни намоён этади. Масалан, "Ғулки ила қарға", "Туя билан бўталоқ", "Шер билан дуррож".

МАСНАВИЙ (арабча, иккилик сўзидан) атамасини кенг ва тор маънода тушуниш лозим. Кенг маънодаги маснавий тушунчаси мумтоз адабиётдаги достонлар яратиладиган шеърий шаклни англатади. Олий ўқув юртларига кирувчилар учун тузилган саволномаларда "Хамса" достонлари қайси шеърий шаклда ёзилган? (Жавоб: маснавий); Маснавий шаклида ёзилган асарни кўрсатинг (Жавоб: "Шайбонийнома") каби саволлар мавжуд. Мана шу саволларда ҳам маснавий атамаси кенг маънода талқин қилинган.

Шунга кўра, маснавий ўзаро қофияланган байтлар тизимига асосланган шеърий шаклдир. Унинг қофияланиш тартиби қуйидагича: *а-а, б-б, в-в, г-г, д-д, е-е...*

Масалан, Навоий достонидан парча:

Олибмен тахти фармонимға осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.

Турк назмида чу мен тартиб алам,
Айладим ул мамлакатни якқалам.

Тор маънода эса маснавий атамаси мустақил қофияланган байтлар тизмасидан иборат шеърий жанрни англатади.

Жумладан, Алишер Навоийнинг "Хазойин ул-маоний" девонида битта маснавий – дўсти ва устози Саййид Ҳасан Ардашерга шеърий мактуби келтирилган. Бобур девонида ҳам бир неча маснавий мавжуд. Муқимийнинг "Танобчилар" сатираси ҳам маснавий намунасидир.

МАТЛАЪ (арабча, қуёш ва юлдузларнинг чиқиш жойи сўзидан) – ғазалнинг дастлабки икки мисраси, яъни биринчи байти.

МАЪНАВИЙ СЎЗ ЎЙИНИ. Тез айтиш жанри ҳақидаги маълумотга қаранг.

МАЪНО КЎЧИШ ЙЎЛЛАРИ (УСУЛЛАРИ) – метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик, киноя ҳақидаги маълумотларга қаранг.

МАЪНОДОШ СЎЗЛАР – бир маъно асоси доирасида турли маъно нозикликларини ҳосил қилувчи, яъни маъноси бир-бирига яқин сўзлар: хато – нотўғри – янглиш; юз – афт – бет – башара – чеҳра – рухсор – ораз...; ватан – юрт – ўлка – диёр; субут – бурд; атайлаб – жўрттага – азза-базза; жанг – муҳораба; севинч – сурур; гулистон – чаман; кўрк – чирой; сабо – ел; йиғлатмоқ – сиқтатмоқ (маънони кучайтиради); осмон – кўк – гумбаз; ширин – мазали – лаззатли – хуштаъм; касал – бемор – хаста – бетоб; дилрабо – серишва – серноз; инсоф – адолат – диёнат – ҳалоллик – яхшилик; бечора – шўрлик; яйра – яшна – қанот қоқ; ғам-алам – қайғу...

Маънодошлик бир тил доирасида *(юз, бет – соф туркий)* ҳам; бир неча тил доирасида *(кўк – соф туркий, осмон, гардун – форсий, само, фалак – арабий)* ҳам вужудга келиши мумкин. Маънодош сўзлар нутқдаги такрорларнинг олдини олади, тилни жозибали қилади.

МАҚОЛ (арабча, сўзламоқ, демоқ) – халқнинг кўп асрлик турмуш тажрибалари ва кузатишлари асосида чиқарган хулосаларини ўзига муассамлаштирган оғзаки ижод жанри. Мақоллар шеърий шаклда ҳам, насрий шаклда ҳам бўлиши мумкин. Улар мавзу жиҳатдан чегараланмаган. Мақолларнинг энг қадимги намуналари "Девону луғотит турк" орқали етиб келган: "Аш татиғи – туз" (ошнинг таъми туз билан), "Ума келса, қут келур" (меҳмон келса, барака келади).

Мақоллар бадиий адабиётда ирсолу масал санъатининг вужудга келишига асос бўлади: "Дейдилар: қуш ҳам инда кўрганини қилгайдир".

Мақоллардан бадиий адабиётда эпиграф сифатида кенг фойдаланилади. Ўзбек адабиётида Абдулла Қаҳҳор мақоллардан эпиграф сифатида фойдаланишнинг устаси

ҳисобланади. Унинг "Ўғри" ҳикоясида "Отнинг ўлими – итнинг байрами" мақолидан, "Бемор" ҳикоясида "Осмон узоқ – ер қаттиқ" мақолидан эпиграф сифатида фойдаланилган.

МАҚТАЪ (арабча, тугаш жойи, кесмоқ сўзидан) – ғазалнинг охирги икки мисраси, яъни байти. Мақтаъда деярли ҳамма вақт ғазал муаллифининг тахаллуси келтирилади:

Эй, Навоий, бода бирлан хуррам эт кўнглинг уйин,
Не учунким, бода келган уйга қайғу келмади.

МЕТАФОРА (юнонча, кўчириш сўзидан). Метафора ўхшашликка асосланган маъно кўчиш усулидир. Қиёфаси, ранги, хусусияти, жойлашиш ўрни ёки бирор ташқи белгиси ўхшаш бўлган икки предметдан бирининг номи билан иккинчисини аташ метафора дейилади: *олтин куз, тилла бош, темир интизом, аччиқ сўз, қозоннинг қулоғи, денгизнинг қултиғи, арранинг тиши, дарёнинг лаби, ариқнинг ёқаси, дехқончиликнинг тили...*

Метафора кўпроқ одам тана аъзоларига (бет, юз, бурун, тил, лаб, қулоқ, оёқ, тиш), кийим қисмларига (этак, ёқа, енг) ўхшатилиб, ҳосил қилинади: ернинг бети, китобнинг юзи, радионинг қулоғи, стулнинг оёғи, кеманинг бурни, ариқнинг лаби, дарё этаги, гапнинг енги...

Мисоллар: *Кўк юзида* сузиб юрган булут парчалари тобора кўпайиб бормоқда эди. Ўз *жигарига* ҳам раҳм-шафқат қилмайдилар! *Кўк юзида* сузиб юрган булут парчалари офтобни бир зумда юз кўйга соларди. Қуёшнинг *олтин қалами* нур таратар эди. *Қора кунда* қул Тарлон қизга қайғудош келди. Бекорчидан *бемаза гап* чиқади. Қадди рост *шамнинг тилидан* Ўртанур парвона ҳам. *Пулат* қиличингни кўрганман ўтда. Бизнинг *пулат қудратимиз* бирлигимиздадир. *Пулат* отни ўйнатиб, тракторчи бўламан...

Яна мисоллар:

Маърифат боғида, ростини айтсам,
Жаҳон боғбонининг ўзимиз, ўзи. (Ғафур Ғулом)

Бойқаро иргишлаб *истак отида*,
Жаҳонга боққанда мисли бола шер –
Ҳирот дарвозасин бир *қанотида*
Шеърий лашкарини тизган Алишер. (А.Орипов)

Узоқ юрдим кекса тоғ сари,
Гоҳ одимлаб, гоҳида чопдим.
Нураган гош, қоя тагидан
Гўёки *тоғ кўзларин* топдим. (Шавкат Раҳмон)

Тонг кўксида қушча сайради,
Куйлади – кўп *сўзлари синиқ*.
Ювош нурлар ўйнайди, осмон
Гулдай яшнар тобора тиниб. (Шавкат Раҳмон)

Бадиий адабиётда, шеъриятда метафорадан унумли фойдаланилади ва у истиора деб аталади: Шер юракли бу *лочин*... (гап одам ҳақида кетяпти); Эй, *қуёш*, кўрсат юзинг (гўзал қиз ҳақида гап кетмоқда)...

МЕТОНИМИЯ (грекча, янги ном қўйиш, номини ўзгартириш) – маъно кўчиш усулларидан бири. У нарса-ҳодисалар орасидаги боғлиқликка, алоқадорликка асосланган маъно кўчиш усулидир. *Навоийни ўқидим, Фузулийни олдим қўлимга, бир пиёла ичдим, бир коса едим, зал оёққа турди, самоварга чиқдим* сингари мисолларда нарса-ҳодисалар ўз номи билан аталмай, унга алоқадор бошқа нарса-ҳодисалар номи орқали англатилмоқда (зал оёққа турди деганда – одамлар, бир коса едим деганда – овқат... назарда тутилмоқда).

Яна:

Лермонтовни ташламадим ҳеч,
Сўнгра қўлга олдим *Ҳофизни.*
Пушкин менга *кўрсатди* ҳар кеч
Йиғлаб турган бир *черкас қизни.* (Ҳамид Олимжон)

МЕҲНАТ ҚЎШИҚЛАРИ – иш-ҳаракат, меҳнат жараёнида чарчоқни енгиш, ишнинг самарасини ошириш мақсадида ижро этилган қўшиқлар. Меҳнат қўшиқларида нафақат иш жараёни билан боғлиқ шиква-шикоятлар, балки куйловчининг орзу-армонлари ҳам ўз ифодасини топган. Меҳнат қўшиқларининг қуйидаги уч ички кўриниши мавжуд:

а) деҳқончилик билан боғлиқ меҳнат қўшиқлари: экиш, парвариш қилиш, йиғиб олиш жараёни билан боғлиқ ўрим қўшиқлари, янчиқ қўшиқлари, яъни "Хўп майда"лар, "Ёрғичоқ" қўшиқлари бунга мисолдир;

б) чорвачилик билан боғлиқ меҳнат қўшиқлари ёки соғим қўшиқлари – уй ҳайвонларини соғиш ёки боласига ийдириш жараёнида айтиладиган қўшиқлар. "Турей-турей"лар (қўйларга), "Чурия-чурия"лар (эчкиларга), "Товмишим", "Хўш-хўш"лар (сигирларга) соғиш пайтида айтилади;

в) ҳунармандчилик билан боғлиқ меҳнат қўшиқлари: чарх, бўзчи, ўрмак, кашта қўшиқлари бунга мисолдир.

Деҳқончилик кўшиғига мансуб бўлган "Ёрғичоқ" қўшиғи айрим хусусиятларига кўра ҳунармандчилик қўшиқларига ўхшаб кетади. Жумладан, бу қўшиқ деҳқончиликка хос бошқа қўшиқлардан фарқли равишда худди чарх ва бўзчи қўшиқлари каби уй шароитида ижро этилган. Бундан ташқари, "Ёрғичоқ" қўшиқларининг фақатгина аёллар "репертуари"дан ўрин олганлигини қайд этиш жоиз.

МИСТИФИКАЦИЯ – бадиий асарда муайян мақсаддан келиб чиқиб, ҳодисага сирли тус бериш, йўқ нарсани бор деб

ўқувчини ишонтиришга уриниш. О.Ёқубовнинг "Кўҳна дунё" романида бу усулдан фойдаланилган.

МИФ (грекча, сўз, ривоят) – асотирга қаранг.

МОДЕРНИЗМ (французча, замонавий, янги сўзларидан) – XX аср аввалида Европа адабиётида майдонга чиққан адабий оқим – методлардан бири. Адабиётни ичдан янгилашни назарда тутган бу оқим вакиллари асрлар давомида шаклланган энг яхши анъаналарни сўз санъатига татбиқ этиш йўлидан бордилар. Жумладан, модернизм намунаси сифатида тақдим этилган асарларда онг оқими, абсурд, психологизм, символизм каби тасвир усулларига кенг мавқе берилди. Натижада уларнинг ҳар бири модернизмнинг тармоқлари сифатида адабиётдаги ўз мавқеига эга бўлди. Жеймс Жойс ("Улисс"), Франц Кафка ("Жараён"), Альбер Камю ("Бегона")... каби ижодкорлар бу оқимларнинг бошловчилари бўлишди.

МОНОЛОГ (грекча, бир ва нутқ сўзларидан) – бир кишининг бошқа бир кишига, ўзига ёки бўшлиққа қарата сўзлаган нутқи.

"Монолог ўз табиатига кўра икки хил бўлади: 1) ташқи монолог. Бунда персонаж ўз нутқини овоз чиқариб баён этади; 2) ички монолог. Бундай монолог персонажнинг ички нутқи, ўй-фикрлари шаклида намоён бўлади" (Қаранг: Зуннунов А., Ҳотамов Н. Адабиёт назариясидан қўлланма. 72-бет).

МУАЛЛИФ НУТҚИ – бадиий асар тилидаги муаллиф, ҳикоячи, ровий нутқи. У нутқнинг бошқа кўринишларидан воқеаларни баён этиши, кузатиши ва тартиблаштириши билан ажралиб туради. Муаллиф нутқи асарда лирик кириш, лирик чекиниш ва лирик хотималар қилиш, персонажларга тавсиф (характеристика)лар бериш, портрет ва пейзаж яратиш жараёнида, қисқирма эпизодлар ифодасида янада реаллашади.

МУАММО (арабча, кўр қилинган, беркитилган). Мазкур атама мумтоз адабиётшуносликда ҳам жанр, ҳам бадиий санъат номини ифода этиши билан диққатни тортади.

Жанр сифатида икки ёки тўрт мисрадан иборат, киши исми ёки лақабини ўзида яширган шеърий шакл муаммо деб юритилади. Ижодкор муаммо яратганда сўзлар маъноси, ҳарфлар шаклига таяниб, бирор кишининг исми ёки лақабини шеърига яширади. Шоир берган ишорага таяниб китобхон шеърдан ўша исмни топиб олиши керак:

Бу гулшан ичраки йўқдур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от.

Келтирилган муаммодаги "саодат" сўзида "саъд" яъни "Бахтиёр" исми яширинган.

Асосан, икки мисрадан иборат бўлганлиги учун муаммо жанрига мансуб шеърларни фардлар қаторига қўшадилар. Шу сабабдан бўлса керак, Алишер Навоийнинг муаммо жанрининг назарий масалаларига бағишланган асари "Муфрадот" деб номланган. Бу асар форс-тожик тилида яратилган бўлиб, унинг иккинчи номи "Рисолаи муаммо"дир.

Бадиий санъат сифатида ҳам муаммо киши исми ёхуд бирор ҳодисани яширишга мўлжалланган. Фақат бундай санъатни турли жанрларга оид асарлар бағрида, заруратга қараб қўллаш мумкин. Жумладан, Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонида шоир Фарҳод исмига изоҳ бериб, муаммо санъатидан фойдаланади: Фироқу рашку ҳажру оҳ ила дард.

МУБОЛАҒА (арабча, бирор ишга қаттиқ киришиш) – нарса-ҳодисани, унга хос бўлган бирор белгини бўрттириб: катталаштириб, кичрайтириб, кучайтириб ёки кучсизлантириб тасвирлаш санъати: Мани *оҳим тутунига замину осмон ўртар.* (Машраб)

Муболағанинг қуйидаги уч ички кўриниши мавжуд:

а) таблиғ – ақлан ишониш ҳам, ҳаётда юз бериши ҳам мумкин бўлган муболағa:

Кўзларимга кеча тонг отгунча уйқу келмади. (Навоий)

б) игроқ (арабча, камонни қаттиқ тортмоқ) – ақлан ишониш мумкин бўлган, лекин ҳаётда юз бериши мумкин бўлмаган муболаға:

Вужудим ёниб кетди,
Кўзларим қонаб кетди. (Тошпўлат Аҳмад)

с) ғулувв (арабча, қўлни имкон борича баланд кўтармоқ) – ақлан ишониш ҳам, ҳаётда юз бериши ҳам мумкин бўлмаган муболаға.

Ғулуввнинг икки ички кўриниши бор. Агар нарса-ҳодиса ёки унинг белгиси ҳаддан ташқари катталаштирилса, ёки кучайтирилса бундай ғулувв *гротеск* деб юритилади:

Кўз ёшим дарё бўлиб,
Балиқлари ютсин сени. (Халқ қўшиғидан)

Одатда, гротеск ҳажвий образ ва лавҳалар яратиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Жумладан, "Алпомиш" достонидаги Сурхайил кампир ўғиллари тасвирида халқ гротеск имкониятларидан усталик билан фойдаланган: Тўқсон молнинг терисидан ковуши...

Агар нарса-ҳодиса ёки унинг белгиси ҳаддан ташқари кичрайтириб ёки кучсизлантириб акс эттирилса, бундай ғулувв *литота ёки ифрот (тафрит)* деб юритилади:

Ул санамким сув яқосинда паридек ўлтирур,
Ғояти нозуклигидин сув била ютса бўлур. (Атойи)

Товуғи игначию ўрдагу ғози – капалак. (Махмур)

МУВАШШАҲ (арабча, зийнатланган) – мумтоз лирикадаги бадиий санъатлардан бири. Унинг галабига кўра шеърнинг ҳар бир мисраси ёки ҳар бир байти бошидаги ҳарфларни вертикал ҳолда қўшганда исм келиб чиқиши керак. Мумтоз адабиётда бундай шеърлар кўпроқ ғазал шаклидан фойдаланиб яратилган. Ҳозирги шеъриятда ҳам унинг айрим намуналарига дуч келиш мумкин:

Монанди райҳондурсиз, сизга дилбаста бисёр,
Бамисли жайрондурсиз, сиз деб дилхаста бисёр.

Арзигай кўзингизга шому саҳар тикилмак,
Чаманлардан узилган сизга гулдаста бисёр.

Йироқми ёки яқин сизни ўстирган ул боғ,
Бориб гулларни қучай, мендек белбаста бисёр.

Сочларингиз сумбулми, ифоридан ёнди жон,
Сочқин-сочқин мавжидан, билсам, шикаста бисёр.

Аршдан то Ергача аёл зоти бордурким,
Унга қалбин бергувчи ошиқ – пайваста бисёр.

Ризойи дилингиз деб мен ҳам юрибман сармаст,
Инчунин, кўйингизда банда – побаста бисёр.

Аҳмадийни қийнамай, сузинг ишқ жомидан май,
Сипқорай, рақибларим юрсин ҳавасда бисёр.

(Тошпўлат Аҳмад)

МУКАРРАР (арабча, устма-уст, қайтама-қайта) – такрорнинг бир кўриниши. Бу санъат талабига кўра шеър мисраларида такрорий сўзлар ишлатилади.

Нутқимизда *катта-катта, баланд-баланд, қатор-қатор, дамба-дам, сават-сават, олам-олам, кулиб-кулиб, айта-айта...* каби бир ўзакни икки марта такрорлаш асосида вужудга келган такрорий сўзлар кўплаб учрайди. Бундай сўзлар маънони кучайтириш, нарса-ҳодисани умумлаштириб кўрсатиш учун хизмат қилади. Шундай сўзларни шеърда ишлатиш мукаррар санъатини вужудга келтиради:

Ўтарсен *ўйнаб-ўйнаб* мен гадойи хаста йўл узра,
Қолурмен бир қиё боқмоқ учун *ёлбора-ёлбора.* (Навоий)

Аввал-аввал лутфингиз ҳаддин зиёд эрди менга,
Эмди-эмди марҳамат камроғингизга доғман. (Фурқат)

МУМТОЗ АДАБИЁТ – миллий адабиётимизнинг узоқ ўтмишдан XIX асрнинг II ярми – чор истилосигача бўлган даврда яратилган намуналарига нисбатан қўлланиладиган умумий ном.

Мумтоз сўзи арабчадан олинган бўлиб, *танланган, сараланган* деган маъноларни англатади. Бу атама ўрнида унинг маънодоши бўлган *классик* сўзи ҳам ишлатилади.

Адабиётимиз ўз тарихий тараққиёти давомида кўплаб ўзгаришларни бошдан кечирди. Ёзув пайдо бўлмасдан илгари ўз кузатишларини оғзаки ижод ёрдамида ифодалаган халқ ёзув пайдо бўлгач, ёзма адабиётнинг турли хил жанрларини кашф қилди.

"Девону луғотит турк" орқали етиб келган шеърий парчалар шуни кўрсатадики, адабиётимизда биринчи бўлиб бармоқ вазни вужудга келган.

VIII-IX асрларда Ўрта Осиёнинг араблар томонидан истило қилиниши натижасида ўлкамизга араб маданияти ҳам кириб келди. Араб адабиётида мавжуд бўлган ғазал, рубоий, туюқ, муаммо, мухаммас, қасида... каби қатор жанрлар бизнинг шеъриятимизга кўчди. Шу даврдан бошлаб бармоқ вазнида ижод қилиш бутунлай сусайиб, адабиётимизда аруз вазни кенг қулоч ёзди. Бу вазннинг сўз санъатимиздаги етакчилиги 19-аср охиригача давом этди.

Бу давр мобайнида Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Носуриддин Рабғузий, Сайфи Саройи, Саккокий, Атойи, Лутфий, Алишер Навоий, Ҳусайний, Бобур, Бобораҳим Машраб, Хўжаназар Ҳувайдо, Турди Фароғий, Махмур, Муҳаммадшариф Гулханий, Жаҳон отин Увайсий, Нодира, Шермуҳаммад Мунис, Аваз Ўтар.. каби аруз вазнида ижод қилган шоирлар яшаб ўтдилар. Ана шу – 10-асрдан 19-аср охирларигача бўлган давр сўз санъати мумтоз адабиёт, юқорида санаб ўтилган ижодкорлар асарлари эса мумтоз асарлар деб юритилади.

МУМТОЗ АДАБИЁТНИНГ КИЧИК ЛИРИК ЖАНРЛАРИ – фард, муаммо, чистон, қитъа, туюқ, рубоий каби жанрлар ҳақидаги маълумотларга қаранг.

МУМТОЗ ШЕЪРШУНОСЛИК. Мумтоз ва замонавий адабиёт намуналари нафосатини уларда қўлланилган бадиий санъатларни тадқиқ қилиш асосида назардан ўтказиш мухлис ва мутахассислар диққат марказидаги доимий масалалардан биридир. Бадиий санъатлар ҳақидаги алоҳида фан – илми бадеънинг Шарқ мумтоз поэтикасидаги машҳур учлик (илми аруз, илми қофия, илми бадеъ)дан иборат эканлиги ҳам қадим адабиётшуносликда мазкур соҳага эътибор жуда катта бўлганлигидан далолатдир.

Илми бадеъ билан биринчи шуғулланган олим Абдуллоҳ ибн Муътаз бин-ал Мутаваккил бин Муътасим Аббосий бўлган. Олим поэтикага бағишланган "Китоб-ал-бадеъ" асарида

бадиий санъатларнинг 17 турини аниқлаган ва уларнинг ҳар бирига ном қўйган. Қудома бин Жаъфар ҳам мазкур масаланинг айрим жиҳатларини ўзининг "Нақд уш-шеър" асарида ёритган ва бадиий санъатларнинг 20 тури ҳақидаги мулоҳазаларини баён этган. Абу Ҳилол ал-Аскарийнинг "Китоб ас-санъатайн", Абул Қоҳира Журжонийнинг "Асрор ал-балоға" ва "Далойил ал-аъжаз" асарлари ҳам поэтикага бағишлангандир.

Араб олимларининг шеър назарияси бўйича яратган асарлари Ўрта Осиё ва Хуросон олимларини ҳам қизиқтиради ва бу соҳада жиддий ишлар қилишга ундайди. Илми бадеъга бағишланган дастлабки форсий асарлардан бири XI асрда яратилган бўлиб, бу Муҳаммад бинни Умар Родуёний қаламига мансуб "Таржимон ул-балоға"дир. Олим ўз асарида Наср бинни Ҳасаннинг "Маҳосин ул-калом" асарига суянган ҳолда бадиий санъатларнинг 73 турини аниқлаб беради.

XI-XVI асрларда бу жараён анча фаол анъанага айланиб, Рашидиддин Ватвотнинг "Ҳадойиқ ус-сеҳр фи дақойиқ аш-шеър", Шамс Қайс Розийнинг "Ал-муъжам фи маойир ашъор ил-Ажам", Носируддин Тусийнинг "Меъёр ал-ашъор", Ҳусайн Воиз Кошифийнинг "Бадоеъ ал-афгор фи санойиъ ал-ашъор", Шарафиддин Румийнинг "Ҳақойиқ ал-ҳадойиқ", Сайфи Бухоройининг "Арузи Сайфи", Шайх Аҳмад Худойдод Тарозийнинг "Фунун ул-балоға", Абдураҳмон Жомийнинг "Рисолаи қофия", Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг "Бадоеъ ус-саноеъ" сингари асарлари яратилди.

Бу асарлар ичида Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозийнинг "Фунун ул-балоға" рисоласи (милодий 1436-1437 йиллар, ҳижрий 840 йил) айни муаммога оид ўзбек тилидаги биринчи асар эканлиги билан қимматлидир. Беш қисмдан иборат китобнинг учинчи қисми шеърий ва бадиий санъатлар масаласига бағишланган бўлиб, унда бадиий санъатларнинг 97 тури ҳақида изоҳ берилган.

XV асрда яшаб ижод этган зукко олим Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг "Бадоеъ ус-саноеъ" асари ҳам мумтоз адабиётшунослик хазинасига кўрк қўшиб турган нодир манбалардан биридир. Унда бадиий санъатларнинг 143 тури шарҳланган бўлиб, асар ўз давригача яратилган маълум ва машҳур бадиий санъатлар ҳақидаги билимларни умумлаштирувчи хусусиятга эга.

МУНОЗАРА (арабча, баҳс, тортишув) – форсий ва туркий адабиётдаги лиро-эпик турга мансуб жанрлардан бири бўлиб, икки нарса-ҳодисанинг ўзаро баҳслашуви, тортишуви тарзида яратилади. Адабиётимиздаги илк мунозара намунаси қадимги туркий халқлар томонидан яратилган ва Кошғарийнинг "Девону луғотит турк" асари орқали етиб келган "Қиш ва ёз" мунозарасидир. Мунозарада жонсиз фаслларни жонлантириш орқали уларнинг фойдалари ҳақида фикр юритилган.

XI асрдан бошлаб бу жанр ёзма адабиётга кўчди. Шу даврда форс-тожик адиби Асади Тусийнинг "Ер ва осмон", "Кеча ва кундуз" каби мунозаралари яратилди. Амирийнинг "Чоғир ва банг", Яқинийнинг "Ўқ ва ёй", Аҳмадийнинг "Созлар мунозараси" асарлари эса туркий адабиётдаги мунозара намуналаридир. Фузулийнинг "Бангу бода", "Сиҳат ва мараз" асарлари ҳам мунозара жанрига мансуб.

Номланишларидан кўриниб турганидек, мунозараларда нарса ва ҳодисалар мажозий маънода инсон ҳаёти ҳақида баҳс юритади. Шу боис мазкур жанр намуналарини яратишда жонлантириш санъати ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

МУСАЖЖАЪ – шеър мисралари ичида қофия қўллаш санъати. Биз қофиянинг мисра охирида келишига кўникиб қолганмиз. Лекин мумтоз адабиётда шеъру ғазалларни ички қофияли қилиб яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бундай қофия байтлардаги оҳангдорликни оширишда муҳим ўрин тутади. Бу усулда яратилган ғазалларни Бобур ижодида кўплаб учратиш мумкин:

Лабинг бағримни қон қилди, кўзимдин қон равон қилди,
Нечун ҳолим *ёмон қилди*, ман андин бир сўрорим бор.

Яна мисол:

Ақлимни *олди*, ҳайратга *солди*, бир турфа *жонон*,
султони *хўбон*,
Ул бир *табассум*, айлаб *такаллум*, чун *моҳитобон*
бўлди *намоён*.
(Фурқат)

МУСАММАТ (арабча, ипга марварид тизиш) атамаси мумтоз адабиётдаги бандли шеърларнинг умумлашмасига нисбатан ишлатилади. Мумтоз шеъриятимиздаги мусаллас, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, мусамман, мутассаъ, муашшар каби бандли шеърларни битта ном остига бирлаштириб, мусаммат деб юритамиз. Қуйида гарчи алифбо тартибига зид бўлса-да, мусамматларни изчил кетма-кетликда бериш маъқул кўрилди:

МУСАЛЛАС (арабча, учлик) – ҳар банди уч мисрадан иборат бир неча бандли шеър.

МУРАББАЪ (арабча, тўртлик) – ҳар банди тўрт мисрадан иборат бир неча бандли шеър. Мураббаънинг қофияланиш тартиби: *а-а-а-а, б-б-б-а, в-в-в-а... ёки б-б-б-а, в-в-в-а, г-г-г-а...*

Туркий адабиётда Машраб, Огаҳий, Муқимий, Аваз Ўтар мураббаълари машҳурдир. Муқимийнинг машҳур "Саёҳатнома"си ҳам мураббаъ шаклида битилган:

Фарёдким гардуни дун б
Айлар юрак бағримни хун. б
Кўрдики бир аҳли фунун б
Чарх анга кажрафтор экан. а

Қолмай шаҳарда тоқатим, в
Қишлоқ чиқардим одатим. в
Хоҳи яёв, бўлсун отим, в
Гаҳ сайр ҳам даркор экан... а

МУХАММАС (арабча, бешлик) – ҳар банди беш мисрадан иборат бир неча бандли шеър. Мухаммаснинг қофияланиш тартиби қуйидагичадир: *а-а-а-а-а, б-б-б-б-а, в-в-в-в-а...*

Мухаммаслар яратилиш усулига кўра икки хил бўлади:

1. Мухаммаси тасъби худ – тўлиғича бир шоир томонидан яратилган мустақил мухаммас. Жумладан, Аваз Ўтар қаламига мансуб етти банддан иборат мустақил мухаммаснинг дастлабки банди қуйидагича жаранглайди:

Субҳу масо чу булбул тортиб фиғон, нигорим,
Ҳажрингда қолмади ҳеч тобу тавон, нигорим,
Бўлғуси кўз ёшимдин ҳолим аён, нигорим,
Ҳолима йиғлашурлар аҳли жаҳон, нигорим,
Оромижон нигорим, сарви равон нигорим...

2. Мухаммаси тахмис – бундай мухаммас бирор шоирнинг ғазали байтлари устига уч мисрадан қўшиб чиқиш асосида яратилади. Жумладан, Аваз Ўтарнинг Алишер Навоий ғазалига боғлаган етти бандли мухаммасидан бир банд:

Бўлғали кўнглим санга токим асиру мубтало,
Шавқу завқингдин ишим чекмак фиғон субҳу масо,
Тоқату ҳушу қарору сабр ўлур мандин жудо,
Оразу холингни бир дам кўрмасам, эй дилрабо,
Ўйладурманким, кўрунмас кўзима оқу қаро...

МУСАДДАС (арабча, олтилик) – ҳар банди олти мисрадан иборат бир неча бандли шеър. Мусаддаснинг қофияланиш тартиби: *а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-а, в-в-в-в-в-а...* Ёки: *а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-а-а, в-в-в-в-а-а...*

Фурқатнинг "Сайдинг қўябер, сайёд" мусаддаси иккинчи хил қофияланиш тартибига эгадир:

Сайдинг қўябер, сайёд, сайёра экан мендек,
Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек,
Ўз ёрини топмасдин овора экан мендек,
Иқболи нигун, бахти ҳам қора экан мендек,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари-бағри садпора экан мендек.

Кес ристаниким, қилсун чаппаклар отиб жаста,
Ҳажрида алам тортиб, бўлди юраги хаста,
Тоғларға чиқиб, бўлсин ёри била пайваста,
Кел, қўйма бало доми бирла они побаста,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари-бағри садпора экан мендек...

МУСАББАЪ (арабча, еттилик) – ҳар банди етти мисрадан иборат бир неча бандли шеър. Мусаббаънинг қофияланиш тартиби: *а-а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-а, в-в-в-в-в-в-а...* Бобораҳим Машраб мусаббаъсидан бир банд:

...Ул холики кунжи лаби жонона тушубдур,
Жон олмоқ учун кўзлари мастона тушубдур,
Ҳинду бачае мулки Сулаймона тушубдур,
Ул чоҳи занахдонига бир дона тушубдур,
Чун Юсуфи Канъонки бу зиндона тушубдур,
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!
Ҳай-ҳай, на жафо қилса санам жонима роҳат!

МУСАММАН (арабча, саккизлик) – ҳар банди саккиз мисрадан иборат бир неча бандли шеър. Мусамманнинг қофияланиш тартиби: *а-а-а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-б-а...* Ҳўжаназар Ҳувайдо мусамманидан банд:

Эй зулфи бинафша, хати райҳон,
Жавру ситамингда бағримиз қон.
Хор илгида чо(о)кдур гирибон,
Ғам шохида булбули хуш илҳон,
Чун тўтийи рози шаккаристон,
Муштоқ лабингда дерман, эй жон,
Ор этма асиру мубталодин,
Дардинг била тун-кун ошнодин...

МУТАССАЪ (арабча, тўққизлик) – ҳар банди тўққиз мисрадан иборат бир неча бандли шеър. Мутассаънинг қофияланиш тартиби: *а-а-а-а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-б-б-а...* Мумтоз туркий адабиётда мутассаъ намунасини учратмадик.

МУАШШАР (арабча, ўнлик) – ҳар банди ўн мисрадан иборат бир неча бандли шеър. Муашшарнинг қофияланиш тартиби: *а-а-а-а-а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-б-б-б-а...*

Нодиранинг ўз умр йўлдоши Амир Умархон вафотига бағишлаб ёзган "Фироқнома"си муашшар шаклида яратилган:

Оҳким, беҳад манго жавру жафо айлар фалак,
Фурқат ичра қисматим дарду бало айлар фалак,
Ёрдин айру манго кўп можаро айлар фалак,
Ғам била гулдек юзумни каҳрабо айлар фалак,
Бевафодур, оқибат кимга вафо айлар фалак,
Ҳасрату дарду аламга мубтало айлар фалак,
Ёрни албатта ёридин жудо айлар фалак,
Гул била булбулни бебаргу наво айлар фалак,
Ҳеч ким ёраб жаҳонда ёридин айрилмасун,

Жондин ортиқ меҳрибон дилдоридин айрилмасун...

МУСТАЗОД (арабча, орттирилган) – қофияланишига кўра ғазалга айнан ўхшайди: *а-а, б-а, в-а, г-а...* Аммо мисра тузилишига кўра ғазалдан фарқ қилади. Ғазалда байтлар тугалланган мисралардан ташкил топса, мустазодда байтдаги тугалланган мисралардан кейин ўнг томондан жойлаштирилган синиқ мисралар мавжуд бўлади. Мана шундай синиқ мисраларга эгалиги учун бу жанрни мустазод – орттирилган деб атаганлар.

Мустазод доимо битта вазн тармоғида ёзилади. Ўйноқи бу вазн тармоғининг афойили қуйидагича:

Мафъулу мафоийлу мафоийлу фаулун

мафъулу фаулун.

Туркий адабиётда Алишер Навоийдан кейин мустазоднавислик анъанасини давом эттирган ижодкорлар сафида Бобораҳим Машраб ва Муҳаммадризо Огаҳий номларини алоҳида қайд этиш мумкин. Мустазоднависликда ўзига хос маҳорат кўрсатган Огаҳий анъанавий йўналишдаги мустазодлар билан биргаликда, синиқ мисралари иккита бўлган мустазод ҳам яратди:

Эй ёр, санго ушбу жаҳон боғи аро гул,
бир ошиқи ҳайрон,
дийдорингга шайдо.
Бир шефтадур кокули мушкинингга сунбул,
ҳам ҳоли паришон,
ҳам бошида савдо.

МУТАҚОРИБ – туркий ва форсий мумтоз адабиётда шоҳлар ҳақидаги асарлар айни шу баҳрда, унинг мутақориби мусаммани маҳзуф ва мақсур вазн тармоғида яратилади.

Жумладан, Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" достони, форсий ва туркий "Хамса"лардаги охирги достонлар ("Искандарнома"лар) шу вазн тармоғида яратилган.

МУҚАЙЯД ҚОФИЯ – равий билан тугайдиган қофия.

НАЗИРА (арабча, ўхшаш нарса сўзидан) – бир ижодкорнинг бошқа бир ижодкор шеърига ўхшатма, жавоб тарзида ёзилган шеърий асари. Адабиётшуносликда "назира" атамаси ўрнида "жавобия", "татаббуъ", "ўхшатма" атамалари ҳам ишлатилади. Назира ёзаётган ижодкор ўз шеърида жавобия қилинаётган шеърнинг мавзуини, қофияланиш тартибини, вазнини сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Жумладан, Ҳамзанинг "Келди очилур чоғи ўзлигинг намоён қил" деб бошланувчи "Ўзбек хотин-қизларига" деб номланган шеъри Амир Умархон (Амирий)нинг "Лаб ўюр такаллумға..." деб бошланувчи ғазалига ўхшатма тарзида яратилган. Фурқатнинг "Фиғонким гардиши даврон аюрди ўз диёримдин" деб бошланувчи ғазали Нодиранинг "Фиғонким гардиши даврон аюрди шаҳсуворимдин" ғазалига ўхшатма қилиб ёзилган. Бундан ташқари, адабиётимизда Ҳусайний, Бобур, Машраб, Ҳувайдо, Мунис ва Огаҳийларнинг Алишер Навоий ғазалларига назира сифатида яратилган кўплаб шеърлари машҳурдир.

НАСРИЙ АДАБИЙ ЭРТАКЛАР – ёзувчилар томонидан халқ оғзаки ижодидаги эртаклар сюжетига мурожаат қилиб ёзилган ёки адиб ижодий тўқимаси маҳсули бўлган асарлар. Дунё ва ўзбек болалар адабиётида Ҳанс Кристиан Андерсен, Шарль Перро, ака-ука Гриммлар, Турғунбой Ғойибов ижодига мансуб қатор насрий адабий эртаклар катта шуҳрат қозонган.

НЕОЛОГИЗМЛАР – ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ривожланиш натижасида тилга янги кириб келган сўзлар қатлами. М.: сўнгги йиллардаги тараққиёт натижасида ўзбек тилига *минимаркет, инвестиция, интернет, уяли алоқа, сайт, бизнес, бизнесмен, фермер*... сингари ўнлаб сўзлар кириб

келди. Бадиий адабиётда неологизмлардан ривожланган техника ва технология имкониятларини, ижтимоий-маънавий ҳаёт манзараларини акс эттирувчи асарларда кенг фойдаланиш мумкин.

НИДО – шеърий мурожаат санъати. Бундай мурожаатларнинг аксарияти *"эй ёр", "эй гул", "эй малак"...* кўринишида учрайди, мана шу мурожаатлар асосида юзага келган санъат нидо дейилади. Шеърий парчадан нидо санъатини топиш учун тил фанидаги ундалмани яхши билиш керак:

Саломим гулга элт, *эй тонг насими,*
Ким эрур ой қули, ахтар надими. (Хоразмий)

Қуёш, нуринг сочавер мўл-мўл. (Ойбек)

Ҳой, капалак, капалак,
Қанотларинг ипакдек. (Зафар Диёр)

Гунафшахон, гунафша,
Кулишларинг чиройлик. (Зафар Диёр)

Дўстим, тўлдириб қўй арғувон бода.
(Тошпўлат Аҳмад)

НОАДАБИЙ СЎЗЛАР – луғатимиз манбаларидан яна бири – жонли тилда учрайдиган, лекин кенг истеъмолда қўлланмай, услубий маънода – айрим шахсларнинг хулқ-атворини, табиатини кўрсатиб турадиган сўз ва иборалар: *иннайкейин, хўп бўлмаса, ҳалиги, шу десангиз, дейлик, энди, менга қолса, хуш...*

Ғафур Ғуломнинг "Шум бола" қиссасидаги Шум бола боплаб алдаган "иннанкейин"чи Сарибойни эсланг.

НОМА (форсча, хат, мактуб) – бир инсоннинг бошқа бир инсонга, дўстнинг дўстга, ошиқнинг ўз маъшуқасига шеърий

мактуби тарзида яратиладиган асар. Нома жанрида лиро-эпик тасвир етакчилик қилади. Туркий адабиётда нома яратиш анъанасига Хоразмий асос солган. Унинг Муҳаммад Хўжабекка бағишлаб яратилган "Муҳаббатнома" асари дастлабки туркий нома намунасидир. Одатда, номалар маснавий шаклида яратилган. Навоийнинг Саййид Ҳасан Ардашерга шеърий мактуби – "Маснавий" ҳам нома намунасидир.

Хоразмийдан кейин Хўжандий ўз "Латофатнома"сини, Саид Аҳмад ўз "Таашшуқнома"сини яратиб, номачилик анъанасини ривожлантиришди. Муқимийнинг мураббаъ шаклида яратилган "Саёҳатнома"си ҳам номанинг ўзига хос намунасидир.

Номланишида "нома" аффиксоиди мавжуд бўлган дуч келган асар нома бўлавермайди: "Шоҳнома", "Қобуснома", "Зафарнома", "Темурнома", "Бобурнома", "Ҳумоюннома", "Шайбонийнома" кабиларнинг бирортаси нома жанрига мансуб эмас. Бу номланишлардаги "нома" сўзи китоб, битик маъноларини англатади.

Адабиётшуносликда асар қаҳрамонларининг ўзаро шеърий мактубини ҳам нома тарзида талқин қилиш кузатилади. Бундай шеърий мактублар лирик номалар деб юритилади: Фарҳоднинг Ширинга, Ширинниг Фарҳодга мактуби.

ОБРАЗ сўзи нусха, намуна каби маъноларни англатади. "Санъат ва адабиётдаги ҳаётни ўзига хос бадиий шаклда акс эттирган манзара ва характерлар" дея образга таъриф берилади Н.Ҳотамов ва Б.Саримсоқовлар ҳаммуаллифлигида тузилган "Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати"да.

Образ тушунчаси кенг маънода бадиий асарда тасвирланган нарса-ҳодисаларни, манзара ва ҳолатларни англатади. Тор маънодаги образ тушунчаси орқали эса асарда иштирок этувчи шахс – инсон англатилади: Абдулла Қодирийнинг "Ўткан

кунлар" романидаги Отабек, Кумуш, Юсуфбек ҳожи, Ўзбекойим, Зайнаб, Ҳомид образлари...

Асарда тутган мавқеига кўра образнинг қуйидаги ички кўринишлари ажратилади:

а) персонаж ёки эпизодик образ – асарда кенг ўрин тутмайдиган, бир кўриниб қўйиб, кейин асар воқеалари майдонидан чиқиб кетадиган нофаол қаҳрамондир: "Ўткан кунлар"даги Зиё шоҳичи, Раҳмат, Содиқ, Хушрўй образлари...

б) характер – бадиий асарда бутун мураккаблиги билан акс этадиган, ўзига ўхшаган кўплаб инсонларга хос хусусиятларни жамлаб олган инсон образи. Бундай образ асарда асосий ўрин тутади, бошдан-охир иштирок этади, асар воқеалари унинг атрофида содир бўлади: "Ўткан кунлар"да Кумуш, Отабек, Ҳомид, Зайнаб, Юсуфбек ҳожи, Ўзбекойим;

в) тип – бадиий асардаги характердан ҳам мукаммалроқ тасвирланган, бутун бошли миллат, инсоният ёки жуда катта тоифа, гуруҳ вакили сифатида майдонга чиқадиган қаҳрамон. Типни ё ижобий, ё салбий маънода барчага ибрат, намуна қилиб кўрсатиш мумкин: Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романидаги Кумуш ва Отабек, Садриддин Айнийнинг "Судхўрнинг ўлими" қиссасидаги Қори Ишкамба, Ўткир Ҳошимовнинг "Дунёнинг ишлари" қиссасидаги Она образлари...

ОМОНИМ (грекча, бир хил исм сўзидан) – шаклдош сўзларга қаранг.

ОҚ ШЕЪР – ўзига хос вазнга эга, аммо қофиялари бўлмаган шеър:

Кўтара олмайсиз кўнглимни.
Истасангиз, имконингиз йўқ.
Чунки кўнглим Ердан каттароқ,
Осмондай бепоён кўнглим,
Кўҳиқофдан оғирлиги рост. (*Лайло Шарипова*)

Бармоқ вазнида қофиясиз қилиб яратилган шеърларни Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода ижодида учратиш мумкин.

Шеърий драмалар ва драматик достонлардаги қофиясиз ёки пассив қофияга эга бўлган шеърий матнлар ҳам оқ шеър қонуниятига асосланиб яратилган. Жумладан, Мақсуд Шайхзоданинг "Мирзо Улуғбек" шеърий фожиасидан парча:

Биз Мисрдан таъзияга келиб қолганда
Султонимиз сизга ёзган саломномани
Ўзларига берган эдим Ҳирот тахтида.
Туркистоннинг, Хуросоннинг донишмандлари
Ёзган нодир асарлар жаҳонда маъруф.
Самарқандниng, Бухоронинг олимларидан
Илалабад миннатдордир араб эллари...

ПАРАЛЛЕЛИЗМ (грекча, ёнма-ён борувчи сўзидан) – икки ёки ундан ортиқ нарса-ҳодисани ёнма-ён қўйиш орқали бадиий мазмун – мақсадни ифода этиш усули. Бунда ўша ёнма-ён қўйилган нарса-ҳодисаларни ўзаро қиёслаш ва зид қўйиш асосида бадиий мақсадга эришиш кўзда тутилади. Илмий адабиётларда параллелизмнинг тематик-психологик параллелизм, ритмик-синтактик параллелизм, лексик-морфологик параллелизм, интонацион параллелизм каби кўринишлари ажратилади (Қаранг: Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. 235-236-бетлар). Жумладан, халқ бадиий тафаккури маҳсули бўлган тематик-психологик параллелизмга мисол:

Тоқдаги қайчини
Чанг босибди, ёр-ёр,
Чиқаётган қизимизни
Ғам босибди, ёр-ёр.

Осмонни булут босди,
Оини кўргали бўлмас.
Юракларни ғам босди,
Ёрни кўргали бўлмас.

Фольклоршунос олима Д.Ўраеванинг номзодлик иши мазкур ҳодисанинг халқ оғзаки ижодидаги бадиий ифодаси масаласини тадқиқ этишга бағишланган.

ПАРОНИМЛИК – сўзларнинг шакли ва талаффузидаги яқинлик асосида жуфтлик ҳосил қилиши. Шакли ва талаффузи ўхшаш, кўпинча бир товуш билан фарқ қиладиган сўзлар: адл (адолат) – адил (тик); аср – асир; адиб (ёзувчи) – адип (ҳошия, кийимнинг четки қисми); зирак – зийрак; чопон – чўпон; ўтказмоқ (тадбирни) – ўтқазмоқ (кўчатни); санъат – санат; талъат – талат; қалъа – қала; наша – нашъа; тана – таъна; сурат – суръат; азим – азм; ёд – ёт; аҳл – аҳил; фол – пол; боб – боп; туб – туп; даҳо – даҳа, амр – амир; сода – содда; довон – девон; рамз – разм; ёлқин – ёрқин; сайил – сайр; сада – садо; бурж – бурч; қург – қурут; жайрон – жийрон; панд – банд; оталик – оталиқ; тахир – таҳқир; ганж (хазина) – ганч (қурилиш материали); ушоқ – ушшоқ; тила – тилла; нуфус (миқдор) – нуфуз (обрў); шанба (ҳафта куни) – шамба (чой қолдиғи); танбур (чолғу асбоби) – тамбур (вагон қисми); куй (оҳанг) – кўй (ҳолат, жой, ташвиш-муаммо ёки дард); аён (маълум нарса) – аъён (мулозим); дарс – дарз; уруш – уриш; ўқиш – уқиш; машоқ (буғдой бошоғи) – машшоқ (созанда); қайд (таъкид) – қайт (қилмоқ, қусмоқ); ёндош (яқин бўл) – ёндаш (назар сол)...

ПАФОС (юнонча, эҳтирос, ҳиссиёт, изтироб сўзларидан) – адабий асарда бадиий ғоянинг эҳтирос билан, ғоят таъсирчан, ўқувчини ҳайрат ва ларзага соладиган даражада ифода этилиши. Пафос қаламга олинаётган ҳолат ёки воқеликни тасдиқлаши ёки инкор қилиши мумкин. Энг муҳими, бу

жараёнда муаллифнинг туйғу ва изҳори, воқеликка муносабати, яъни позицияси очиқ-ошкор намоён бўлади.

Пафос муаммоси тадқиқига бағишланган ишларда "унинг трагизм, драматизм, комизм, героизм (қаҳрамонлик) каби турлари мавжуд"лиги қайд этилади (Қаранг: Олимов М. Ҳозирги ўзбек адабиётида пафос муаммоси. Тошкент, 1994. 27-бет).

ПЕЙЗАЖ (французча, мамлакат, жой сўзларидан) – бадиий асарда гўзаллиги ёки фожиавийлиги билан тасвирланган, қаламга олинган воқеалар мантиғига ҳамоҳанг бўлган табиат манзараси. Пейзаж табиатнинг гўзаллигини ёки қаҳрамоннинг кўтаринки ёхуд тушкун кайфиятини намойиш қилиш воситаси ҳисобланади. Баъзан шеърлар тўлиғича табиат тасвирига бағишланиши мумкин. Масалан, Ойбекнинг "Наъматак" шеъридан лавҳа:

Нафис чайқалади бир туп наъматак
Юксакда, баҳорнинг беланчагида.
Қуёшга тутганча бир сават оқ гул
Виқор-ла ўшшайган қоя лабида
Нафис чайқалади бир туп наъматак.

ПЕРИПЕТИЯ (юнонча, кутилмаган бурилиш). Бу усул кўпроқ драматик асарларда қўлланади ва асар ечимининг майдонга чиқишига замин яратилади.

ПОРТРЕТ (французча, тасвир сўзидан) – бадиий асарда тасвирланган инсоннинг ташқи кўриниши, гўзаллиги ёки хунуклигини ифода этувчи чизгилар. Масалан, "Ўткан кунлар" романида адиб ухлаб ётган Кумуш тасвири орқали қизнинг гўзал портретини яратган: "... Сочлари ёстиқ узра сочилиб ётган, нафис бармоғи билан лабининг устидаги холини қашиб қўяди..." Абдулла Қодирийнинг "Меҳробдан чаён" романида узунсоч Раъно хонликдаги энг гўзал қиз сифатида

тасвирланади, "Бутун хонликда унга тенг келадиган қиз йўқ" дея таърифланади.

ПРОЗА (юнонча, тўғри, эркин нутқ сўзидан) – наср ёки насрий асар намунаси. Насрий асарлар дейиш ҳам, прозаик асарлар дейиш ҳам мумкин. Мазкур сўзнинг урғу асосида маъноси фарқланадиган шаклдоши – "прозаик" атамаси ёзувчи – носирга нисбатан ишлатилади. Бинобарин, Ойбек ижодига баҳо берган Ҳамид Олимжон уни "Прозада шоир-у, поэзияда прозаик" деб атаган эди.

ПРОТОТИП (грекча, образ асосидаги шахс сўзидан) – бадиий асар қаҳрамонини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилган тарихий ёки реал ҳаётий шахс тимсоли. Масалан, Ойбекнинг "Болалик" қиссасидаги Муса образининг яратилишида ёзувчи шахси, "Навоий" романидаги Алишер Навоий образини яратишда Навоий шахси, Асқад Мухторнинг "Бухоронинг жин кўчалари" қиссасидаги Файзулла образининг яратилишида Файзулла Хўжаев шахси прототип бўлиб хизмат қилган.

ПРОФЕССИОНАЛИЗМЛАР – чегараланган лексика кўриниши. Касб-ҳунарга оид сўзларга қаранг.

ПОЭЗИЯ (грекча, яратаман, ижод қиламан сўзидан) – шеърият ёки назм.

ПЬЕСА (грекча, бутун, улуш сўзидан) – бу атама саҳна асарларига нисбатан ишлатиладиган умумий номдир. Адабиётшуносликда пьеса атамасининг, айниқса, драма жанри намуналарига нисбатан кўп ишлатилганлигини кузатиш мумкин. "Бой ила хизматчи" драмаси деса ҳам бўлади, "Бой ила хизматчи" пьесаси деса ҳам бўлади.

ПУБЛИЦИСТИК УСЛУБ – оммавий ахборот воситалари услуби. Бу услубнинг муҳим хусусияти ахборот бериш ва таъсир этиш, соддалик, тушунарлилик, таъсирчанлик, адабий тил меъёрларига қатъий амал қилишдир.

Публицистик услубнинг ҳам оғзаки ва ёзма шакллари мавжуд. Радио-телевидение услуби публицистик услубнинг оғзаки шаклига, газета, журнал услуби эса ёзма шаклига хосдир. Публицистик услубда кўчма маъноли сўзлардан фойдаланиш мумкин (очерк, фельетон, этюд... кабиларда).

РАДД (арабча, кайтариш сўзидан). Мумтоз адабиётда шеър мисраларининг турли ўринларидаги сўз ёки бирикмаларни мисра ёки байтнинг бошқа бир жойида такрор келтиришга асосланган радд санъати кенг тарқалган. Адабиётшуносларимиз шеър байтини 6 бўлакка бўлиб, қайси бўлаклар қаерда такрорланишига қараб радд санъатининг турли кўринишларини келтириб чиқарганлар. Бу бўлаклар қуйидагилардир:

Садр / ҳашв / ғаруз/
Ибтидо / ҳашв / ғажуз (зарб)

Шунга кўра, биринчи мисранинг қай ўрни шу мисра ёки кейинги мисранинг қай ўрнида такрорланишига қараб радднинг қуйидаги кўринишларини келтириб чиқариш мумкин:

а) биринчи мисра бошидаги сўзни иккинчи мисра бошида такрорлаш, яъни *радд ус-садр ил-ал-ибтидо (ёки анафора):*

Хусни то ҳувайдо қилди ҳолиқ,
Хусн бирла вафо бўлмас мувофиқ. (Хоразмий)

б) биринчи мисра бошидаги сўзни шу мисра ўртасида такрорлаш, яъни *радд ус-садр ил-ал-ҳашв:*

Жафочи бу дунё, *жафо* қил анга. (Юсуф Хос Ҳожиб)

в) биринчи мисра бошидаги сўзни иккинчи мисра ўртасида такрорлаш, яъни *радд ус-садр ил-ал-ҳашв:*

Гуноҳ қилдимки, ҳажрингда тирилдим,
Вале мендин *гуноҳ*, сендин карамдур. (Атойи)

с) биринчи мисра охиридаги сўзни иккинчи мисра охирида такрорлаш, яъни *радд ул-аруз ил-ал-ажуз (ёки радиф):*

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў *келмади*,
Кўзларимға кеча тонг оттунча уйқу *келмади*.
(Алишер Навоий)

д) биринчи мисра ўртасидаги сўзни иккинчи мисра ўртасида такрорлаш, яъни *радд ул-ҳашв ил-ал-ҳашв:*

Ул санамким *сув* яқосинда паридек ўлтирур,
Ғояти нозуклигидин *сув* била ютса бўлур. (Атойи)

Раддининг бу каби ички кўринишлари жуда кўп. Шеършунослар улардан иккитасини алоҳида ажратиб, номлаб ўрганишни тавсия этадилар. Булар *тасдир ва тасбе* санъатларидир.

РАДДИ МАТЛАЪ (арабча, матлаъни такрорлаш ёки қайтариш).

Маълумки, ғазалнинг биринчи икки мисраси, яъни биринчи байти матлаъ дейилади. Матлаънинг иккинчи номи мабдаъ (ибтидо, бошланиш)дир.

Ғазалнинг биринчи мисраси ёки байтини ғазал охирида яна бир марта такрорлаш санъати эса радди матлаъ дейилади.

Масалан, Бобурнинг "Ким кўрибдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиқ" деб бошланувчи ғазали шу мисрани яна бир марта такрорлаш асосида тугалланади.

Огаҳийнинг "Бўлмаса бўлмасун, нетай" радифли ғазали "Ашкима гар канора йўқ, бўлмаса бўлмасун нетай" мисраси билан бошланади ва шу мисрани яна бир марта қайтариш билан якунланади.

РАДИФ (арабча, отнинг орқасига мингашмоқ, сафдош, ҳамсафар). Адабиётшуносликда радифга адабий ҳодиса (қофия унсури) ва бадиий санъат сифатида бирдек муносабатда бўлинади.

Қофиядан кейин такрорланиб келадиган сўз, сўз бирикмаси ёки гап радиф дейилади. Юқорида радифнинг қадимги шеършуносликда радд ул-аруз ил-ал-ажуз тарзида ҳам ифода этилганлигини кузатган эдик.

а) сўз такрорига асосланган радиф:

Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси *қолдиму,*
Хаста кўнглим чекмаган дарду балоси *қолдиму.* (Бобур)

б) бирикма такрорига асосланган радиф:

Ғурбатда ғариб шодмон *бўлмас эмиш,*
Эл анга шафиқу меҳрибон *бўлмас эмиш.*
(Алишер Навоий)

с) гап такрорига асосланган радиф:

Сенсан севарим, *хоҳ инон, хоҳ инонма,*
Қондур жигарим, *хоҳ инон, хоҳ инонма.* (Лутфий)

РАСМИЙ-ИДОРАВИЙ УСЛУБ – адабий тилнинг ёзма расмий шаклига хос бўлиб, муайян нутқий қолип, қатъий одат тусига кириб қолган шаклларга эга бўлган нутқ услубидир.

Бу услуб давлат арбоблари ўртасидаги дипломатик муносабатларда, идора, корхона, муассасаларнинг расмий иш юритиш жараёнларида, шахсларнинг ариза, тилхат, ишонч қоғози сингари иш юритиш қоғозларида қўлланилади. Расмий-идоравий услубда кўчма маъноли сўзлардан умуман фойдаланилмайди.

РЕАЛИЗМ (лотинча, нарсага оид, ҳақиқий сўзидан) – тасвирда ҳаққоний ҳаёт манзараларини, реал воқелик муаммоларини акс эттиришнинг етакчи ўринга чиқиши. Ўзбек адабиётида Алишер Навоий, Бобур, Турди Фароғий ижодида айрим хусусиятлари кўзга ташланган реализм методи кейинчалик – XIX аср иккинчи ярмида маърифатчилик адабиёти намояндалари ижоди таъсирида сўз санъатимиздаги ҳукмронлигини бошлади. XX аср аввалидан бошлаб реализмга адабиётимизнинг бош хусусияти сифатида қараладиган бўлди. Абдулла Қодирийнинг "Обид кетмон", Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз", Садриддин Айнийнинг "Қуллар", Ойбекнинг "Қутлуғ қон" романларида кўринган соф реалистик тасвир усули ҳозирги кунда ҳам қаламкашларимиз ижодининг етакчи хусусиятидир.

РЕМАРКА (французча, изоҳ сўзидан) – драматик асардаги муаллиф изоҳи. Ремаркада асарда иштирок этувчи шахсларнинг ёши, ташқи кўриниши, характери, хатти-ҳаракати, кийиниши, кечинмаси, сўзидаги оҳанг кабилар ўз ифодасини топади. Шунингдек, ремарка воқеалар кечадиган муҳит-шароит, пайтга ҳам ишора қилади. Ремаркага бутун асар давомида мурожаат қилиш мумкин.

Ремарка драматик асар моҳиятини англаш, уни саҳналаштириш жараёнида актёрларни саҳна кайфиятига олиб кириш ва саҳна безакларини тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

РЕПЛИКА (французча, эътироз билдираман, жавоб бераман сўзидан) – асарда иштирок этувчи қаҳрамонларнинг

бошқа қаҳрамонларга жавоби, луқма ташлаши. Реплика диалогга замин яратади, яъни суҳбат-мулоқотнинг давомийлигини, мунозаралилигини таъминлайди. Асарда репликаларга алоҳида ўрин ажратилишидан ташқари, уларни қаҳрамон нутқининг охирига жойлаштириш маъқул кўрилади ва бу билан мунозаранинг давомийлигини таъминлаш ҳамда кейинги қаҳрамоннинг жавобига замин ҳозирлаш кўзда тутилади.

РИВОЯТ (арабча; ҳикоя, ривоя) – тарихий ва ҳаётий ҳақиқатни акс эттириши билан афсоналардан фарқланади. Достонлар бахшилар томонидан, эртак, латифа, афсона, ва асотирлар исталган одам томонидан ижро этилса, ривоятлар ровийлар томонидан айтилган. Ривоятларнинг уч кўриниши бор:

1. Тарихий шахсларга оид ривоятлар: Ибн Сино, Амир Темур, Навоий, Бобур, Машраб каби тарихий шахслар ҳақидаги ривоятлар.

2. Топонимик ёки жой номларининг келиб чиқиши билан боғлиқ ривоятлар: Самарқанд, Хива, Бухоро...

3. Диний ривоятлар: машҳур авлиёлар, шайх ва пайғамбарлар ҳаётида оид оғзаки ҳикоялар.

РИСОЛА – мумтоз ва замонавий адабиётимизда олим ва ижодкорнинг ўз илмий қарашларини баён қилиш асосида яратилган ихчам ҳажмли асарлари мажмуи мавжуд бўлиб, улар рисола номи билан юритилади. Рисола илмий жанрдир. Шунинг учун бу жанрни турт адабий турнинг бирортасига мансуб демаймиз. Рисолалар турли мавзуларда яратилиши мумкин. Адабиётимиз тарихида Навоийнинг адабиётшуносликка оид "Муфрадот" ёки "Рисолаи муаммо" ва "Мезон ул-авзон" рисолалари; Бобурнинг аруз вазни ҳақидаги "Рисолаи аруз" ёки "Мухтасар" рисоласи; Ҳусайн Бойқаронинг 15-аср Ҳирот адабий ҳаёти ҳақида баҳс юритувчи "Рисола" асари; Мунисннг суғориш ишлари ҳақидаги "Арналар"

рисоласи; Фитратнинг адабиёт назариясига оид "Адабиёт қоидалари" ва "Аруз ҳақида" рисолалари, диний-ахлоқий мавзудаги "Мухтасар ислом тарихи"ва "Оила" рисолалари, тарихий мавзудаги "Амир Олимхон тарихи" рисоласи машҳурдир. Ҳозирги кунда ҳам фаннинг турли тармоқларига оид юзлаб рисолалар яратилмоқда.

РИТМ – шеърий нутқдаги муайян бўлакларнинг бир хил вақт ичида бир хил ўлчовда такрорланиши. Жумладан, бармоқ вазнида бўғинлар туроқларга, туроқлар эса мисраларга бирлашиб, маълум ўлчовни юзага келтиради ва шу тариқа шеър вазни реаллашади.

РОМАН (французча, роман гуруҳига мансуб тилларда битилган насрий асар) – инсон ҳаётини бутун мураккаблиги билан акс эттирадиган, катта бир даврни қамраб оладиган, воқеалари серқатлам бўлган, шунга яраша қаҳрамонлари ҳам жуда кўп бўлган йирик ҳажмли насрий асар. Ўзбек адабиётида яратилган илк романлар сифатида Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" ва "Меҳробдан чаён" асарлари қайд этилади. Аммо Қодирийдан олдин ҳам роман яратишга уринишлар бўлган. Мирмуҳсин Шермуҳаммедовнинг "Бафарзанд Очилдибой", Ҳамзанинг "Турмуш аччиғи", "Янги саодат" асарлари роман яратиш йўлидаги илк уринишлар дея баҳоланган. Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз"; Ойбекнинг "Қутлуғ қон", "Навоий", "Улуғ йўл", "Қуёш қораймас", "Олтин водийдан шабадалар"; Абдулла Қаҳҳорнинг "Сароб", "Қўшчинор чироқлари"; Шуҳратнинг "Шинелли йиллар", "Олтин зангламас"; Асқад Мухторнинг "Опа-сингиллар", "Чинор"; Саид Аҳмаднинг "Уфқ", "Жимжитлик"; Одил Ёқубовнинг "Диёнат", "Улуғбек хазинаси, "Кўҳна дунё", "Оқ қушлар, оппоқ қушлар", "Адолат манзили"; Пиримқул Қодировнинг "Юлдузли тунлар", "Авлодлар довони", "Она лочин видоси"; Ўткир Ҳошимовнинг "Икки эшик ораси", "Нур борки, соя бор", "Тушда кечган умрлар" асарлари ҳажми ва

воқеалар миқёсига кўра роман жанрига мансубдир. Худойберди Тўхтабоевнинг "Сариқ девни миниб", "Сариқ девнинг ўлими", "Мунгли кўзлар", "Беш болали йигитча", Тоҳир Маликнинг "Талваса" асарларини эса ўсмирлар романчилигини ривожлантириш йўлидаги уринишлар сифатида қайд этиш мумкин.

Романлар мавзуига кўра тарихий, ижтимоий-маиший, сиёсий, детектив, саргузашт, фантастик, рамзий роман... каби ички кўринишларга бўлинади.

Ўзбек романи такомилига оид муҳим қарашлар акс этган тадқиқотлар сифатида С.Мирвалиев, А.Каттабеков, А.Раҳимов, Й.Солижонов, Д.Куронов, Ғ.Муродов, З.Пардаева, Ш.Дониёрова, И.Ёқубов ва бошқа олимларнинг мақола ҳамда китобларини алоҳида қайд этиш мумкин.

РОМАНТИЗМ – ҳис-туйғу, воқелик, манзара ва лавҳаларнинг, қаҳрамонлар хатти-ҳаракати ва саргузаштларининг мавжуд ҳаёт мезонлари ва қарашларига у қадар мос келмаслиги асосида, кўпроқ орзулар, идеаллар воситасида акс эттирилишига асосланган бадиий ижод методи. Романтизм асрлар давомида мумтоз адабиётимизнинг етакчи усули сифатида яшаб келди. Ҳатто XX аср аввалида ҳам бу усулга мурожаат анча фаол эди. Жумладан, Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" ва "Меҳробдан чаён" романларида реализм билан бирга романтизм ҳам муайян мавқега эга.

РОМАН ТУРЛАРИ – роман намуналарининг неча китобдан иборатлигига кўра қуйидаги кўринишлари мавжуд:

а) роман-дилогия – икки китобдан иборат роман. Ойбекнинг "Қутлуғ қон" ва "Улуғ йўл" романлари бир-бирининг давоми сифатида яратилган ва роман-дилогия намунасидир. Ўзбек адабиётидаги илк роман-дилогия Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" асаридир;

б) роман-трилогия – уч китобдан иборат роман. Саид Аҳмаднинг "Уфқ" трилогияси "Қирқ беш кун", "Ҳижрон кунларида", "Уфқ бўсағасида" деб номланган уч романни ўз ичига олган;

в) роман-тетралогия – тўрт китобдан иборат роман. Тоҳир Маликнинг "Шайтанат" асари мутахассислар томонидан адабиётимиздаги роман-тетралогия намунаси сифатида қайд этилмоқда;

г) роман-пенталогия – мавзуий ва ғоявий йўналишига кўра умумийлик касб этган беш китобдан иборат роман.

РУБОИЙ (арабча, тўртлик сўзидан). Ахлоқий-фалсафий, ишқий мавзуларда яратиладиган тўрт мисрадан иборат яхлит, тугалланган шеър. Рубоийнинг қофияланиш тартиби икки хил бўлади. Шунга кўра, рубоийнинг қуйидаги икки кўриниши ажратилади:

а) хос рубоий: рубоийнинг бу кўринишида 1-2-4-мисралар қофияланиб, 3-мисра очиқ қолади: *а-а-б-а:*

Жондин сени севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Ҳар неники севмак ондин ортиқ бўлмас,
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
(Алишер Навоий)

б) таронайи рубоий: рубоийнинг бу кўринишида ҳар тўртала мисра қофияланган бўлади: *а-а-а-а:*

Ҳижрон аро ёд этиб, мени шод эттинг,
Маҳжур кўнгулни ғамдин озод эттинг.
Не лутф эди, дей, ҳури паризод эттинг,
Гўёки бузуқ Каъбани обод эттинг! (Бобур)

Исталган тўрт мисра шеър рубоий бўлавермайди, чунки рубоийнинг ҳам қатъий яратилиш вазн тармоғи бор. Рубоий доимо ҳазаж баҳрининг ахраб ва ахрам тармоқларида яратилади.

Форсий ва туркий адабиётда ҳамнафас ва ҳамоҳанг ривож топган бу жанр бугунги кун шеъриятида ҳам фикр ва туйғулар ифодасининг энг қулай шаклларидан бири сифатида алоҳида мавқега эгаки, унинг жанрий имкониятларини, бадиий малоҳатини ўрганиш мумтоз шеършунослик учун қанчалик аҳамиятли бўлган эса, замонавий адабиётшунослик учун ҳам шунчалик муҳимдир.

Адабиётшуносликка оид атамалар изоҳланган қатор луғатлар, адабиётшунослик асослари, адабиёт назариясига фанларига оид дарслик ва қўлланмаларда, ўрта мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун мўлжалланган адабиёт дарсликларида рубоий жанрининг табиати, шаклий унсурлари, кўринишлари, вазн тармоғи ва мавзу йўналиши хусусида анча-мунча маълумотлар келтирилган. Бу жиҳатдан, Н.Ҳотамов ва Б.Саримсоқовларнинг "Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати" (269-270-бетлар); Иззат Султоннинг "Адабиёт назарияси" (256-бет); А.Зуннунов ва Н.Ҳотамовларнинг "Адабиёт назариясидан қўлланма (136-137-бетлар); А.Ҳожиаҳмедовнинг "Мумтоз бадиият малоҳати" (208-209-бетлар); Б.Қосимов ва Нусратулло Жумахўжалар томонидан тартиб берилган "Ўзбек адабиёти" (10-синф учун дарслик. Тошкент: "Ўқитувчи", 2003. 97-101; 174-176-бетлар) сингари луғат, дарслик ва қўлланмалари алоҳида аҳамиятга эга.

Уларнинг айримларида бу жанрнинг форсий ва туркий адабиётдаги тараққиёти, бу жараёндаги ўзаро таъсир ва муштаракликлар масаласи, замонавий адабиётда рубоий ва унинг янгича кўриниши бўлган тўртлик шаклларининг такомили каби масалалар тадқиқига ҳам алоҳида диққат қаратилган. Бундай адабиётлар сафида О.Носиров, С.Жамолов,

М.Зиёвуддиновларнинг "Ўзбек классик шеърияти жанрлари" (154-166-бетлар) китобини; Н.Ҳотамов ва Б.Саримсоқовларнинг юқорида қайд этилган луғатини, И.Ҳаққуловнинг "Ўзбек адабиётида рубоий" (Тошкент: "Фан", 1981) рисоласини алоҳида қайд этиб ўтиш мумкин. Муҳтарам муаллимларимизга рубоий ҳақида баҳс юритувчи энг сўнгги қарашлар ўз ифодасини топган манбалар сифатида адабиётшунос олим Эргаш Очиловнинг "Муборак сарчашмалар" (Тошкент, 1997) рисоласини ҳамда республика филологларининг илмий минбари – "Ўзбек тили ва адабиёти" журналида эълон қилинган "Шарқ адабиётида рубоий ва уни ўрганиш муаммолари" (ЎТА, 2005 йил 4-сон, 20-32-бетлар), "Тасаввуф адабиётида рубоий" (ЎТА, 2006 йил 2-сон, 14-23-бетлар), "Шайх-шоирлар ижодида рубоий" (ЎТА, 2007 йил 5-сон, 12-19-бетлар), "Бобур ва Убайдий рубоийларининг қиёсий таҳлили" (ЎТА, 2008 йил 1-сон, 42-51-бетлар) маколаларини тавсия этган бўлар эдик.

РУЖЎЪ (арабча, қайтиш сўзидан). Бу санъат талабига кўра шоир байтнинг дастлабки мисрасида бир фикрни ўртага қўяди. Кейинги мисрада эса аввалги фикридан қайтиб, ундан ҳам кучлироқ бошқа бир фикрни маълум қилади. Шу тариқа биринчи фикрини рад этиб, янги бир фикрини маъқуллатишга интилиш ружўъ санъатини вужудга келтиради. Ружўъ санъати ташбеҳ қўлланган байтда кўп кузатилади:

Сафою тоб аро андоғки хуршид,
Дема хуршид, балки Жоми Жамшид.
("Фарҳод ва Ширин")

Кишига ўхшамас, гўё паридур,
Пари йўқ, офтоби ҳоваридур. ("Фарҳод ва Ширин")

Кирди икки жисм бир кафанға,
Йўқ, йўқ, икки руҳ бир баданға. (*"Лайли ва Мажмун"*)

САВОЛУ ЖАВОБ – номланишидан кўриниб турганидек, бу санъат савол-жавобга асосланади. Шеърда қаҳрамонлар ўртасидаги савол-жавобни акс эттириш саволу жавоб санъатини келтириб чиқаради. Бу санъат қўлланган шеърларда ҳам *"деди"*, *"дедиким"*, *"айтди"*, *"айтдиким"* каби сўзлар кенг ишлатилади.

Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонидаги Фарҳод ва Хисрав ўртасидаги суҳбат – диалог саволу жавобнинг ёрқин намунасидир:

Деди: "Қайдин сен, эй мажнуни гумраҳ",
Деди: "Мажнун ватандин қайда огаҳ".

Замонавий адабиётда болаларга атаб ёзилган шеърларнинг аксарияти савол-жавоб асосига қурилганки, бу усул уларда болалар диққатини жалб қилувчи муҳим воситага айланган. Жумладан, таниқли ўзбек адиби Ғафур Ғуломнинг "Ўйлашни ўрганамиз" шеъридан олинган мана бу мисралар саволу жавобнинг гўзал намунасидир:

Мухторжон олти ёшли
Синглисидан сўради:
– Мунисхон,
Ростингни айт,
Ўйлашни биласанми?

Мунисхон акасига
Ажабланиб қаради:
– Ака-а, ўзинг айта қол,
Ўйлаш деган нимади?...

САЖЪ (арабча, қушлар овозининг уйғунлашиб келиши сўзидан) – қофияли ёки вазнли наср. Одатда, шеърият ҳақида гап кетганида вазн ва қофияни эслаймиз. Аммо адабиётимизда насрий асарни ҳам қофияли қилиб яратиш анъанаси мавжуд.

Насрий асардаги қофия сажъ дейилади. Жумладан, ҳалқ эртаклари ва достонларида сажъдан унумли фойдаланилганлигини кўриш мумкин:

"Қадим ўтган замонда, каттакон бир ўрмонда бўри баковул экан, тулки ясовул экан, қарға қақимчи экан, чумчуқ чақимчи экан..."

Ёзма адабиётда ҳам насрий асарни қофияли қилиб яратиш анъанаси бор. Жумладан, Алишер Навоийнинг умри охирида ёзган "Маҳбуб ул-қулуб" асари бошдан охир сажъ асосида яратилган:

"...Агар шогирд шайх ул-ислом, агар қозидур, агар устоз андин розидур, Тенгри розидур".

Таниқли адабиётшунос олим Б.Саримсоқовнинг "Ўзбек адабиётида сажъ" китобида оғзаки ва ёзма адабиётимизда мазкур санъатдан фойдаланиш анъанаси ҳақидаги кузатишлар умумлаштирилган.

САЙЁР СЮЖЕТ – асардан асарга кўчиб юрадиган лавҳалар, воқеалар тизмаси. Жумладан, Ширин ва Хусрав саргузаштларига оид лавҳаларнинг дастлаб халқ орасида тарқалганлиги, кейинчалик Доро томонидан Ширин гўзаллиги ҳақидаги мадҳнинг Бесутун тоғига нақш қилиниши, Балъамий, Табарий каби тарихчилар асарларида, Ганжавий, Деҳлавий, Жомий, Навоий каби хамсанавислар достонларида бу воқеа илмий ва бадиий ифода топганлиги мазкур воқеалар тизмасининг сайёр сюжет характерига эга эканлигидан далолатдир. Фирдавсийнинг "Шоҳнома" манзумасида, Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий хамсаларидаги достонларда сайёр сюжетларга мурожаат этиб яратилган лавҳалар талайгина. Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Баҳром ва Дилором, Искандар ҳақидаги достонлар эса сайёр сюжетдан фойдаланиб асар яратишнинг энг ёрқин намуналаридир.

САРГУЗАШТ АДАБИЁТ – қаҳрамоннинг гоҳ табиий, гоҳ ғайритабиий турли-туман тўсиқларга дуч келиши ва бу тўсиқларни зукколик, ғайрату жасорат билан енгиб ўтишини тасвирлашга асосланган асарлар мажмуи. Жюль Верн, Жонатан Свифт, Майн Рид, Фенимор Купер, Даниэл Дефо... каби жаҳон, Х.Тўхтабоев, Ҳ.Шайхов, Тоҳир Малик, Анвар Обиджон сингари ўзбек адабиёти намояндаларининг қатор асарлари бунга мисолдир.

САТИРА (грекча, турли, аралаш сўзидан) – ҳажв. Ижтимоий ҳаётдаги камчилик ва нуқсонларни, айрим шахс ва ижтимоий гуруҳларга хос иллатларни аччиқ кулги воситасида фош этишга мўлжалланган танқидий руҳдаги асар.

Сатирик асарлар яратиш анъанаси узоқ тарихга эга. Шарқ ва Ғарб адабиётининг қадим манбалари назардан ўтказилганда бунга яққол гувоҳ бўлиш мумкин. Жумладан, қадимги юнон, итальян ва инглиз, шунингдек, рус адабиётида типик сатирик характерлар кўплаб учрайди. Туркий адабиётда эса мазкур анъана таъсири Алишер Навоий, Турди Фароғий, Бобораҳим Машраб, Муҳаммадшариф Гулханий, Махмур, Муқимий, Завқий, Аваз Ўтар ижодида яққол кўзга ташланади.

Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Неъмат Аминов каби ижодкорларнинг қатор ҳикоя, қисса ва романлари замонавий ўзбек насрида сатирик асарлар яратиш анъанасининг янги шакл ва мазмунда давом этишига замин яратди. Сатирик адабиётимиз Қори Ишкамба ("Судхўрнинг ўлими"), Боқижон Бақоев ("Адабиёт муаллими"), Баширжон Зайнишев ("Ёлғончи фаришталар") сингари типик характерлар ҳисобига бойиди.

СЕҲРЛИ-ФАНТАСТИК ЭРТАКЛАР – мазмуни бошдан-охир сеҳр-жодуга асосланган, сеҳрли буюм ва образлар иштироки асосий ўрин тутадиган, воқеалари хаёлот оламида кечадиган халқ эртаклари. Бундай эртакларнинг пайдо бўлишига табиат ҳодисаларини илоҳийлаштириш билан

боғлиқ анимистик эътиқод асос бўлган. "Тилла қокилли бола", "Кулса – гул, йиғласа – дур", "Ур тўқмоқ", "Оловуддиннинг сеҳрли чироғи" эртаклари бунга мисолдир.

СИМВОЛИЗМ (символ атамаси грекча, шартли белги сўзидан олинган) – модернизм туфайли алоҳида мавқе берилган адабий оқимлардан бири. Бунда воқелик, қаҳрамон хатти-ҳаракати ва ҳолатини, воқеалар тасвиридан келиб чиқадиган хулосаларни рамзий тафаккур асосида уқишга даъват етакчи мақсаддир. Шу тариқа инсон ва муҳит муносабатларини рамзий йўсинда тақдим этиш символистлар гуруҳининг шаклланишига замин яратган. Символизмнинг ёрқин намуналари сифатида Франц Кафка роман ва ҳикояларини қайд этиш мумкин. Жумладан, "Жазо колониясида" ҳикояси орқали муаллифнинг ўзи яшаб турган жамият иллатларини рамзлар воситасида шафқатсиз фош этганлиги яққол кўзга ташланади. Рамзий тасвир усули Чўлпон, Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим сингари шоирлар, Омон Мухтор, Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқул каби носирлар ижодида ҳам ўзига хос муваффақиятларга замин яратганлигига гувоҳмиз.

СИНЕКДОХА (юнонча, биргаликда ўйламоқ, биргаликда фаҳмламоқ) – нутқда бутунни бўлак ёрдамида ва аксинча, бўлакни бутун ёрдамида англатишга асосланган маъно кўчиш усули. Шунга кўра, синекдоханинг икки ички кўриниши ажратилади: а) қисм (бўлак) ёрдамида бутунни ифодалаш: Битта *туёқ* билан оила боқаман (қўй, эчки, сигир); *Тирноққа* зор ўтди (фарзандга); б) бутун ёрдамида қисм (бўлак)ни ифодалаш: *Овқат*ни енг (ош, манти, чучварадан бирортасини); Қуш *олчага* қўнди (унинг шохига, ахир қуш бутун бошли дарахтга қўнмайди); Беш *қўл* баробар эмас (бармоқлар); Беш қўлини оғзига тиқди (бармоқларини); Худовандо! Бу на кўргулик? Энди нетаман? Тўққиз *оғизни* қандай боқаман? (фарзанд назарда тутилган); Дунёда ташвишларни кўп чекди

бошим (жисм назарда тутилган); Дунёда ўзимиздан кейин қолдирадиган *туёғимиз*... фақат шул Отабекдир (фарзанд назарда тутилмоқда); Майнинг тўққизида *гилос* ҳам пишди, Уни *экқан эдик* ўтган наврўзи. (Ғафур Ғулом)

СИНОНИМ (грекча, бир номли сўзидан) – маънодош сўзлар. Тилнинг имкониятлари айни шу ҳодисада намоён бўлади. Шу боис Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн"да туркий ва форсий тил имкониятларини солиштирар экан, туркий тилдаги маънодош сўзлар захирасига диққат қаратади.

Ўзбек тилшунослигида синонимлар масаласи анча кенг тадқиқ этилган. Бу йўналишдаги жиддий тадқиқотлардан бири сифатида таниқли тилшунос олим А.Ҳожиев томонидан яратилган "Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати" (Тошкент: "Фан", 1974)ни алоҳида эътироф этиш жоиз. Шунингдек, олимларимиз алоҳида ижодкор асарларида қўлланган синонимларни ўрганиш борасида ҳам жиддий изланишлар олиб бормоқдалар. Жумладан, улуғ сўз санъаткори Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари тадқиқотчиларимиз эътиборини тортишда давом этиб келаётир. Х.Назарованинг "Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари учун қисқача луғат" (Тошкент: "Фан", 1972), М.Олимовнинг "Бобурнома"да қўлланган синонимлар луғати" (Тошкент: "Фан", 2004) асарлари ана шу йўналишдаги теран кузатишлар маҳсулидир.

СИФАТЛАШ ЁКИ ЭПИТЕТ – бадиий адабиётда фаол қўлланиладиган кўчим турларидан бири.

Тил фанида сифатловчи-аниқловчи деб юритиладиган аниқловчи тури бор. Аниқловчининг бу кўриниши гапда от туркумига мансуб сўз олдидан қандай?, қанақа? сўроқларига жавоб бўладиган сифат туркумига оид сўзни келтириш асосида ҳосил қилинади: *Кўм-кўк* осмон ойнадай тиниқ.

Мана шундай аниқловчининг шеърдаги ифодаси сифатлаш деб юритиладиган бадиий санъатни вужудга келтиради.

Анафора ва талмеҳга мисол сифатида келтирилган қуйидаги парчада сифатлаш ҳам мавжуд:

Бир ёнда *ложувард* Баҳри Муҳит бор.
Бир ёнда *заъфарон* Саҳрои Кабир.

Яна мисоллар:

Сувсиз чўлда *мард* Ҳасан,
Якка кетиб боради. ("Равшан" достонидан)

Кумуш қишдан, *зумрад* баҳордан
Қолишмайди кузнинг зийнати. (Уйғун)

СОНЕТ (итальянча, жаранглamoқ сўзидан) – ўн тўрт мисрадан иборат шеър шакли. Сонетнинг мустақил жанр сифатида шаклланишида итальян адабиётининг, хусусан, Данте ва Петрарка ижодининг катта таъсири бор. Инглиз адабиётида В.Шекспир, рус адабиётида А.Пушкин, ўзбек шеъриятида Усмон Носир, Жамол Камол, Б.Бойқобиловларнинг сонетлари китобхонлар томонидан севиб ўқилади. Усмон Носирнинг "Яна шеъримга" номи билан машҳур бўлган манзумаси ҳам сонет шаклида яратилган гўзал асарлардан биридир:

Шеърим! Яна ўзинг яхшисан,
Боққа кирсанг, гуллар шарманда.
Бир мен эмас, ҳаёт шахсисан,
Жоним каби яшайсан манда.
Юрагимнинг дарди – нақшисан,
Қилолмайман сени ҳеч канда!
Ўт бўлурми ишқи йўқ танда?
Дардимсанки, шеърим, яхшисан.

Сен орада кўприк бўлдинг-да,
Гейне билан ўртоқ тутиндим,
Лермонтовдан кўмак ўтиндим.

Бутун умрим сенинг бўйингда.
Саҳарда қон тупурсам, майли,
Мен – Мажнунман, шеърим, сен – Лайли!

СЮЖЕТ (французча, нарса, мавзу, мазмун сўзидан) – бадиий асарда тасвирланган воқеалар тизими.

Маълумки, адабиёт ҳаётни акс эттиради, ҳаёт эса воқеалар билан тирикдир. Бадиий асарга кўчган ҳаёт воқеалари шу асарнинг сюжетини ташкил этади. Масалан, Абдулла Қаҳҳорнинг "Ўғри" ҳикоясида тасвирланган ҳўкиз ўғирланиши ва уни излаш билан боғлиқ бир неча ойлик саргардонлик ҳикоянинг сюжетидир. Сюжетнинг қуйидаги таркибий қисмлари мавжуд:

а) асосий элементлар – экспозиция, тугун, воқеалар ривожи, кульминация, ечим.

б) қўшимча элементлар – пролог ва эпилог.

Экспозиция – сюжетнинг кириш, бошланиш қисми. Унда асар воқеалари ҳақидаги илк тасвир бошланади. Муқаддимадан фарқли равишда экспозицияда асар воқеалари бошланган, китобхон воқеалар ичига кирган ҳисобланади:

"Қобил бобо яланг оёқ, яктайчан югуриб оғилхонага кирди..." ("Ўғри")

Тугун – сюжет чизиғида бирор зиддият, муаммонинг пайдо бўлиши:

"Ҳўкиз йўқ, оғилхона девори тешилган..."

Кичик ҳажмли асарларда тугун битта бўлиши мумкин. Лекин йирик ҳажмли қисса ва романларда тугунлар силсилавийлиги кузатилади.

Воқеалар ривожи – воқеаларнинг асар тугунидан сўнг ривожланиб, кескинлашиб бориши:

Қобил бобо элликбошига, мингбошига, амин, тўра, приставга ялиниб, ҳўкизни топиш учун беҳуда уринади...

Кульминация – асар воқеаларининг энг юқори чўққига чиқиши:

Пристав Қобил бобога "Йиғланмасин, нега йиғланади? Йўқолмасдан бурун бормиди?" – дея таъна қилади...

Ечим – асарда қўйилган муаммонинг ечилиши, конфликт (зиддият)нинг якун топиши. Бу ечим қаҳрамоннинг фойдасига ҳам, зарарига ҳам хизмат қилиши мумкин:

Қобил бобо Эгамберди пахтафурушдан – олинган ҳосилнинг тўртдан уч қисмини бериш шарти билан – ижарага ҳўкиз олади...

Муқаддима ёки пролог – бадиий асарнинг кириш қисми, бошланмаси. Унда асарда тасвирланадиган воқеалар ва қаҳрамонлар ҳақида ихчам маълумотлар берилади, улар саргузаштига ишоралар қилинади. Барча асарларда муқаддима бўлиши шарт эмас. Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романи муқаддимаси "Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрли дейдилар..." сўзлари билан бошланади.

Хотима ёки эпилог – асарнинг якуний қисми, энг сўнгги парчаси. Унда асарда тасвирланган воқеа ва қаҳрамонлар ҳақидаги энг сўнгги қўшимча маълумотлар, мулоҳазалар баён этилади. Хотима ҳам барча асарларда бўлиши шарт эмас. "Ўткан кунлар" романи хотимасида Кумуш ўлимидан сўнг Отабекнинг жангга кетиши ва Авлиёотадаги жангда ҳалок бўлиши, Ёдгорнинг кейинги ҳаёти ва тақдири ҳақида маълумот берилган.

СЎЗНИНГ КЎЧМА МАЪНОСИ – сўзнинг нутқ жараёнида воқеланадиган маъноси, ўхшатиш, муболаға, киноя усуллари билан бошқа маъноларда қўлланиши. Кўчма маъно, одатда,

матнда, сўз бирикмаси, ибора ёки гап таркибида аёнлашади: *олтин қўл, кумуш қиш, метин ирода.*

Амалдаги она тили мактаб дарсликларида кўчма маънога "сўзнинг нуткда бошқа сўзларга боғланиб ҳосил қиладиган ёндош маъноси" дея таъриф берилади: одамнинг қулоғи – ўз маъносида; қозоннинг қулоғи – кўчма маънода.

СЎЗ МАГИЯСИГА АСОСЛАНГАН ҚУШИҚЛАР сирасида кинна, бадик, афсун кабиларни қайд этиш мумкин.

СЎЗЛАШУВ УСЛУБИ – жонли халқ тили услуби. Кишилар оилада, кўча-кўйда, маҳалла-йиғинда фикр алмашиниш жараёнида айни шу услуб имкониятларидан фойдаланадилар.

Сўзлашув услуби диалог шаклида рўёбга чиқади. Унда сўзлар кўпинча киноя, пичинг, қочиримларга бой бўлади. Бу услубнинг яна бир ўзига хос хусусияти эркинлигидир. Сўзлашув услуби кўчма маъноли сўз ва иборалар кенг қўлланиши, халқона луғат бойлигини бутун жозибаси билан намоён этиши жиҳатидан алоҳида ажралиб туради.

ТАБИАТ ТАСВИРИ – пейзажга қаранг.

ТАБУ – диний эътиқод ёки ахлоқ меъёрларига мос келмаслиги туфайли айтилиши ман этилган ёхуд айнан айтилмайдиган сўзлар: чечак, қизамиқ – *гул*, қорақурт – *бий*, кал – *сийқабош*.

ТАВЗЕЪ (арабча, тарқатмоқ, тақсим қилмоқ) – такрорнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, шеър мисраларида бир хил товушларни такрорлашдан ҳосил бўлади. Тавзеънинг яна бир номи *аллитерация*дир. Бадиий адабиётда бу ҳолат кўпроқ ундош товушлар такрори мисолида намоён бўлади:

Баҳолик динор ул биликлик киши,
Бу жоҳил биликсиз – баҳосиз биши. (Аҳмад Югнакий)

Мазмуни: Билимли киши қимматбаҳо динордир, Билимсиз киши қийматини йўқотган чақадир.

Сочилган сочингдай сочилса сиринг. (Чўлпон)

Сим-сим ёмғир, сирли соз мисол,
Пичирлайди она-табиат. (Миртемир)

Тавзеъ тез айтиш жанри намуналарининг вужудга келиши учун асос бўлиб хизмат қилади:

Қишда кишмиш пишмасмиш,
Пишса кишмиш, қишмасмиш.

ТАЖНИС (арабча, ҳамжинс, жинсдош, шаклдош) – шеър мисраларида шакли бир хил, аммо маъноси хар хил (омоним), шунингдек, шакли ва талаффузи бир-бирига монанд, аммо маъноси турлича (пароним) бўлган сўзларни қўллаш асосида вужудга келадиган санъат. Яна бир номи – *жинос*.

Агар десам сени Рустам, *ёрарсен*, (ярайсан)
Қиличинг бирла сафларни *ёрарсен*. (ёрасан)
(Хоразмий)

Ё раб ул шаҳду шакар *ё лабмидур*, → лаб маъносида
Ё магар шаҳду шакар *ёлабмидур*. → яламоқ маъносида
Жонима пайваста новак отқали
Ғамза ўқин қошиға *ёлабмидур*. → жойлаштирмоқ
(Навоий)

Шакли бир хил, маъноси турлича бўлган сўзларни қофия сифатида қўллаш *тажнисли қофияни* вужудга келтиради:

Яхшиликлар тилайди,
Яхши кўрар *аясин*.
Ҳанифадек ҳамма ҳам
Аясини *аясин*. (Пўлат Мўмин)

ТАЖОҲУЛИ ОРИФОНА (арабча, билиб билмасликка олиш). Бу санъат талабига кўра шоир шеърда китобхонга савол билан мурожаат қилади. Аммо саволига жавоб талаб қилмайди. Унинг савол беришдан мақсади ниманидир аниқлаб олиш эмас, балки ўзи айтмоқчи бўлган фикрни яна бир марта таъкидлашдан иборатдир. Бундай жавоб талаб қилмайдиган сўроқ гаплар тил илмида риторик сўроқ гаплар дейилади. Риторик сўроқ гапларнинг шеърда ишлатилиши тажоҳули ориф санъати яратилишига асос бўлиб хизмат қилади:

Менгиз ё равзаи ризвонмудур бу?
Оғиз ё ғунчаи хандонмидур бу? (Атойи)

Нега бунча гўзал кўринар олам,
Нега қараб тўймас кўзларим?
Нега жўш уради, кўпиради қон,
Нега мисдек қизир юзларим? (Уйғун)

Офтоб яхшими,
Одоб яхшими. (Пўлат Мўмин)

ТАЗКИРА (арабча, зикр этиш, эслатиб қўйиш, қайд этиш, ёзиб қўйиш) – шоир ва алломаларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берувчи, уларнинг асарларидан айрим парчалар келтирилган маълумотнома асар. Унинг энг қадимги намунаси Мансур ас-Саолибийнинг "Ятимат уд-даҳр фи маҳосини аҳли аср" ("Замона аҳлининг фазилатлари ҳақида ягона дурдона") тазкирасидир. Муаллиф бу асарида XI аср Араб, Ажам, Мовароуннаҳр, Хоразм, Хуросон адабиёти ҳақида қимматли маълумотлар келтирган.

Муҳаммад Авфий Бухорийнинг "Лубоб ул-албоб" ("Мағизлар мағзи" 13-аср), Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро" (15-аср), Алишер Навоийнинг "Мажолис

ун-нафоис", "Насойим ул-муҳаббат"; Малеҳо Самарқандийнинг "Музаккир ул-асҳоб" (Суҳбатдошлар зикри 15-16-асрлар); Фазлий Намангонийнинг "Мажмуат уш-шуаро" (19-аср) асарлари ҳам тазкирачиликнинг машҳур намуналаридир.

Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" тазкираси туркий адабиётдаги биринчи тазкирадир. Унда Навоийдан олдинроқ яшаган ва унга замондош бўлган 459 ижодкор ҳақида маълумот берилган. Асар 8 мажлис – бўлимдан иборат бўлиб, 7-мажлис темурий ижодкорлар ҳақида, 8-мажлис тўлиғича Ҳусайн Бойқаро ҳақидадир. Навоийнинг яна бир тазкираси "Насойим ул-муҳаббат" бўлиб, асар сўфий ижодкорларга бағишланган, унда 750 дан ортиқ шайх ҳақида маълумот берилади.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро"сида 150 дан ортиқ, Малеҳо Самарқандийнинг "Музаккир ул-асҳоб" тазкирасида 160 дан ортиқ, Ҳасанхожа Нисорийнинг "Музаккири аҳбоб" ("Дўстлар зикри") тазкирасида 300 дан ортиқ ижодкор ҳақида маълумот берилган. Фазлий Намангонийнинг "Мажмуат уш-шуаро" тазкираси Амир Умархон топшириғига биноан яратилган.

ТАЗМИН (арабча, назарда тутилган, асос бўлган) – бир шоирнинг бошқа бир шоир ғазалидан бир мисра ёки байт олиб, ғазални давом эттириши ва якунлаши.

Масалан, Фурқат Фузулийнинг "Сурмадин гўзлар қаро, аллар ҳинодин лоларанг" мисрасини олиб, "Сурмадин кўзлар қаро, қўллар ҳинодин лоларанг" деб бошланувчи мустақил ғазал яратган.

Машрабнинг "Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма" мисралари билан бошланувчи ғазалидаги "Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма, Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма" байти Лутфий ғазалидан олинган.

ТАЗОД (арабча, зид, қарама-қарши қўйиш). Назарий адабиётларда тазод атамаси ўрнида қаршилантириш истилоҳи ҳам эркин қўлланилади.

Шеър мисраларида бир-бирига зид моҳиятга эга нарса-ҳодиса, белги, тушунчаларни ўзаро қарама-қарши қўйиш орқали вужудга келтириладиган санъат тазоддир. Шеърда бу санъат, асосан, қарама-қарши маъноли сўзларни қўллаш орқали воқеланади. Аммо зид маъноли сўзлар доимо (масалан, "тун-кун" каби жуфтланиб қўлланганда) эмас, айнан қарама-қарши қўйилгандагина тазод амалига замин бўлиши мумкин:

Жафодин инграмас бу йўлда ушшоқ,
Вафодин жабрингиз минг қатла хушроқ. (Атойи)

Манга сенсиз *тирилгандин ўлум* юз қатла ортуқроқ...
(Атойи)

Гадо бўлсам не айб, ул *шоҳи давронимни* соғиндим.
(Увайсий)

Подшоҳ йўқлатсалар ногоҳ, *гадо* деб ахтаринг.
(Муқимий)

Ўлганда юз соат йиғлаб тургандан,
Уни *тиригида* бир марта йўқланг. (Мақсуд Шайхзода)

ТАКРИР (арабча, такрорлаш) – шеърдаги бирор сўз ёки бирикмани, баъзан бирор мисрани бир неча марта такрорлаш санъати.

Масалан, Чўлпоннинг "Гўзал" шеърида "Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал" мисраси бир неча марта такрорланган. Яна мисоллар:

Дема, ишқим найладиким, рўзғоримдур қаро,
Ўртади, эй қотили номеҳрибоним, *ўртади*. (Навоий)

Туз оҳ, *Заҳириддин Муҳаммад Бобур*,
Юз оҳ, *Заҳириддин Муҳаммад Бобур*.
Сарриштаи айшдин кўнгулни зинҳор
Уз, оҳ, *Заҳириддин Муҳаммад Бобур*. (Бобур)

Кўнглим олди, эй пари, ҳолимга боқ,
Иштиёқу иштиёқу иштиёқ. (Огаҳий)

ТАЛМЕҲ (арабча, назар солмоқ, ишора қилмоқ) – шеър мисраларида тарихий ҳамда афсонавий шахс ва жойлар, бадиий асар қаҳрамонлари номларини келтириш ёки уларга ишора қилиш санъати:

Вале *Узродин* айрилмоқ балойи жони *Вомиқтур*...
(Атойи)

Сўзунг *Ширин*, ўзинг *Хусравдин* афзун,
Бўлур *Лайли* сенинг ҳуснунгға *Мажнун*. (Атойи)

Жаҳонни тутти *Юсуфдек жамоли*,
Малоҳат *Мисрида* султонмудур бу? (Атойи)

ТАМСИЛ (арабча, мисол келтириш, далиллаш). Бу санъат талабига кўра шоир дастлаб бир фикрни ўртага қўяди. Кейинги мисрада эса шу фикрга асос бўлган ҳодисага ўхшаб кетадиган яна бир ҳодисани мисол қилиб келтиради. Шу тариқа баён этилган дастлабки фикр мантиғига урғу беради. Масалан, гап тонгда гулнинг очилиши ҳақида кетаётган бўлса, кейинги мисрада шоир инсонлар яқин кишисини кўрган пайтда хурсанд бўлиб кетишини мисол қилиб келтириши ва шу тариқа гулни кўрганда инсон қалбида жўш урадиган завқ-

шавққа урғу бериши мумкин. Бу фикр Алишер Навоийнинг қуйидаги ўлмас байтига, сўзсиз, дахлдор:

Оразин ёпқач кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч қуёш.

Мазмуни: Ёр юзини ёпса, қуёш ботганида юлдуз пайдо бўлганидек, кўзим ёшга тўлади.

Ёки:

Чеҳраи зардим кўриб шод ўлса айб эрмаски ёр,
Заъфароний бода ичган чоғда кулгу келтирур. (Фурқат)

Мазмуни: Сариқ бода ичган пайтда киши хурсанд бўлганидек, менинг сарғайган юзимни кўриб ёрим хурсанд бўлса, ажабланмайман.

ТАНОСИБ (арабча, мутаносиблаштириш) – мисра ёки байтда моҳиятан бир-бирига яқин тушунчаларни англатувчи сўзларни мутаносиб тарзда қўллаш санъати:

Сен ҳусн ила бойсан, сенга чун *фарз* эрур *ҳаж*,
Қил *тенгри* учун *Каъбаи* кўнглимни *зиёрат*. (Лутфий)

Яна мисоллар:

Эй *мусҳафи* ҳуснунга менинг нуқтаси *оят*,
Ислом элига бўлди юзинг *нури ҳидоят*. (Атойи)

Не тонг кўнглим *қуши* гар етса мақсад *ошёнига*,
Ки саъю шавқдин *учмоқда бўлу пар* қилур пайдо.
(Огаҳий)

ТАНСИҚ АС-СИФОТ (арабча, кетма-кет келтириш, улаш, сифатлар тизмаси). Бу санъат талабига кўра шеърда тасвирланаётган шахс ёки нарсага хос ҳолат ва белгилар кетма-

кет санаб келтирилади. Аниқроқ айтганда, шахс ёки нарса бир неча жиҳатдан таърифу тавсиф қилинади:

Хуш табассум, хуш калому хуш равиш, рафтор ҳам...
(Муқимий)

(Мисрада ёрга хос хушгабассумлилик, ширинсуханлик, чиройли юриш-туришга эгалик физилатлари қатор келтирилиб таърифланаяпти).

Яна:

Нигоро, маҳвашо, иффатпаноҳо,
Жаҳон маҳвашларига подшоҳо. (Алишер Навоий)

Сенга рози дилим изҳор этиб сўйлар мажолим йўқ.
Паришонҳолу саргардону дилафгор йиғларман. (Машраб)

ТАРДИ АКС (арабча, тескари қилиб такрорлаш). Бу санъат такрирнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, унинг талабига кўра, шеър мисрасидаги сўз бирикмаси ёки мисранинг ўзи кейинги мисрада тескари қилиб такрорланади:

Санга *жуду шижоат* бўлди пеша,
Шижоат бирла жудунгдин ҳамиша. (Хоразмий)

Эй кўнгул, чун *яхшидин* кўрдунг *ямонлиқ* асру кўп,
Эмди кўз тутмоқ не яъни ҳар *ёмондин яхшилиг*. (Бобур)

Кўнгилга бўлди ажойиб *бало қаро* сочинг,
Шикаста кўнглима эрмиш *қаро бало* сочинг. (Бобур)

ТАРИХИЙ СЎЗЛАР – историзмларга қаранг.

ТАРКИББАНД ВА ТАРЖЕЪБАНД – бу икки жанр мураккаб бандли жанр бўлиб, тузилиши жиҳатидан ўхшаб кетади. Ҳар иккисининг бандлари бир ғазал ҳажмига тенг бўлади. Таржеъбандининг таркиббанддан биргина фарқи бор: таркиббандда ҳар бир банд мустақиллиги сақлаб қолинади, таржеъбандда эса биринчи банд охирида келган икки мисра кейинги бандлар охирида ҳам такрорланади.

ТАРСЕЪ (арабча, ипга маржон тизиш). Бу санъат талабига кўра юқори мисрадаги барча сўзлар кейинги мисрадаги деярли барча сўзлар билан қофиядош қилинади:

Қамар юзунгдин бўлур мунаввар,
Шакар сўзунгдин келур мукаррар. (Сайфи Саройи)

Ёки:

Мурувват – барча бермакдур, емак йўқ,
Футувват – барча қилмакдур, демак йўқ.
(Алишер Навоий)

Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши,
Шод этмас эмиш кўнгилни меҳнатда киши. (Бобур)

Сени жиндек хушвақт қилгани,
Сени жиндек хушбахт қилгани. (Миртемир)

ТАСАВВУФ – инсониятни руҳий-маънавий покланишга даъват этувчи ғоялар силсиласи. Бу таълимот бўйича инсон комилликнинг *шариат, тариқат, ҳақиқат* босқичларидан ўтиши керак.

Тасаввуфга ўзликни англаш ва ўзини поклаш билан боғлиқ узлуксиз жараён сифатида қараш тасаввуф моҳиятини теранроқ англашга кўмак бериши билан бирга, унинг ижтимоий аҳамиятини ошириб, ҳар бир жамият маънавий-

маърифий ҳаётидаги ўрнини аниқ тасаввур этишга замин яратади. Зотан, тасаввуф таълимотлари ичида ижтимоий турмушга яқинлари барча асрларда омма диққатини ўзига тортган ва шу тариқа инсоний камолот пиллапояларини босиб ўтиш билан боғлиқ сермашаққат жараённинг беминнат кўмакчисига айланган. Хожагон-нақшбандия таълимоти босиб ўтган йўл ва унинг бугунги жаҳоншумул мавқеи фикримизнинг ёрқин далилидир.

Тасаввуф таърифига кўра, унинг мағзини ахлоқ ташкил қилади. Абу Ҳафс ал-Ҳаддоддан "Тасаввуф не?" дея сўраганларида, шундай жавоб берган экан: "Тасаввуф адабдан иборат эрур. Ҳар бир вақтнинг ўз адаби бордир. Ҳар бир ҳолнинг адаби бор. Вақтнинг адабига диққат қилган комил инсон мартабасини эгаллар..." (Қаранг: Ҳаққул И. Тасаввуф сабоқлари. Бухоро, 2000. 26-бет).

Тасаввуф таълимоти пайғамбарлардан мерос қолган. Ҳар бир улуғ пайғамбар ўз қалбини Аллоҳнинг зикри билан пок этиб, Унинг буйруқларини бекаму кўст бажарган ва ҳалол меҳнат ила ризқ топишни ўз бурчи деб билган. Жумладан, Одам алайҳиссалом деҳқончилик, Идрис алайҳиссалом темирчилик, Мусо ва Муҳаммад алайҳиссаломлар чўпонлик қилганлар. Кейинчалик Муҳаммад алайҳиссалом тижорат билан шуғулланганлар.

Пайғамбарлардан мерос бу одат валийлик мақомига эришган аҳли уламо гомонидан муносиб давом эттирилган. Хожа Али Рометаний – тўқимачи, Муҳаммад Бобойи Самосий – боғбон, Саййид Амир Кулол – кулол, Баҳоуддин Нақшбанд – наққош, тўқимачи ва чорвадор, Амир Кулолнинг ўғли Амир Ҳамза – овчи, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор – чорвадор ва савдогар бўлишган.

Ўтмишда ўз фаолиятини тасаввуф амалиётига йўналтирган кишиларни суфийлар, тасаввуф тарихи ва тараққиётини

ўрганиб, унинг ғоялари тарғибига саъй этган олимларни эса мутасаввифлар дейиш урф бўлган.

"Ислом энциклопедияси"да қайд этилишича, тасаввуф ўз тарихий тараққиёти давомида бир-бирига асос бўлиб хизмат қилган, бир-бирини тўлдирган ва давом эттирган олтмишдан ортиқ таълимотни ўз атрофига бирлаштира олди. Улар орасида машҳур тасаввуф пешволари ғайрати билан майдонга чиққан ва маънавий покланиш машаққатлари сари даъват этувчи қатор тармоқларга асос бўлиб хизмат қилган тайфурия, қодирия, сухравардия, жунайдия, хожагон-нақшбандия, яссавия, чиштия, кубравия, мавлавия сингари етакчи таълимотлар ҳам бор.

ТАСАВВУФ АТАМАЛАРИ – тасаввуф шеъриятида:

а) *тариқат* – йўл, комилликка эришиш йўли, маслаги, бу йўл *сулук* деб ҳам юритилади;

б) тариқатга кирган одамни *суфий, солик, мурид, дарвиш* деб атайдилар;

в) суфий тариқатда *муршид*га қўл беради (қўл бериш – покланиш учун аҳд қилиш демакдир);

г) *ишқ* тасаввуф адабиётида марказий тушунча бўлиб, икки турли бўлади: 1) мажозий ишқ – Аллоҳ томонидан яратилган барча нарсаларга: инсонга ва бутун борлиққа нисбатан муҳаббат, меҳр, ардоқ, англаш туйғуси; 2) ҳақиқий ишқ – бошқа ҳеч нарсага қиёс қилинмайдиган Яратганни туйиш, англаш ва у билан бирлик туйғуси;

д) ишқ манбаига айланган *маъшуқ* тасаввуф адабиётидаги ёр (маҳбуба, маъшуқа, жонон, дўст, рафик) образидир.

е) *ишқ* кўпинча *бода, май, шароб* истилоҳлари орқали ифодаланади;

ё) май (ишқ) қуйиладиган *коса – жом, қадаҳ, шиша кўза, аёг* каби идишлар *кўнгил (суфий қалби, юраги)* рамзларидир;

ж) кўнгилда (идишда) ишқи (майи) тўла *ошиқ (маст, хумори)лар тўпланадиган жой* эса *муршид даргоҳидир*;

з) *муршид даргоҳи* тасаввуфда *майхона, бутхона, харобот* истилоҳлари билан юритилади;

и) *ишқ – май, ишқи борлар тупланадиган жой – майхона, май тарқатувчи, майни қуйиб улашувчи шахс – соқийдир;*

ӣ) *соқий – тасаввуф майхонаси (даргоҳи)да маърифат улашувчи, ишқ сирларини талқин этувчи устози комилдир;*

к) *ишқ аҳли* – суфийлар;

л) *васл аҳли* – комилликка етишган, авлиёлик сийратини касб этган зотлар;

м) *лаб* – ёрнинг камоли, кўрсатмалари, пурмаъно сўзлари;

н) *буса* – ошиқнинг ёр васлидан баҳрамандлиги;

о) *тарсо* – насроний динига мансуб киши. Тасаввуф адабиётида *тарсо атамаси ўзини Аллоҳ ишқига етишмоққа бахшиди этган инсон* маъносида қўлланади;

п) *халойиқ (халқ, мардум, эл)* – ҳақиқий ишқдан бехабар кимсалар ёки дунёга кўнгил берган нафс бандалари;

р) *дунё* – нафсоний хуруж, шайтоний истаклар жамланган воқелик.

Мазкур рамзий истилоҳлар моҳиятидан хабардорлик тасаввуф адабиёти моҳиятини теранроқ англашга замин яратади. Тасаввуфий ҳукмларни тўғри мушоҳада этишга, турли ўткинчи ғоялар, ақидавий ихтилофлар таъсирига берилмасликка ўргатади.

ТАСБЕ – бу санъат талабига кўра биринчи мисра охиридаги сўз ёки бирикма иккинчи мисра бошида такрорланади. Бунда *радд ул-аруз ил ал ибтидо* вужудга келади. Тасбенинг бир сўзли, икки сўзли, уч сўзли кўринишлари мавжуд:

Кучим етгунча кўп қилдим *вафолар*,
Вафоли қулни асрар подшолар. (Хоразмий)

Кел, эй ой юзли дилбар, тут *бирор* қўш,

Бирор қўш бирла қилғил бизни мадҳуш. (Хоразмий)

Кечар дунё, кечмас *бу эзгу қилиқ,*
Бу эзгу қилиқ бирла эзгу йўриқ. (Юсуф Хос Ҳожиб)

ТАСВИРИЙ ИФОДА – бирор нарса ва ҳодисани бошқа бир нарса ва ҳодисага ўхшатиш орқали тасвирлаб ифодалаш. Тасвирий ифодалар нарса-ҳодисанинг иккинчи номи ҳисобланади ва от доирасида вужудга келади. Тасвирий ифодалар нутқимизнинг таъсирчанлигини оширади: *мўйқалам соҳиби* – рассом; *саломатлик посбонлари* – тиббиёт ходимлари; *осойишталик ходимлари* – ички ишлар ходимлари; *чарм қўлқоп устаси* – боксчи; *ғазал мулкининг султони* – Алишер Навоий; *ҳаётимиз қомуси* – конституция; *ўрмон подшоси* – шер; *зангори экран* – телевизор; *оқ олтин* – пахта; *кумуш тола* – пилла; *яйлов баҳодирлари* – чўпонлар; *қанотли дўстлар* – қушлар; *қора олтин* – нефть ва кўмир; *сало лочини* – учувчи; *кумуш чойшаб* – қор; *пўлат от* – трактор; *зангори олов* – газ; *ўрмон маликаси* – арча; *дала маликаси* – маккажўхори; *зангори кема* – комбайн; *деҳқоннинг қаноти* – техника; *саҳро кемаси* – туя; *фасллар келинчаги* – баҳор; *қишнинг зийнати* – қор; *ақл гимнастикаси* – шахмат ва математика; *миллионлар ўйини* – футбол; *ақл чархи* – кроссворд, бошқотирма; *оинайи жаҳон* – телевизор; *пўлат этак* – пахта териш машинаси.

Тасвирий ифодалар орасида ҳам омонимлик (шакллошлик) мавжуд. Жумладан, шахматни англатадиган "ақл гимнастикаси" билан математикани англатадиган "ақл гимнастикаси"; нефтни англатадиган "қора олтин" билан кўмирни англатадиган "қора олтин" ўзаро омонимдир.

Тасвирий ифодалар бадиий ва публицистик асар матнининг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади.

ТАСДИР – бу санъат талабига кўра биринчи мисра бошидаги сўз иккинчи мисра охирида такрорланади. Бунда *радд ус-садр ил-ал-ажуз* вужудга келади:

Мен бу юз муштоқидурмен, боғи бўстонким бўлур,
Бўлмасин насрину лола, арғувон сизсиз *мен*га. (Атойи)

ТАХАЛЛУС – ижодкорнинг ўз асарларини эълон қилиш учун танлаб олган иккинчи номи. Тахаллуслар шеърият ёки адабиёт табиатидан келиб чиқадиган кўчма, рамзий маъноли сўзлар танлаш (Лутфий, Навоий, Айний, Фитрат, Жулқунбой, Чўлпон, Ойбек, Шуҳрат...), исмга ижодкор туғилган ёки яшаган жой номини қўшиб айтиш (Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Хожа Исмат Бухорий, Салоҳиддин Тошкандий...), исмга ижодкорнинг касб-кори номини қўшиб айтиш (Фаридуддин Аттор, Саккокий...), исм-шарифни қўшимчасиз қўллаш (Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Жамол Камол, Омон Мухтор, Омон Матжон, Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқул...) каби кўринишларда учрайди.

ТАШБЕҲ (арабча, ўхшатиш) – шеърда бир нарса-ҳодисани бошқа бир нарса-ҳодисага ўхшатиб тасвирлаш санъати.

Шеърда нарса-ҳодисалар тўғридан-тўғри ўхшатилиши ҳам, турли морфологик ва лексик воситалар ёрдамида ўхшатилиши ҳам мумкин.

а) тўғридан-тўғри ўхшатиш:

Буте, не бут, магар ҳуре, паризод,
Тани нозик, буйи чун сарви озод. (Ҳайдар Хоразмий)

Осмон тиниқ кўк шоҳи,
Оқ булут кезар гоҳи. (Уйғун)

б) морфологик (қўшимчалар) ва лексик (сўзлар) воситалар ёрдамида ўхшатиш:

Бунда *-дек, -дай* қўшимчалари, *гўёки, мисол янглиг, каби, сингари, мисоли, гўё* каби сўзлар ишлатилади:

Зиҳи сарв устида юзинг қамар*дек*. (Лутфий)

Чиройлидир *гўё* ёш келин... (Ҳамид Олимжон)

Баъзи мисраларда тўғридан-тўғри ўхшатишга ҳам, бирор восита ёрдамида ўхшатишга ҳам бир пайтда мурожаат қилинганлиги кузатилади: Қадинг сарву санувбартек, белинг – қил. (Хоразмий)

Ташбеҳ санъатини вужудга келтириш учун қуйидаги тўрт жиҳат муҳим ўрин тутади:

а) мушаббиҳ – ўхшатилаётган нарса;

б) мушаббиҳун биҳ – ўхшаётган нарса;

в) воситаи ташбеҳ – ўхшатиш воситаси;

г) сабаби ташбеҳ ёки важҳи ташбеҳ – ўхшашлик асоси.

Масалан: Кўзларинг чўлпона ўхшар...

Мушаббиҳ, яъни ўхшатилаётган нарса – *кўз*.

Мушаббиҳун биҳ, яъни ўхшаётган нарса – *Чўлпон юлдузи*.

Воситаи ташбеҳ, яъни ўхшатиш воситаси – *ўхшар* сўзи.

Важҳи ташбеҳ – гўзаллик, ярқ этиб кўзга ташланиш.

ТАШХИС (арабча, шахслантириш, иккинчи номи жонлантириш) – жонсиз нарса-буюмлар, ҳодисаларга инсонга хос характер-хусусиятларни кўчириш санъати:

Агар *келса кетар* ҳолим кўрубон,
Ажал *жонимни олмасдин* ўлиб. (Фурқат)

атамаларга дахлдордир. Касбий атамалар ҳақидаги фикрлар эса касб-ҳунарга оид сўзлар қисмида баён этилган.

Терминлардан бадиий адабиётда маълум фан соҳаси вакиллари саргузаштига бағишланган асарларда кенг фойдаланилади. Бундай асарлар сирасида Ўктам Усмоновнинг пахтачилик муаммолари билан шуғулланувчи олимлар ҳаёти тасвирига бағишланган "Гирдоб" романини алоҳида таъкидлаш мумкин.

ТОПИШМОҚ – нарса-ҳодисага хос белгини яшириш, шу орқали тингловчининг зукколигини синаб кўриш хусусиятига эга бўлган оғзаки ижод жанри. Ёзма адабиётдаги муаммо, чистон, луғз, таърих каби жанрлар топишмоқ характеридаги жанрлар ҳисобланади.

Халқ орасида топишмоқ атамаси ўрнида "жумбоқ", "жуммоқ" "топ-топ" атамалари ҳам қўлланилади. Топишмоқларни вужудга келтирадиган асосий бадиий санъат истиорадир. Маълумки, истиора сўзни кўчма маънода қўллаш санъатидир. Мана бу топишмоқ тўлиғича кўчма маънога асосланган: Бир қоп ун, ичида устун. (Жийда)

Ёзма адабиёт намунаси сифатида яратилган шеърий топишмоқларга нисбатан луғз атамаси ишлатилади. Мумтоз адабиётимизда Алишер Навоий ва Увайсий луғзлари машҳурдир.

XX аср ўзбек болалар шеърияти намояндалари ҳам ёш авлод камолоти учун хизмат қиладиган қизиқарли шеърий топишмоқлар яратишда алоҳида ғайрат кўрсатдилар. Шундай топишмоқлардан бири сифатида таниқли шоир Ғафур Ғуломнинг "Буни топинг, қизларим" шеърини алоҳида қайд этиш мумкин:

– Тўни силлиқ, туки йўқ,
Ҳаммаси тўқ, пўки йўқ.
Ичи қизил, кўки йўқ,

Уни чўқолмас чумчуқ.
Бу нима, қизим Қундуз?
– Буми, дадажон? Тарвуз...

ТРАГЕДИЯ (грекча, эчки қўшиғи сўзидан) – воқеалари, қаҳрамонлари ҳаёти ва тақдири бошдан-охир фожиага асосланган, фожиа билан якун топадиган саҳна асари. Трагедия, яъни "эчки қўшиғи" атамасининг келиб чиқиш тарихи қуйидагича: ўтмишда қадимги Юнонистонда май ва хушчақчақлик худоси Дионис шарафига қурбонлик маросимлари ташкил этилган. Бу маросимларда қурбонлик сифатида эчкилар сўйилган ҳамда қайғули қўшиқлар ижро қилинган. Бу қўшиқлар трагедия деб номланган. Кейинчалик эса трагедия атамаси саҳнага қўйиш учун мўлжалланган фожиали асарни англатадиган бўлган. Трагедия жанрининг асосчиси, "трагедия жанрининг отаси" сифатида қадимги юнон драматурги Эсхил номи эътироф этилади.

Трагедия жанри олдига қўйиладиган ўзига хос талаблар мавжуд. Айни шу талабларни билмаслик туфайли ўқувчилар орасида фожиа билан якун топган исталган жанрдаги асарни трагедия сифатида талқин қилиш ҳоллари учрайди (масалан, "Ўткан кунлар" ёки "Бемор"ни трагедия деювчилар бор. "Ахир, булар ҳам фожиа билан якун топади-ку" – ўз фикрларини асосламоқчи бўлишади шундай ҳаёлга борган ўқувчиларимиз). Аслида ҳатто фожиа билан ниҳояланадиган драматик асарни ҳам трагедия дейишга шошилмаган маъқул. Чунки драматик турнинг бошқа жанрлари ҳам фожиавий манзаралардан холи эмас (ҳатто комедияда ҳам шундай манзара кўзга ташланиб қолиши мумкин; трагикомедия жанрида бу ҳолатни доимо кузатиш мумкин). Бу жиҳатдан, драма жанри янада кўпроқ диққатни чалғитиши мумкин. Чунки драмада инсон ҳаёти билан боғлиқ драматик ҳолатлар фоже манзаралар билан уйғун тарзда ифода топиб қолиши мумкин. Беҳбудийнинг

"Падаркуш" драмасини узоқ йиллар давомида фожиа сифатида талқин қилиб келганимизга ҳам аслида ана шу жанрий ўзига хосликни етарлича идрок эта олмаганимиз сабаб бўлган эди.

Гап шундаки, трагедиянинг трагедия бўлиши учун асарнинг фожиавий якун топиши кифоя қилмайди. Аксинча, фожиа билан якунланмай туриб ҳам, асар трагедия талабларини бажариб улгурган бўлиши мумкин. Бу жанр олдига қўйилган энг муҳим талаб фожиавийликнинг кутилмаганда майдонга чиқиши эмас, аксинча, воқеалар бошланган нуқтадан якун топган нуқтага қадар динамик тарзда ўсиб, ривожланиб, кучайиб боришидир. "Падаркуш" ана шу характерга эга эмаслиги боис, гарчи фожиа билан якун топган, муаллиф уни "Туркистон турмушидан бир фожиа" дея атаган бўлса-да, трагедия намунаси бўла олмайди.

Софоклнинг "Шоҳ Эдип", Шекспирнинг "Отелло", "Гамлет", "Қирол Лир"..., Фитратнинг "Абулфайзхон", Ҳамзанинг "Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари", Шайхзоданинг "Мирзо Улуғбек" каби асарлари трагедиянинг етук намуналаридир. Биринчи ўзбек трагедияси сифатида эса Абдурауф Фитратнинг "Абулфайзхон" асарини эътироф этиш жоиз. Асарда бутун мураккаблиги билан ифода топган Абулфайзхон ҳаётининг фоже манзаралари худди шундай хулосага келиш имконини беради.

ТУРОҚ – пауза билан ажратилган, тенг бўлаклардан тузилган ва мисралар бўйича маълум тартибда такрорланадиган шеър бўлаги.

ТУЮҚ – мумтоз адабиётнинг бу кичик жанри туркий адабиётда шаклланган бўлиб, туюқ атамаси ҳам туркий сўздан олинган.

Бу сўз туймоқ ўзагидан келиб чиққан бўлиб, "ҳис қилмоқ", "идрок этмоқ" деган маънони англатади. Тажнисли қофияга асосланган туюқдаги шаклдош сўзларнинг маъносини идрок

этиш зарурияти жанрнинг туюқ деб номланишига сабаб бўлган.

Туюқ тўрт мисрадан иборат бўлиб, унинг қофияларини шаклдош сўзлар ташкил этади. Бу жараёнда шеърнинг туюқ жанрига мансуб эканлиги ёки эмаслигини унинг омоним қофияларига қараб аниқлаймиз. Баъзан бу талаб истисно қилиниши, яъни туюқ намунасида қофиялар шаклдош сўзлар бўлмаслиги мумкин. Бунда шеърнинг вазнига кўра иш тутиш самара беради. Бинобарин, туюқ жанри намуналари қатъий равишда арузнинг рамали мусаддаси маҳзуф (фоилотун, фоилотун, фоилун) ёки рамали мусаддаси мақсур (фоилотун фоилотун фоилон) вазн тармоғида яратилади:

Чархи кажрафтор элиндин *ёзамен,* (шикоят қиламан)
Чиқмадим ҳижрон қишидин *ёза мен.* (ёз фаслига)
Бир мени ёрлиқ била ёд этмас ул,
Ҳар неча ул шаҳга қуллуқ *ёзамен.* (ёзаман) (*Лутфий*)

Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" достонида "Қаю ерда бўлса ўқуш бирла ўт" деб бошланувчи омоним сўзларни қофия қилиш асосида яратилган, яъни тажнисли қофияга асосланган тўртлик мавжуд. Адабиётшунослар гарчи вазн тармоғи тўғри келмаса-да, бу тўртликни туркий адабиётдаги энг қадимги туюқ намунаси дейдилар. Туюқнинг қофияланиш тартиби: *а-а-б-а ёки а-а-а-а*

УСЛУБ – ёзувчининг бадиий характер ва умумлашмалар, манзара ва ҳолатлар яратишдаги ўзига хос тили, ўзигагина хос тасвирлаш иқтидори. Чинакам ижодкорнинг энг муҳим муваффақияти ўз услубига эгалигида кўринади. Бу ҳақда улуғ назариётчи олим Абдурауф Фитрат ёзади: "Шоир-ёзғучи санъаткорликда кўтарила борган сойи (сари) ўзига махсус (хос) услуб ярата бошлайдир. Шоирнинг хаёл, ўй, тушуниш, шакллари тугал, комил бўлғач, ўзига яраша бир услуб ҳам

борлиққа чиққан (юзага келган) бўладир" (Қаранг: Адабиёт қоидалари. 26-бет).

Маълум адабиёт вакиллари услубининг бир-бирига ўхшаб қолиши, бир-бирини такрорлаши ана шу адабиёт ривожланишдан тўхтаганидан, бу муҳитда иқтидорли ёзувчилар камайиб кетганидан далолат беради. Бинобарин, Фитрат ёзганидек: "... бутун ўзбек ёзғучиларининг ифодалари ўзбекча бўлғани ҳолда ҳар бирининг ўзига махсус бир услуби бордир. Бироқ услубдоғи бу ҳол тубан, кучсиз адиб-ёзғучининг асарларида ўзини очиқ кўрсата олмайдир. Кучсиз ёзғучиларнинг услублари бир-бирига ўхшаб қоладир..." (ўша жойда).

Демак, ўзигагина хос тасвирлаш иқтидорини ўзлаштириш ва шу орқали ўз услубини шакллантириш сўз санъати тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир қаламкашнинг муқаддас бурчидир.

ФАНТАСТИК АДАБИЁТ – воқеалари, қаҳрамонлари саргузаштлари биз яшаб турган жойлар ва даврлардан олисда кечадиган, кўпроқ олис сайёра ва галактикалар, руҳий оламларга мурожаат этиладиган сир ва сеҳрга бой асарлар мажмуи. Фантастик асарларда ўтмиш ва бугунни боғлаб турадиган турли воситалар (вақт машинаси, сеҳрли буюмлар...)га дуч келамиз.

Дунё адабиётида Жюль Верн, Герберт Уэллс асарларида ўзининг юксак чўққисига эришган фантастик асарлар яратиш анъанаси ўзбек адабиётида ҳам кўплаб шу туркумдаги ҳикоя, қисса ва романларнинг яратилишига туртки берди. Тоҳир Маликнинг "Фалак", "Чархпалак", "Тириклик суви", "Чорраҳада қолган одамлар" ("Девона"); Ҳожиакбар Шайховнинг "7-СЭР", "Жодугарнинг эри", "Телба дунё", "Туташ оламлар" асарларини илмий-бадиий фантастиканинг ёрқин намуналари сифатида қайд этиш мумкин.

Ўзбек илмий-бадиий фантастикасининг тараққиёт тамойиллари Р.Иброҳимова, Ф.Салаев, Д.Кувватова каби олимлар тадқиқотларида умумлаштирилган.

ФАРД (арабча, якка, ёлғиз сўзидан) – тугал мазмун-моҳиятга эга, ўзаро қофияланган икки мисрадан иборат шеър.

Фард яратишда Алишер Навоий ва Бобур каби туркий адабиёт намояндалари алоҳида маҳорат кўрсатганлар:

Юқар ямонлиғ ангаким, кирар ямон эл аро,
Кўмур аро илик урғон қилур илгини қаро.

Улуғ шоир Алишер Навоий ижодидан келтирилган фард мисолида кўриниб турганидек, бу жанр намуналари асосан, ахлоқий-маърифий характерда бўлади. Туркий ва форсий пандномаларда баён этилган ҳикоятлар, қўшимча мулоҳаза-мушоҳадалар сўнгтида фард келтириш анъанасининг мавжудлиги ҳам фардларнинг айнан ахлоқий характерда бўлишидан далолатдир.

ФОЛЬКЛОРИЗМ – фольклорга хос ҳодисаларнинг ёзма адабиёт намунасига сингдирилиши, қайта талқин этилиши. Мазкур ҳодиса фольклорга хос манба, материал, тасвирий воситаларнинг ижодкор бадиий мақсадлари асосида асар архитектоникасига сингдириб юборилиши асосида юзага келади.

Ёзма адабиёт тараққий йўлига киргач, унинг ривожи учун хизмат қилган, таъбир жоиз бўлса, унинг илҳомчиси вазифасини ўтаган энг биринчи манба, шубҳасиз, оғзаки ижод бўлган. Бу ҳаётбахш таъсир асрлар оша ёзма бадиий ижоднинг юзлаб намуналари яратилишига замин ҳозирлади ва ҳали-ҳануз бадиий ижод мўъжизасини қалбан ҳис этган қаламкаш борки, халқ донишмандлиги намуналаридан илҳом олади, унинг сеҳрли дунёсидан ўз мустақил йўлини топиш жараёнида фойдаланади. Бу анъана бугунги кунда ҳам сўз санъати ривожининг муҳим омили бўлиб хизмат қилаётганлигини

ҳозирги адабий жараёндан бохабар ҳар бир мухлис ва мутахассис яхши билади.

Фольклоризмлар табиатига кўра оддий ва мураккаб фольклоризмларга бўлинади. Ёзма адабиёт намунаси матнида халқ мақол ва маталлари, иборалари, оғзаки нутқ учун хос ифода ҳамда оборотларнинг қўлланилиши оддий фольклоризмни (Сайфи Саройи, Атойи, Лутфий, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Муҳаммадшариф Гулханий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний ва бошқа ўнлаб ижодкорлар асарларидаги шундай ҳолатларни эсланг); фольклорга хос сюжет чизиқлари, эпизод ва қаҳрамонларга мурожаат қилиниши, улардан қайта ишлаш асосида фойдаланилиши (масалан, Усмон Азим бахшиёналарида) мураккаб фольклоризмни вужудга келтиради.

Фольклоризм назариясига оид муаммолар ҳақида маълумот берувчи манбалар сифатида Н.Маллаев, Б.Саримсоқов, Ғ.Мўминов, И.Ёрматов, Ж.Сувонова, Л.Шарипова каби олимларнинг мақола ва тадқиқотларини алоҳида қайд этиш мумкин.

ФОЛЬКЛОРДА ДРАМАТИК ЖАНРЛАР. Аския ва лоф жанрлари ҳақидаги маълумотларга қаранг.

ФУНКЦИОНАЛЬ КЎЧИМ – вазифадошликка қаранг.

ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ ВА УЛАРНИНГ КЎРИНИШЛАРИ. Атамасининг моҳиятида "қисса", "ҳикоя", "саргузашт", "таъриф" сингари маънолар мужассам бўлган достон халқ оғзаки ижодида ғоят кенг тарқалган жанрлардан биридир. Қ.Йўлдошев етакчилигидаги муаллифлар жамоаси томонидан тузилган амалдаги 9-синф "Адабиёт" дарслик-мажмуасида ўқиймиз: "Олимлар XIX аср охиридан XX асрнинг иккинчи ярмига қадар ўзбек бахшилари томонидан куйланган юз элликка яқин достон борлигини аниқлашган ва вариантлари билан қўшиб ҳисоблаганда, улардан тўрт юзтача асар ёзиб олинган" (43-бет).

Шеър ва насрнинг аралаш келиши халқ достонлари шаклига хос муҳим жиҳатдир. Достонлардаги шеърий парчалар, асосан, ўн бир бўғинли бўлиб, бармоқ вазнида яратилганлиги уларга хос муштарак хусусият ҳисобланади. Достонлардаги тезкор ҳаракатлар, жумладан, от чоптириш, жанг манзаралари эса етти-саккиз бўғинли шеърий парчалар ёрдамида ифодаланганлигини кузатиш мумкин.

Фольклоршунос олимлар томонидан халқ достонларининг қуйидаги кўринишлари ажратилади: 1. Қаҳрамонлик достонлари. 2. Жанрнома достонлар. 3. Романик достонлар. 4. Тарихий достонлар. 5. Китобий достонлар.

Аксарият достонларда таснif давомида санаб ўтилган белгилар аралаш ҳолда учраса-да, улар таснифида мазкур жанрга мансуб асарларнинг мавзуий ва ғоявий кўлами, бош қаҳрамон позицияси, тасвирга олинган воқеаларнинг макоий ва замоний миқёслари инобатга олинади.

"Алпомиш" достони миллий эпик адабиётимиз тарихидаги энг кўҳна асарлардан бири бўлиб, IX-X асрларда яратилганлиги тахмин қилинади. 1999 йил 6 ноябрда достоннинг 1000 йиллиги мамлакатимизда катта байрам қилинди. Достоннинг Фозил Йўлдош ўғли куйлаган варианти 1927-1928 йилларда Ҳоди Зарипов (1905-1972) раҳбарлигида Маҳмуд Зарипов томонидан ёзиб олинган.

Достондаги ижобий қаҳрамонлар: Добонбий, унинг ўғли Алпинбий, унинг ўғиллари Бойбўри ва Бойсари; Бойбўрининг ўғли Ҳакимбек (Алпомиш) ва қизи Қалдирғоч; Бойсарининг қизи Барчиной; Бойбўрининг чўпони Қултой; Сурхайилнинг ўғилларидан бири Қоражон; Қалмоқ юртининг подшоҳи Тойчихоннинг қизи Товка ойим; Тойчихоннинг чўпон қули Кайқубод; Бойчибор...

Достондаги салбий образлар: Тойчихон, Сурхайил кампир, унинг ўғиллари: Кўкалдош, Кўкаман, Кўккашқа, Бойқашқа, Тойқашқа, Қўшқулоқ (Қоражон Сурхайилнинг еттинчи ўғли эди); Бойбўрининг ўгай ўғли Ултонтоз.

Ҳакимбек етти ёшида Алпинбий бобосидан қолган ўн тўрт ботмонлик парлик ёйдан ўқ узиб, Асқар тоғининг каттакон чўққисини учириб юборади. Шундан сўнг уни Алпомиш дея атай бошлайдилар.

Бойбўри ва Бойсари ўртасида чиққан закот можаросидан сўнг Бойсари ўн минг уйли Қунғирот халқи билан Қалмоқ юрти Кашалга бош олиб кетади. Қалмоқ юрти подшоҳи унга Чилбир чўлини, Ойна кўлини бериб, ўз юртида яшашга рухсат беради.

Ўн тўрт ёшли Ҳакимбек Барчинойни ўзиники қилиш, Кашал юртидаги тўқсон алпни енгиш учун сафарга отланади. Барчиной ўзига талабгор бўлган тўқсон алп ва Алпомишга қуйидагича шартлар қўяди:

1. Бобохондан пойга қилиб ўздирса,
   Оти илдам бойваччага тегаман.
2. Ёй тортишса, ёйи синмай қолганга,
   Мен тегаман шу ёйандоз полвонга.
3. Минг қадамдан танга пулни урганга,
   Мен тегаман шул қирағай мерганга.
4. Кураш қилиб тўқсон алпни йиққанга,
   Мен тегаман нор билакли полвонга.

Пойгада беш юз от қатнашади. Алпомишнинг оти – Бойчиборни кўрган Кўкалдошнинг оти – Кўкдўнан ем емай қўяди. Пойгада туёқларига Кўкалдош мих уриб ярадор қилган бўлса-да, Бойчибор ва уни миниб Алпомиш номидан пойга чопган Қоражон ғолиб чиқади. Белгиланган манзилга биринчи бўлиб етиб борган, туёқларидан қон оқаётган Бойчиборнинг оёғидаги михларни Барчиной тиши билан суғуриб олади.

Шартларнинг кейингилари Ойна кўли ёқасида Чилбир чўлида давом этади. Ҳамма шартларда ғолиб бўлган Алпомиш Барчинни олиб, ўз юрти – Бойсунга қайтади.

Орадан бир оз муддат ўтгач, Алпомиш Кашал юртида қолган қайнотаси Бойсарини олиб келиш учун Қалмоққа йўл олади. Аммо Сурхайил кампирнинг фитнаси билан Тойчахон

уни қўлга туширади ва Алпомиш етти йиллик зиндон азобини бошдан кечиришга маҳкум бўлади. Етти йиллик азобдан сўнг Тойчахоннинг қизи Товка ойим Алпомиш чалган чанқовуз овозидан у ётган зиндонни топиб, уни зиндондан қутқариш ҳаракатига тушади. Бойчиборни банддан қутқаради. Бойчибор эса Алпомишни зиндон-чоҳдан озод қилади. Шундан сўнг Алпомиш Тойчахонни, Сурхайилни енгиб, Қалмоқ мамлакати тахтига дўсти Кайқубодни ўтқазади, унга Товка ойимни олиб беради. Бойсунга қайтиб, Ултонтозни енгиб, ўз мамлакатида адолат ўрнатади.

Ўзбек халқ оғзаки ижодидаги анча қадим достонлардан бири *"Равшан"* достони бўлиб, асар 1928 йилда Ҳоди Зариф томонидан атоқли ўзбек бахшиси Эргаш Жуманбулбул ўғли (1868-1937) оғзидан ёзиб олинган ва 1941 йилда нашр этилган.

Эргаш шоир достонни отаси Жуманбулбулдан, отаси эса устози Кичик Бўрондан ўрганган. Достонда Гўрўғли, Юнус пари, Мисқол пари, Ҳасанхон (Гўрўғлининг асранди ўғли), Авазхон (Гўрўғлининг асранди ўғли), Равшан (Ҳасанхоннинг ўғли), Гуланор, Зулхумор, Қорахон, Оққиз, Равшаннинг тутинган онаси – Кампир, тўрт оға-ини ботирлар – Айноқ, Жайноқ, Эрсак, Терсак каби қаҳрамонлар мавжуд.

Достоннинг насрий қисми сажъ (қофияли наср)нинг гўзал намунасидир. Асарнинг шеърий қисмлари эса 7, 8 ва 11 бўғинли бармоқ вазнида. Уруш ва жанговарлик тасвирида 8 бўғинли, воқеа ёки ҳаракат тезлиги ошган пайтда эса 7 бўғинли мисралар тизилган.

Асар воқеалари Чамбил ва Ширвон мамлакатларида кечади. Достон аввалида Гўрўғли ҳақида, унинг Кўҳи Қофдан Юнус парини, Боғи Эрамдан Мисқол парини келтириб, уйланганлиги ҳақида, фарзанди бўлмагач, Ваянгандан Ҳасанхонни, Хунхордан Авазхонни келтириб, фарзанд қилиб олганлиги ҳақида маълумот берилади.

Ҳасанхон Арзирумдан Хон Даллини олиб келиб уйланади. Авазхонни Гулқиз деган сулувга уйлантирадилар. Ҳасанхон оиласида туғилган ўғилга Равшан, Авазхон оиласида туғилган қизга Гуланор деб исм қўядилар. Равшан Гуланорга уйланмоқчи бўлади, аммо Авазхон уни қизига тенг кўрмай, рад жавобини беради. Тушкунликка тушган Равшанга Юнус пари узук ҳадя этади. Равшан узукда гўзал қизнинг суратини кўради. Бу Ширвон юрти подшоҳининг қизи Зулхумор эди. Равшан Жийронқуш деган тулпор отга миниб йўлга тушади. Зулхумор билан топишган пайтида тажрибасизлиги туфайли Қорахон подшо зиндонига тушади. Зулхумор зудлик билан Ҳасанхонга майна (қуш) ёрдамида мактуб юборади. Гўрўғлининг Ғиркўк отини миниб йўлга тушган Ҳасанхон Ширвонга келиб, ака-ука – Айноқ (полвон), Жайноқ (масхарабоз), Эрсак (мерган), Терсак (синчи)лар ёрдамида Равшанни Қорахон қўлидан қутқаради. Мамлакатни қўлга олиб, Айноқ кални подшо, укаларини вазиру маҳрам этиб тайинлайди. Айноқ, Жайноқ, Эрсак, Терсак каби каллар Равшан она-бола тутинган кампирнинг ўғиллари эмас, балки ўғлининг қўли остидаги паҳлавонлар эди.

Ўзбек фольклоридаги "Гўрўғли" туркумига кирувчи достонлардан яна бири *"Малика айёр"* дир. Достон машҳур халқ бахшиси Фозил Йўлдош ўғли томонидан куйланган.

Достонда Гўрўғли, Ҳасанхон, Авазхон, Малика айёр, Тиллақиз, Япроқдев, Қизилдев, Баймоқдев, Оқшоҳдев, Қосимшоҳ, Гулқиз, Шодмон мерган, Асад мерган каби қатор образлар мавжуд.

Асарда Малика айёрга ошиқ бўлган Гўрўғлининг саргузаштлари акс эттирилган. Малика айёрни топиш мақсадида Гўрўғли олтмиш йиллик сафарга дастлаб ўғли Авазни юборади. Сўнгра оталик меҳри жўшиб, ўзи ҳам йўлга тушади. Турли сеҳрли воситалар, ақл, куч-қудрат қаҳрамонларнинг ўз мақсадларига эришишига кўмак беради. Кексайган чоғида Малика айёрни қутқариш имкониятини

топган Гўрўғли уни ўғли Авазга никоҳлаб беради. Девлар ва қатор қарши кучлар билан олишувларда, айниқса, фантастик тасвирлар кенг ўрин эгаллайди.

Фольклоршунослигимизда халқ достонларини тадқиқ этиш бўйича ўзига хос мактаб шаклланган. Таниқли фольклоршунос олим Ҳоди Зариф ташаббуси билан ўзига хос анъаналари қарор топган мазкур мактабда халқ достонлари тадқиқотчиларининг бир неча авлоди камолга етди. Т.Мирзаев, М.Афзалов, Б.Саримсоқов, С.Умаров, Т.Очилов, М.Саидов, Ғ.Жалолов, М.Мурсалов, С.Асқаров, М.Қўшмоқов, Г.Эшжонова, У.Жуманазаров, С.Мирзаева, Г.Эгамбердиева, Й.Раҳматов каби олим ва тадқиқотчиларнинг китоб ҳамда мақолалари ўзбек халқ достонлари табиатига хос хусусиятларни ўрганишда яқиндан ёрдам беради. Бу жиҳатдан, Т.Мирзаевнинг "Ўзбек бахшиларининг эпик репертуари" (Тошкент: "Фан", 1979), "Эпос и сказитель" (Тошкент: "Фан", 2008), М.Қўшмоқовнинг "Бахшилар хизинаси" (Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981), "Дарёлар уфқи – денгиз" (Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984), С.Умаровнинг "Тарих ва достон" (Тошкент: "Фан", 1984) сингари китоблари алоҳида қимматга эга.

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ – қадимда – ёзув пайдо бўлмасдан илгари халқ ўз орзу-интилишларини оғзаки ижод ёрдамида ифодалаган. Натижада асотир (миф), афсона, ривоят, ҳикоят, эртак, достон, латифа, лоф, аксия, мақол, топишмоқ, тез айтиш, қўшиқ каби халқ оғзаки ижоди жанрлари вужудга келган. Булардан асотир, афсона, ривоят, ҳикоят, эртак, достон, латифа кабилар шаклан насрийлиги ва воқеаларни тасвирлашга мўлжалланганлиги боис эпик турга; қўшиқ жанри шаклан шеърийлиги, ҳис-туйғу ифодасига қаратилганлиги боис лирик турга; лоф, аксия, халқ томошалари – тайёр саҳна бўлганлиги боис драматик турга мансубдир.

Адабиётшуносликда халқ оғзаки ижоди истилоҳи ўрнида "фольклор" атамаси ҳам ишлатилади. Мазкур атама инглизча

сўздан олинган бўлиб, "халқ донолиги" деган маънони англатади. Дарҳақиқат, фольклор намуналарида халқнинг узоқ йиллик турмуш тажрибалари асосида шаклланган қимматли хулосалари, донолиги мужассамлашгандир. Шунингдек, улар мутолааси жараёнида халқнинг қадим эътиқоди, турмуш тарзи, орзу-интилишлари, армон ва дардларини, маънавий камолотига оид тадрижий йўлни яққол тасаввур этиш мумкин.

Оғзаки ижод намуналарининг яшовчанлигини таъминлайдиган энг муҳим омил уларнинг оғиздан оғизга, авлоддан авлодга ўтиб юришидир. Айни шу омил туфайли бундан бир неча аср илгари яратилган кўплаб асотир ва афсоналар, ривоят ва латифалар, халқ қўшиқлари, эртак ва достонлари, мақол ва топишмоқлари бизнинг давримизгача етиб келди ва яшашда давом этмоқда. Фольклор намуналарининг кўплаб вариант ва версияларда тарқалганлиги эса, оғзаки ижодда доимий ривожланиш ва такомиллашиш жараёни кечганлигидан далолат беради. Жумладан, туркий халқларнинг муштарак эпоси сифатида қадрланадиган биргина "Алпомиш" достонининг қирқдан ортиқ варианти мавжуд, "Гўрўғли" туркум достонлари эса юздан ортиқ асарни ўз ичига олади. Ана шундай беқиёс имкониятлари туфайли халқ оғзаки ижоди мана, бир неча асрдирки, халқ маънавиятининг нодир кўзгуси сифатида яшаб, хизмат қилиб келмоқда.

ХАЛҚ ИЖОДИНИНГ ЛИРИК ЖАНРЛАРИ. Халқ оғзаки ижодининг лирик жанрлари жуда ҳам ранг-барангдир. Алла, бешик айтими, ёр-ёр, ўлан ва лапар, келин салом, куёв салом, саломнома, йиғи-йўқлов айтимлари, ўрим ва янчиқ айтимлари, "Ёрғичоқ", "Турей-турей", "Чурия-чурия", "Говмишим", "Хуш-хуш", "Ё, Рамазон", "Сузхотин", "Ё, ҳайдар", "Чоймомо"... кабилар шулар жумласидандир. Фольклоршуносликда мазкур жанрларни – уларни умумлаштирувчи ягона атама – қўшиқ атамаси остига бирлаштириш маъқул кўрилган. Дарҳақиқат, қайд этилган

жанрларнинг барчаси матн ва мусиқа уйғунлигида ижро этилиш хусусиятини намоён этади ва уларни қўшиқ дея юритиш мақсадга мувофиқдир.

Қўшиқ халқ оғзаки ижодининг лирик турга мансуб, куйга солиб ижро этиладиган кичик жанридир.

Халқ қўшиқларининг энг қадимги намуналари Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотут турк" асари орқали бизгача етиб келган. Ижро ўрни ва хусусиятига кўра халқ қўшиқларининг қуйидаги кўринишларини ажратиш мумкин:

1. Меҳнат қўшиқлари.
2. Мавсумий маросим қўшиқлари.
3. Маиший маросим қўшиқлари.
4. Сўз магиясига асосланган қўшиқлар.
5. Лирик қўшиқлар.
6. Тарихий қўшиқлар.
7. Ҳажвий-юмористик қўшиқлар.

Қўшиқнинг мазкур кўринишлари ичида меҳнат қўшиқлари, мавсумий ва маиший маросим қўшиқлари ғоят кенг тарқалган бўлиб, алоҳида ўрганишга муносибдир. Булар ҳақида луғатда маълумотлар мавжуд.

ХАЛҚ ИЖОДИНИНГ ПАРЕМИК ЖАНРЛАРИ. Мақол ва топишмоқ жанрлари ҳақидаги маълумотларга қаранг.

ХАМСА (арабча, бешлик сўзидан) – мумтоз форсий ва туркий адабиётдаги анъанавий мавзу ва шаклда битилган беш достонни ўз ичига олувчи лиро-эпик асар.

ХАМСАНАВИСЛИК АНЪАНАСИ –

I. Низомий Ганжавий (1141-1209) "Хамса"си – "Панж ганж" 1173-1201 йиллар – 28 йил давомида яратилган. Достонлари:

1. "Махзан ул-асрор" ("Сирлар хазинаси") – 1173-1179 йилларда Арзинжон ҳокими Фахриддин Баҳромшоҳга бағишлаб яратилган.

2. "Хусрав ва Ширин" – 1180-81 йилда Ироқ ҳукмдори Туғрул II илтимосига кўра ёзилган.

3. "Лайли ва Мажнун" достони – 1188 йилда Ширвоншоҳлардан Ахсатан I нинг буйруғи билан яратилган.

4. "Ҳафт пайкар" ("Етти гўзал" – Баҳром ҳақида) 1196 йилда ҳукмдор Аловуддин Кўрпа Арслон топшириғи билан битилган.

5. "Искандарнома" – 1196-1201 йилларда дунё юзини кўрди.

II. Хусрав Деҳлавий (1253-1325) "Хамса"си 1299-1301 йилларда яратилди. Достонлари:

1. "Матлаъ ул-анвор" ("Нурларнинг бошланмаси").
2. "Ширин ва Хусрав".
3. "Мажнун ва Лайли".
4. "Ҳашт беҳишт" ("Саккиз жаннат").
5. "Ойнайи Искандарий" ("Искандар ойнаси").

III. Абдураҳмон Жомий (1414-1492) "Хамса"си "Ҳафт авранг" ("Етти тахт") номи билан шуҳрат топди. Достонлари:

1. "Туҳфат ул-аҳрор" ("Ҳур кишиларнинг туҳфаси") – 1481-82 йиллар.
2. "Сабҳат ул-аброр" ("Яхши кишиларнинг тасбиҳи") – 1482-83 йиллар.
3. "Юсуф ва Зулайхо" – 1483 йилда битилган.
4. "Лайли ва Мажнун" – 1484 йилда яратилган.
5. "Хирадномаи Искандарий" ("Искандарнинг донишмандлик китоби", 1485 йилда яратилган).
6. "Силсилат уз-заҳаб" ("Олтин занжир") – 1472 й.
7. "Соломон ва Абсол" – 1480-81 йилларда яратилган.

Эслатма: сўнгги икки достон илгари яратилган бўлса-да, Жомий уни беш достондан сўнг киритиб, улар миқдорини еттитага етказди.

IV. Алишер Навоий (1441-1501) "Хамса"си беш достонни ўз ичига олган 54000 мисрадан иборат асар бўлиб, 1483-1485 йиллар мобайнида яратилган. Унинг таркибидаги достонлар:

1. *"Ҳайрат ул-аброр" ("Яхши кишиларнинг ҳайратланиши", 1483)* – ахлоқий-таълимий достон. Асар 64 боб, 3988 байт, 20 мақолатдан иборат бўлиб, сариғ баҳрида ёзилган (сариғи мусаддаси матвийи мақшуф: муфтаилун муфтаилун фоилун). 21 боби кириш ва 3 боби хотимадан иборат.

2. *"Фарҳод ва Ширин" (1484)* – ишқий-қаҳрамонлик достони. Достон арузнинг ҳазажи мусаддаси маҳзуф (мафоийлун, мафоийлун, фаувлун) вазн тармоғида битилган.

3. *"Лайли ва Мажнун" (1484)* – ишқий-романтик фалсафий достон. Достон ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф (мафъулу мафоъилун фаувлун) вазн тармоғида битилган. Достонга 118 та назира битилган. 67 таси форсий, 37 таси туркий, 7 таси курд, 7 таси урду, 2 таси панжоб тилида. В.Хлебников 1911 йилда шу мавзуда достон битган. Бу мавзуда Фозил Йўлдош ўғли яратган достон ҳам машҳур.

4. *"Сабъаи сайёр" ("Етти сайёра", 1484)* – ишқий-саргузашт достон. Достон 38 боб (5000 байт)дан иборат бўлиб, асардаги воқеалар 12-бобдан бошланган. Достон арузнинг хафиф баҳрида (фоилотун, мафоилун, фаълун) яратилган.

5. *"Садди Искандарий" ("Искандар девори", 1485)* – қаҳрамонлик достони. "Хамса"даги энг йирик достон бўлиб, 89 боб (7215 байт)дан иборат. Достон арузнинг мутақориб баҳрида (фаувлун, фаувлун, фаувлун, фаувл) битилган.

Навоийнинг "Хамса" таркибига кирмайдиган 6-достони Фаридуддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" ("Қуш нутқи") асарига жавобия тарзида 1498 йилда битилган "Лисон ут-тайр" ("Қуш тили") фалсафий достонидир. Гарчи достон туркий тилда битилган бўлса-да, шоир унда форсий шеърларида қўлланувчи Фоний тахаллусини ишлатади.

ШАКЛДОШ СЎЗЛАР – ёзилиши ёки ўқилиши бир хил, маънолари ҳар хил бўлган сўзлар: тўй (қорнингни тўйғаз, феъл), тўй (маросим номи, от); кул (табассум қил) – кул (оловнинг кули); шим (конфетни) – шим (кийим); ошиқ (йигит) – ошиқ (бужулак) – ошиқ (шошил) – ошиқ (ортиқ); сўл (қури) – сўл (чап – унгнинг зиди); туг (мева, от) – тут (бирор нарсани, феъл); ток (электр) – ток (узум токи); тик (қомат, сифат) – тик (мато, от) – тик (кўйлакни, феъл); қўй (уй ҳайвони, от) – қўй (бирор нарсани, феъл); уй (хонадон, от) – уй (уймоқ, чошламоқ, феъл); ўй (ўймоқ, тешмоқ, феъл) – ўй (хаёл, от); қир (қир-адир, от) – қир (маҳв эт, феъл); кир (ифлослик, от) – кир (ичкарига, феъл); от (уй ҳайвони, от) – от (исм, от) – от (сўз туркуми номи, от) – от (улоқтир, феъл); кет (бу ерни тарк эт, феъл) – кет (нарса-ҳодисанинг орқа қисми, от); ёғ (озуқа маҳсулоти, от) – ёғ (ёмғирга мурожаат, феъл), ёз (фасл, от) – ёз (дастурхонни, феъл) – ёз (ручкада, феъл); ёй (ўқ отиш воситаси, от) – ёй (дастурхонни, феъл); ёр (ошиқ ёки маъшуқа, от) – ёр (тўнкани, феъл); қор (ёғин тури, от) – қор (хамирни, феъл); қил (соч толаси, от) – қил (бажар, феъл); ўта (жудаям, сифат даражасини кўрсатувчи лексик восита) – ўта (бажар, феъл); қуймоқ (пиширик, от) – қуймоқ (сувни, феъл); ўсма (пардоз бўёғи, от) – ўсма (касаллик, от) – ўсма (унма, буйруқ феъли); мушак (мускул тўқимаси, от) – мушак (салют, от); соз (пухта, маъқул, сифат) – соз (чолғу асбоби, от) – соз (иноқ, ўзаро яқин, сифат); боғ (дарахтзор, от) – боғ (боғлам, от); чанг (чолғу асбоби, от) – чанг (тўзон, от); той (отнинг боласи, от) – той (қоқил, буйруқ феъли); қирқ (рақам, сон) – қирқ (бирор нарсани, буйруқ феъли)...

Шаклдош сўзлардан бадиий адабиётда тажнис санъати маҳсули бўлган туюқ намуналарини яратишда кенг фойдаланилади:

Ул ёр агар ёшурса *юз оҳ*,
Ағёрга агар кўринса *юз оҳ*... (Бобур)

Келур сел, кўкда гоҳо бўлса *чақмоқ*,
Зарар қилгай данакни тишда *чақмоқ*.
Ёмондир икки ўртоқ ўртасида
Уриштирмоқ учун бир-бирига *чақмоқ*. (Ҳабибий)

Қўлингдан келганча чиқар яхши *от*,
Яхшилик қил, болам, ёмонликни *от*.
Насиҳатим ёд қилиб ол, фарзандим,
Ёлғиз юрса чанг чиқармас яхши *от*.

(Фозил Йўлдош ўғли)

ШЕВАГА ОИД СЎЗЛАР – чегараланган лексика кўриниши. Маълум ҳудуд вакиллари томонидан ишлатиладиган, фақат улар учун тушунарли бўлган сўз ва иборалар. М.: эчки (адабий тилда) – гечи (Хоразмда); сигир (адабий тилда) – инак (Хоразм ва Бухорода)... Бадиий адабиётда шевага оид сўзлардан қаҳрамон нутқини индивидуаллаштириш мақсадида фойдаланилади.

ШЕЪРИЙ РОМАН – бир роман ҳажмига тенг бўлган воқеликни шеърий тарзда баён этиш асосида яратилади. Дунё адабиётида инглиз шоири Ж.Байроннинг "Дон Жуан", рус шоири А.Пушкиннинг "Евгений Онегин" шеърий романлари жуда машҳур.

Замонавий ўзбек адабиётидаги илк шеърий роман сифатида Мирмуҳсиннинг "Зиёд ва Адиба" асари қайд этилади. Ҳусниддин Шариповнинг "Бир савол", Муҳаммад Алининг "Боқий дунё", Барот Бойқобиловнинг "Нотинч Хуросон", "Сокин хуросон", "Шукуҳли карвон" (кейинчалик бу достонлар сираси бештага етказилиб, "Янги Хамса" номи билан алоҳида китоб ҳолида чоп этилди) асарлари ҳам шеърий роман намунасидир.

ШЕЪРИЙ ЭРТАК – эртакка хос манзарани, воқеани шеърий тарзда баён этишга мўлжалланган асар. Шеърий

эртаклар икки хил усулда яратилади. Биринчидан, ижодкор халқ оғзаки ижодидаги бирор эртакни шеърга солади. Иккинчидан, ижодкор шеърий эртакни мустақил сюжет асосида ўзи тўқийди. Ижодкор томонидан яратилган бундай эртаклар шеърий адабий эртаклар деб юритилади. Пушкиннинг "Олтин балиқ ва балиқчи чол", "Шоҳ Салтан ҳақида эртак", Султон Жўранинг "Зангори гилам", Ҳамид Олимжоннинг "Ойгул билан Бахтиёр", "Семурғ ёки Паризод ва Бунёд" асарлари шеърий-адабий эртак намуналаридир.

ШЕЪРИЙ ҚИССА – бир қиссага манба бўла оладиган воқеани шеърга солиш асосида яратилади. Шароф Рашидовнинг "Кашмир қўшиғи", "Икки дил достони" асарларида шеърий қисса белгилари кўзга ташланади.

ЧИСТОН (форс-тожикча, чист он? – бу нима? сўзидан) – нарса-ҳодисани, унга хос белгини ўзида яширадиган икки, тўрт, саккиз мисрадан иборат шеърий топишмоқ. Муаммодан фарқли равишда чистон ўзида номни эмас, нарсани яширган бўлади. Бу жанрнинг арабча атамаси *луғз* бўлиб, луғз шеърий топишмоқ деганидир.

Алишер Навоийнинг "Хазойин ул-маоний" асарида ўнта луғз келтирилган. Булар ичида *"Не мижмардур тўла ахгар..."* деб бошланувчи анор ҳақидаги чистон жуда машҳур. (Чистонда анор ичига чўғ солинган чўғдонга қиёслаб кўрсатилган).

Чистон яратишда шоира Увайсий алоҳида маҳорат кўрсатган. Унинг анор, қайчи, маккажўхори... ҳақидаги чистонлари жуда машҳур:

Икки маҳбубни кўрдим, иккисин киндиги бир,
Иккисин орасига тушсанг, топадурсан каср. (Қайчи)

Яна:

Ул надурким, бир келин юзи чўтир,
Етти қат парда ичинда мисли ҳур. (Маккажўхори)

Сўнгги йилларда яратилган, анъанавий чистонлардан фарқли равишда нарса-ҳодисани эмас, балки шахсни ўзида яширган машҳур чистонлардан бири сифатида Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг қуйидаги мисраларини қайд этиш мумкин:

Ул адиб кимдирки, доим Катта пинжида юрар,
Мансабу унвон, мукофот, мулк илинжида юрар.
Тушса ҳам отдан ва лек ҳаргиз эгардан тушмагай,
Гар трамвай минса ҳам, номер биринчида юрар.

ЭВФЕМИЗМ (грекча, яхши гапираман сўзидан) – қўпол, одобга тўғри келмайдиган, ноқулай сўз ва сўз бирикмаларини сўзлашув тилига хос қулай сўз ва сўз бирикмалари билан алмаштириш: бўғоз -- *иккиқат, ҳомиладор;* хотин олди – *уйланди;* ўлди – *вафот этди, қазо қилди.* Баъзан эвфемизм табу билан боғланади: чечак – *гул,* эр – *дадаси.*

ЭПИГРАФ (грекча, ёзув сўзидан) – бадиий асарда сарлавҳадан кейин келтириладиган, асар моҳиятига ишора қиладиган мақол, ҳикмат, шеърий ёки насрий асардан олинган мухтасар парча.

ЭПИК ТУР ("эпос" атамаси грекча сўздан олинган бўлиб, сўз, нутқ, ҳикоя деган маъноларни англатади) – шаклан насрий, воқеаларни акс эттиришга мўлжалланган, ҳикоя усулида битилган асарлар мажмуига хос умумий ном.

Эпик турнинг асосий жанрлари сифатида ҳикоя, қисса, роман кабиларни қайд этиш мумкин.

ЭПИФОРА – бадиий тил воситаларидан бири. Такрорнинг бир кўриниши: шеърий асарда сўз ёки мисралар охирида бир хил ундошларнинг такрорланиб келиши.

ЭПОПЕЯ – романнинг бир китобдан иборат бўлса-да, бир неча авлод, бутун бошли халқ ҳаётининг бир неча йиллик ёки асрлик тарихини ёритиб берувчи намунаси. Садриддин

Айнийнинг "Қуллар" романи роман-эпопея намунасидир. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Муроднинг сўнгги йилларда яратилган "Отамдан қолган далалар" романида ҳам роман-эпопея хусусиятларини кузатиш мумкин. Бинобарин, романда Жамолиддин, Акраб, Деҳқонқул образлари – уч авлод кечмиши мисолида дастлаб рус чоризми, сўнгра советлар истибдоди остида эзилган ўзбек халқининг бир асрдан зиёд давр мобайнидаги фожиаларга тўла ҳаёти ўз ифодасини топган.

ЭРКИН ТАРЖИМА – адабий таржимага қаранг.

ЭРТАК – халқнинг кўп асрлик орзу-интилишларини, турмуш тарзини, ўзига хос дунёқараши, эътиқодини ўзида ифода этган эпик турга мансуб анча қадим оғзаки ижод жанри. Ўтмишда эртак истилоҳи ўрнида "чўпчак", "ушук", "варсоқи", "масала" каби атамалар ишлатилган. Элшунос ва тилшунос олим Маҳмуд Кошғарий "Девону луғотит турк"да эртак атамасини "этук" тарзида қўллайди.

Эртаклар мавзуси ва қаҳрамонлар силсиласига кўра уч хил бўлади:

1. Ҳайвонлар ҳақидаги ёки мажозий эртаклар.
2. Сеҳрли-фантастик эртаклар.
3. Ҳаётий-маиший эртаклар.

ЭСКИРГАН СЎЗЛАР – архаизмларга қаранг.

ЮМОР (инглизча, намлик, суюқлик сўзларидан) – ҳазил-мутойиба. Юмор жамият ёхуд шахсга хос айрим нуқсонлардан енгил мутойиба орқали, дўстона кулишга асосланади. Бундан кўзланган мақсад сатирадаги каби жамият ёки шахс устидан очиқ-ошкор кулиш ёхуд уни фош этиш эмас, балки турли шароитларда кўзга ташланиб қолган нуқсонларга енгил ишора қилиш орқали дўстона самимиятни ифода этишдир. Адабиётшуносликда сатира ва юмор ўртасидаги фарқ кескин ажратилган бўлса-да, аксарият асарларда бу икки ҳодисанинг бир-бирига ўтиш ҳоллари кўзга ташланади. Жумладан, Абдулла Қодирийнинг "Калвак махзумнинг хотира

дафтаридан" ҳамда "Тошпўлат тажанг нима дейди?" ҳажвий қиссаларидаги, шунингдек, Ғафур Ғуломнинг "Шум бола" қиссасидаги ошкора фош этиш тамойили нечоғлик теран бўлса, беғараз мутойиба ҳам шу қадар салмоқли ва самимийдир.

ЯНГИ ПАЙДО БЎЛГАН СЎЗЛАР – неологизмларга қаранг.

ҚАСИДА (арабча, ният, мақсад қилмоқ сўзидан). Форсий ва туркий адабиётдаги жуда қадимий лирик жанрлардан бири бўлган қасида бағишлов характерига эга бўлиб, одатда, кўтаринки, тантанавор кайфиятда ёзилади. Қасида яратишни ният қилган одам ниманидир ёки кимнидир мақтов асосида тасвирлашни кўзда тутади. Даврлар ўтиши билан қасиданинг мавзулар доираси кенгайган. Давлат ва ҳукмдорларни мадҳ этувчи қасидалардан ташқари йил фасллари ҳақидаги қасидаи фаслиялар, қайсидир инсонга хос иллатларни кулгу асосида фош этувчи қасидаи ҳажвиялар, ўз ҳолидан шикоят қилиш мазмунидаги қасидаи ҳолиялар... яратилди. Жумладан, буюк "Шоҳнома"сини тугатиб, Маҳмуд Ғазнавийга тортиқ қилган Фирдавсий олтин ўрнига кумуш тангалар билан мукофотлангач, Ғазнавийга бағишланган ҳажвий қасида яратган.

Туркий адабиётда илк қасида намуналарини Юсуф Ҳос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асарида учратиш мумкин. Достондаги "Баҳор мадҳи" қасидаси қасидаи фаслияга мисол бўлади. Асардан ўрин олган "...Қарилигин айтур" қасидаси эса қасидаи ҳолиядир.

Туркий адабиётнинг Саккокий, Лутфий, Ҳайдар Хоразмий, Алишер Навоий каби буюк намояндалари туркий қасидачиликнинг кейинги ривожига катта ҳисса қўшдилар. Саккокийнинг Мирзо Улуғбекка бағишлаб қасида яратганлиги, Ҳайдар Хоразмийнинг қасиданависликда пешқадам бўлганлиги адабиёт аҳлига маълум.

Алишер Навоийнинг дастлабки қасидаси 1469 йилда Ҳусайн Бойқаронинг тахтга ўтириши муносабати билан яратилган "Ҳилолия" қасидасидир. Кейинчалик Навоий форсий тилда яна 10 та қасида яратди. Булардан 4 таси "Фусули арбаа" ("Тўрт фасл") номи билан машҳур бўлган қасидаи фаслиялардир. Шоирнинг 6 форсий қасидани ўз ичига олган "Ситтайи зарурия" ("Олти зарурат") қасидалар туркуми эса ахлоқий-фалсафий характерга эгадир.

Муҳаммад Раҳимхон II нинг тахтга чиқиши муносабати билан Огаҳийнинг "Огоҳнома" қасидаси яратилган. Машҳур ўзбек шоири Э.Воҳидовнинг "Ўзбегим", "Инсон", "Қўллар" каби қасидалари ҳам кўпчиликка маълум ва машҳурдир.

Қасида, асосан, ғазал тузилиши ва қофияланиш тартибида яратилади: *а-а, б-а, в-а, г-а, д-а...*

ҚАҲРАМОНЛАР НУТҚИ – бадиий асарда иштирок этувчи персонажларнинг ўзаро суҳбат-мулоқоти, гап-сўзлари асосида реаллашадиган нутқ кўриниши. Қаҳрамонлар нутқи муаллиф нутқи билан чамбарчас боғлиқ. Чунки қаҳрамонлар нутқини ҳам, худди асарда тасвирланган воқеалар каби, муаллиф бошқариб туради. Қаҳрамонлар нутқига хос индивидуаллик, таъсирчанлик ҳам муаллиф истаги туфайли юзага чиқади.

Қаҳрамонлар нутқида уларнинг қайси замон ёки маконга мансублиги, кечаётган воқеаларга муносабати, фикр ва ҳиссиёти, дунёқараши ва позицияси яққол ифода топади.

ҚИССА (арабча, ҳикоят, афсона, саргузашт сўзидан) – инсон ҳаётининг маълум бир даврига оид воқеликни акс эттириб берувчи ўрта ҳажмли насрий асар. Мактаб дарсликлари, луғат ва назарияга оид адабиётларда қисса атамаси ўрнида повесть атамаси ҳам ишлатилганини кўриш мумкин. Абдулла Қодирийнинг "Обид кетмон", Ойбекнинг Болалик", "Нур қидириб", "Алишернинг ёшлиги", Ғафур Ғуломнинг "Нетай", "Шум бола", "Ёдгор", "Тирилган мурда", Абдулла Қаҳҳорнинг "Синчалак", "Ўтмишдан эртаклар",

"Муҳаббат", "Зилзила", Шукур Холмирзаевнинг "Ўн саккизга кирмаган ким бор?", Ўткир Ҳошимовнинг "Дунёнинг ишлари", Хайриддин Султоновнинг "Саодат соҳили", "Ёзнинг ёлғиз ёдгори" асарлари қисса жанрига мансубдир. Ҳаким Назирнинг "Ёнар дарё", "Тоҳир-Зуҳра қиссаси", Миркарим Осимнинг "Ўтрор", "Тўмарис", "Широқ", "Жайҳун устида булутлар", Шукур Саъдулланинг "Командирнинг бошидан кечирганлари", Пиримқул Қодировнинг "Нажот", Носир Фозиловнинг "Саратон", Худойберди Тўхтабоевнинг "Ширин қовунлар мамлакатида", Тоҳир Маликнинг "Алвидо, болалик", Сафар Барноевнинг "Оқ лайлаклар", "Эгизаклар", Анвар Обиджоннинг "Даҳшатли Мешполвон", "Олтин юракли Автобола" асарларини эса ўзбек болалар қиссачилигининг яхши намуналари сифатида эътироф этиш мумкин.

ҚИТЪА (арабча, парча, қисм, бўлак) – асосан, тўрт, олти, саккиз мисрадан иборат бўладиган, тоқ мисралари очиқ қолиб, жуфт мисралари ўзаро қофияланадиган кичик шеърий жанр. Қитъанинг қофияланиш тартиби: *б-а, в-а, г-а...*

Камол эт касбким, олам уйидин
Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмак биайни
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ. (Алишер Навоий)

Келтирилган намунадан кўриниб турганидек, қитъалар ахлоқий-фалсафий мавзуларда бўлади.

Қитъалар мустақил тарзда ҳам, аввал яратилган бирор ғазалнинг бир парчасини ажратиб олиш тарзида ҳам яратилади. Қитъани матлаъсиз ғазал деб ҳам юритадилар. Чунки қитъада ғазалдаги каби ўзаро (а-а) қофияланган дастлабки байт бўлмайди.

ҚОЛИПЛАШ – асар сюжетида ҳикоя ичида ҳикоя келтириш усули. Шарқ мумтоз адабиётида жуда кенг

оммалашган анъана. Ахлоқий-маърифий ғояларни илгари суришнинг бу ғоят қулай воситаси "Минг бир кеча", "Калила ва Димна", "Синдбоднома" сингари араб, ҳинд ва форс адабиёти дурдоналарига, Фаридуддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" ҳамда мазкур дурдонанинг туркий тилдаги эгизаги бўлмиш Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" достонларига, форсий ва туркий "Хамса"ларга, Гулханий "Зарбулмасал"ига оламшумул шуҳрат келтиргани барчага маълум.

Ҳикоя ичида ҳикоя келтириш Мавлоно Жалолиддин Румий "Маснавийи маънавий"сида ҳам кенг қўлланган. Мазкур усул асарда ўзига хос бетакрор композицион бутунликнинг таъминланишига, муаллиф фикр ва ғояларининг батафсил ифодаси ва мантиқий ечимига замин яратганлиги ҳар олти китоб мутолааси жараёнида яққол кўзга ташланади. Шу билан бирга, таҳлил жараёнида асар композициясига хос яна бир муҳим жиҳат диққатни тортади. Улуғ шайх бирор ҳикоят мазмунини баён қилиш жараёнида унга ғоявий ҳамда мантиқий жиҳатдан уйғун бўлган бошқа бир ҳикоят ёки масал, бир неча байтдан иборат ҳаётий мисоллар келтириш билан бирга, баъзан биринчи ёхуд иккинчи китобда моҳияти очиб берилган ҳикоятга кейинги китобларда ҳам ишора қилиб, баён этилиш гали келган воқеалар моҳиятини ва ўз мақсадини равшанроқ ифодалашга эришади. Баъзан аввалги китоблардаги айрим байтларнинг кейинги китобларда айнан келтирилиши ёки мазмунан такрорланишига ҳам дуч келиш мумкинки, бу усулни китобни ҳажман катталаштиришга уриниш эмас, балки муаллиф ғоявий мақсадлари тақозоси дея эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

ҚОФИЯ – асосан, шеър мисралари охирида оҳангдош бўлиб келадиган сўзлар. Қофия мисралар боши ёки ўртасида ҳам бўлиши мумкин. Аммо бу оддий қофия бўлмай, байтни санъат билан зийнатлашга хизмат қилувчи қофиядир.

Қофиядош сўзлар деганда биз оҳангдош сўзларни тушунамиз. Тўлиқ оҳангдош сўзлар тўқ қофияни, ярим оҳангдош сўзлар оч қофияни вужудга келтиради.

Новдаларни безаб *гунчалар,*
Тонгда айтиб ҳаёт отини.
Ва шаббода курғур илк *саҳар*
Олиб келди гулнинг тотини. (Ҳамид Олимжон)

Келтирилган шеърий парчадаги 1-3-мисралар қофияси оч, 2-4-мисралар қофияси тўқ қофияни ташкил этади.

Қофия шеърнинг ўзига хос жозибасини таъминлайдиган муҳим воситалардан биридир. Бармоқ вазнида ёзилган аксарият шеърларда биринчи ва учинчи мисраларни ўзаро, иккинчи ва тўртинчи мисраларни ўзаро қофиядош, оҳангдош қилиш кузатилади. Буни қуйидаги шеърий парча мисолида ҳам кўриш мумкин:

Серқуёш, ҳур ўлкам элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, *меҳрибон.*
Яшнагай тоабад илму фан, ижод,
Шуҳратинг порласин токи бор *жаҳон.* (А.Орипов)

Эътибор қилган бўлсангиз, биринчи мисрадаги "нажот" сўзи учинчи мисрадаги "ижод" сўзи билан; иккинчи мисрадаги "меҳрибон" сўзи тўртинчи мисрадаги "жаҳон" сўзи билан оҳангдошдир. Ана шу оҳангдошлик шеър бандидаги қофияни вужудга келтирган. Қофиясиз шеър у қадар ёқимли эмас. Қоидага кўра, шеърий машқларингизда ҳар бир банддаги иккинчи ва тўртинчи мисраларни албатта қофиядош қилишга ҳаракат қилинг. Биринчи ва учинчи мисраларни эпласангиз қофияли қиларсиз, эплолмасангиз – айби йўқ. Устозларимиз ҳам биринчи ва учинчи мисралар қофиясига эркинроқ қараб,

асосий диққатни иккинчи ва тўртинчи мисралар оҳангдошлигига қаратишган:

Ўзим билан ўзим банд,
Ёнишларинг кўрмасман.
Аканг бўлиб мундоқ бир
Кўнглингни ҳам сўрмасман. (Муҳаммад Юсуф)

Қофия ҳақидаги билимларингизни оширмоқчи бўлсангиз, оҳангдош сўзлар қаторини тизишга машқ қилинг. Масалан, осмон, карвон, даврон, сарбон, дармон, армон, пайкон, виждон… Дунё, рўё, гўё, иғво, ғавғо… Кейин шундай оҳангдош сўзлардан шеър мисраларида қофия сифатида фойдаланинг.

ҚОФИЯ САНЪАТЛАРИ – қофия имкониятларидан фойдаланиб яратиладиган *радиф, сажъ, мусажжаъ, зулқавофиъ, зулқофиятайн, тарсеъ, ҳожиб* кабилар.

ҚЎШИМЧА МАЪНО (УСЛУБИЙ ЁКИ СТИЛИСТИК МАЪНО) – сўзнинг лексик маънога қўшимча тарзда ҳис-туйғу, кайфият ва турли муносабатни ифодаловчи маъноси. Қўшимча маънога эга бўлган сўзлар услубий бўёқдор сўзлар деб юритилади: найнов, пакана, бақалоқ, қилтирик, қийшиқ, башара, афт, тиржаймоқ, силжаймоқ, ишшаймоқ…, навниҳол, чеҳра, парирухсор, табассум қилмоқ, ато айламоқ.

Бўёқдор сўзлар тингловчида турли муносабатларни (ижобий ёки салбий) уйғотадиган сўзлардир. Шунга кўра, бўёқдор сўзлар иккига бўлинади:

а) ижобий бўёққа эга сўзлар: табассум қилди, жозибали, жамол, рухсор, чеҳра, ораз, оби ҳаёт…;

б) салбий бўёққа эга сўзлар: иршайди, ишшайди, афт, башара, турқ, бет…

Юз, бет, афт, турқ, башара, чеҳра, ораз, рухсор, жамол, дийдор каби маънодош сўзлар қаторида доминанта – асосий маънони ўзида жамлаган нейтрал сўз "юз"дир. Бет, афт,

башара, турқ сўзлари салбий қўшимча маънога; чеҳра, ораз, рухсор, жамол, дийдор сўзлари эса ижобий қўшимча маънога эга сўзлардир.

Ўзбек тилида, юқоридаги мисолларда кўрингани каби, ўзи қўшимча маънога эга бўлган сўзлар талайгина. Бундан ташқари, қўшимча маънога эга сўзлар метафорик ва аффиксал усуллар ёрдамида ҳосил қилинади. Метафорик усулда одам характери, ташқи кўринишига хос баъзи иллатларни шу одамни ёки унинг характерини бошқа бир нарсага ўхшатиш орқали ифодалаш назарда тутилади: ҳўкиз, эшак, илон, чаён, тулки, туя, хўроз, қуён (одам). Аффиксал усулда эркалаш ва кичрайтириш қўшимчалари ёрдамида қўшимча маъно ҳосил қилинади: Лолахон, Бобуржон, Меҳинбону, Диёрбек, қўзичоқ, бўталоқ...

Қўшимча маънога эга сўзлар бадиий адабиётда муаллиф ва персонажлар нутқини таъсирчан қилишда муҳим ўрин тутади.

ҒАЗАЛ (арабча, ошиқона изҳор, аёлларга хушомад қилиш). Араб шеърияти таъсирида туркий адабиётга кириб келган бу жанр, асосан, ишқ-муҳаббат мавзуида яратилади. Даврлар ўтиши билан ғазалнинг мавзу доираси кенгайиб, фалсафий, панднома, ҳасби ҳол (ўз ҳолидан шикоят), табиат мазарасини мадҳ этувчи, воқеабанд, ҳажвий-юмористик ғазаллар яратилиши анъанага айланган. Туркий адабиётда ғазалнинг илк намуналари Рабғузийнинг "Қиссаси Рабғузий" асари таркибида учрайди. Рабғузийдан сўнг ғазалнавислик анъанасини "Муҳаббатнома" муаллифи Хоразмий давом эттирди.

Ғазал уч байтдан ўн тўққиз байттача ҳажмга эга бўлиши мумкин. Унинг асосий қофияланиш тартиби қуйидагича: *а-а, б-а, в-а, г-а, д-а, е-а...*

Мумтоз адабиётда ғазалнинг қуйидаги ранг-баранг кўринишлари ижод этилган:

а) оддий ғазаллар анъанавий тарзда *а-а-, б-а, в-а…* шаклида қофияланади. Туркий ғазалиёт айни шу анъана заминида ривожланган. Анъанавий қофияланишли ғазалларнинг энг қадимги намунасини Носириддин Рабғузий ижодида учратамиз:

Кун ҳамалға кирди эса, келди олам *наврўзи,*
Кечти Баҳман замҳарир қиш, қолмади қори, *бузи.*

Кун кела минг кўрки ортиб, тирилур ўлмиш жаҳон,
Тонг пазирлаб нақши бирла безанур бу ер *юзи.*

б) ғазали ҳусни матлаъда матлаъ каби ўзаро қофияланган байт иккита бўлади. Қофияланиш тартиби қуйидагича: *а-а, а-а, б-а, в-а, г-а , д-а…*

Улуғ шоир Алишер Навоийнинг машҳур "Тун оқшом бўлди-ю…" ғазали ҳусни матлаъ ғазалнинг гўзал намунасидир:

Тун оқшом бўлди-ю, келмас менинг шамъи *шабистоним,*
Бу андуҳ ўтидин ҳар дам куяр парвонадек *жоним.*

Не ғам, кўргузса кўксум порасин чоки *гирибоним,*
Кўрунмас бўлса кўксум ёрасидин доғи *пинҳоним.*

Ғамидин дурри макнундек, сиришким оқти Жайҳундек,
Музайян қилди гардундек жаҳонни ашки *ғалтоним.*

в) ғазали зебқофия (қофия билан зийнатланган ғазал) тўлиғича бир хил қофияланади: *а-а, а-а, а-а, а-а, а-а…*

Мумтоз ғазалиётимиз ривожи ҳақида маълумот берувчи адабиётларда туркий сўз санъатидаги ғазали зебқофиянинг қадим намунаси сифатида Сайфи Саройининг қуйидаги асари эътироф этилганига гувоҳ бўлдик:

Дилбаримнинг зулфи сунбул, чехраси гулзор эрур,
Бўйина ошиқ санавбар, юзина гул зор эрур.

Оғзи фастук, кўрки тангсук, ўзи мушфиқ ёр эрур,
Хуснининг чови Хитоу Чин ичинда бор эрур,

Асли алчин, сўзлари чин, кўзлари тотор эрур,
Минг яшар ҳар ким дудоғи шарбатин тотор эрур...

Васфина Сайфи Саройининг иши ашъор эрур,
Андин ўзга бирла ошиққа емак ош ор эрур.

Таниқли шеършунос олим А.Ҳожиаҳмедов бир хил қофияга эга бўлган шеърлар хусусида сўз юритар экан, мазкур ҳодисага бадиий санъат сифатида қарайди ва бундай лирик яратмаларни мусалсал (занжирли, қофиялари силсилали кўринишда ифода топган) шеър номи билан атайди. Олимнинг "Қоши ёсинму дейин..." (Алишер Навоий), "Деди бир кун менга ул маҳвашим..." (Увайсий) каби ғазалларнинг кейинги даврларда яратилган шундай асарлар эканлиги ҳақидаги эътирофи зебқофия ғазал яратиш анъанаси такомилидан шаҳодатдир (Қаранг: Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. 231-бет).

г) ғазали мусажжаъ – асосий қофиядан ташқари, ички қофияларга ҳам эга бўлган ғазал. Алишер Навоийнинг юқорида – ғазали ҳусни матлаъга мисол сифатида келтирилган "Тун оқшом бўлди-ю..." ғазали учинчи байтдан бошлаб – шеър якунига қадар мусажжаъ ғазал анъаналарини такрорлайди:

Ғамидин дурри *мақнундек*, сиришким оқти *Жайҳундек*,
Музайян қилди *гардундек* жаҳонни ашки ғалтоним.

Фалак ҳам тўлди *кавкабдин*, қуёш ҳам тушти *ашҳабдин*,
Келиб тушмас бу *маркабдин* менинг хуршиди рахшоним…

Навоий киби *ҳижрондин*, бу оқшом ўлди *афгондин*,
Ғамим йўқ бўйла юз *жондин*, етиб гар келса жононим.

д) ғазали муламмаъ – икки ёки ундан ортиқ тилда ёзилган ғазал. Агар ғазал икки тилда ёзилган бўлса – *ширу шакар;* агар уч тил элементларидан фойдаланиб яратилган бўлса – *ширу шаҳду шакар* номи билан юритилади. Машрабнинг қуйидаги мисралари ширу шакарнинг ёрқин намунасидир:

Мендин саломе ба сўйи жонон,
Эй бод, еткур арзи ғарибон.

Ҳам дардмандам, бехонумонам,
Жоно, ту буди дардимға дармон…

Эй дўст, ту рафти, то дийда рўят,
Ёлғиз қолибман дар шаҳри хирмон…

е) ғазали мувашшаҳ (арабча, зийнатламоқ) байт ёки мисраларидаги биринчи ҳарфлар олиб тизилса, уларнинг бирикмасидан маълум бир исм ёки сўз ҳосил бўлади. Уйғуннинг қуйидаги ғазалида яширинган Турсуной исми бунга ёрқин мисолдир:

*Т*арк этма назокатни хулқингга жафо қилма,
Иззатни бериб елга, беҳуда сафо қилма.
*У*мрингни хароб этма ўткучи ҳавас бирла,
Ишқ бошқа, ҳавас бошқа, бу йўлда хато қилма.
*Р*ухсори гўзалларга одобу илм лозим,
Инсоний камолотни ҳуснингга бино қилма.
*С*ен сози муҳаббатсан, гулшанда гули раъно,
Ишқингни кўча-кўйда юргувчи гадо қилма.

Уйғонди чаманларда, чок этти яқо булбул,
Куйдирма у шайдони, бас, энди наво қилма.
Ноз этма, садоқатли ошиқка тараҳҳум қил,
Кўнглига ғараз тўлган номардга имо қилма.
Одоби гўзалларнинг санъатда топар равнақ,
Санъатга хилоф ишга руҳингни ғизо қилма.
Ёд айла гаҳи, Уйғун исмингни баён этди,
Шеърига қилиб маржон, сен унга жафо қилма.

Мумтоз адабиётда машҳур бўлган ғазал кўринишларидан яна бири *ғазали қитъадир*. Ғазали қитъаларда қитъага ўхшаб, тоқ мисралар очиқ қолиб, жуфт мисралар қофияланади. Ўзаро қофияланувчи матлаъ байтининг йўқлиги бундай ғазалларни қитъага ўхшатиб қўяди.

Адабиётимизда ғазали қитъалар жуда кам яратилган бўлиб, унинг айрим намуналарини Бобур, Машраб, Алмаий, Ҳамза ижодида учратиш мумкин. Жумладан, Ҳамзанинг "Мактаб", "Ўқи", "Қалам" сингари шеърлари ғазали қитъа намунасидир.

Сўнгги йилларда яратилган ғазали қитъа намунаси сифатида таниқли олим ва шоир Мирзааҳмад Олимовнинг "Толиби илмларимга" деб номланган ғазалини алоҳида эътироф этиш мумкин:

Э, қаноти қарқара лочину
Кабутарларим, сиз унаверинг.

Қараганда, кўзни қувонтириб,
Фан илоҳига юкунаверинг.

Яъниким қудуқ қазимоққа сиз
Нинага иликни сунаверинг.

Негаким шу халқ келажагисиз,
Ошиқаверинг, куюнаверинг.

Ўзаро у дийдору ҳангама
Ила, майлига, овунаверинг.

Яна кўркингизга асир ўлиб,
Назар этса ким, суюнаверинг.

У ғарибни айбга буюрмайин,
Адо бўлди, деб тушунаверинг.

Бундан ташқари, мумтоз адабиётимизда *ғазали мушоирала*р ҳам яратилган бўлиб, бундай ғазаллар икки шоир ёки шоира айтишуви кўринишини ҳосил қилган.

Форсий адабиётда ғазалнависликнинг етакчи намояндалари сифатида Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий номлари қайд этилади. Туркий адабиётда эса Сайфи Саройи, Саккокий, Атойи, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур, Бобораҳим Машраб, Хўжаназар Ҳувайдо, Шермуҳаммад Мунис, Мухаммадризо Огаҳий, Жаҳон отин Увайсий, Нодира, Муқимий, Фурқат... каби машҳур ғазалнавислар ижод этишган.

Алишер Навоийнинг "Хазойин ул-маоний" тўплами таркибидаги ғазаллар сони 2600 тани ташкил этади. Унинг форсийда ёзилган 600 ғазали эса "Девони Фоний" тўпламига киритилган. Демак, улуғ шоир ғазаллари сони 3000 дан зиёддир. Шунинг учун шоир ва адабиётшунос Мақсуд Шайхзода Алишер Навоийни "Ғазал мулкининг султони" дея атаган эди.

ҒОЯ – бадиий асарда ўртага қўйилган ва ёритилган масалалардан келиб чиқадиган мантиқий фикр, хулоса. Баъзан бу масала ўз ечимини топмаган, яъни муаллиф томонидан ўртага қўйилган масала ҳал этилмаган бўлиши ҳам мумкин

(жумладан, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Бозор" романида, Назар Эшонқулнинг "Маймун етаклаган одам" ҳикоясида). Бироқ мутахассислар таъкидича, бадиий асар учун қўйилган масалани ҳал этиш эмас, балки масалани тўғри қўя олиш ҳаммасидан муҳимидир. Зеро, "А.П.Чеховнинг уқтиришича, санъатда энг муҳими масалани тўғри қўя билишдир, уни ҳал этиш шарт эмас. "Анна Каренина" ва "Евгений Онегин"да қўйилган масалалар ҳал этилмаган, лекин шунга қарамай, улар ўқувчини тўла қаноатлантирди, чунки бу асарларда масалалар тўғри қўйилган" (Қаранг: Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. 105-бет). Демак, асарда маълум муаммо-масалани тўғри қўя олиш асарнинг ярим муваффақиятидир. Бу муаммо сюжет баёни чоғида ечимини топса – яхши. Аммо мазкур муаммо ечимини топмаган тақдирда ҳам китобхон ҳеч нарса йўқотмайди. Асар марказига қўйилган бош масала – ғоя унга ёзувчининг асл ниятини, асар воқеалари етаклайдиган мантиқий йўлни тасаввур этиш имкониятини яратади. Бироқ бунга эришиш учун ёзувчидан улкан меҳнат ва маҳорат талаб этилади.

Ғоявийлик – сўз санъатининг муҳим хусусияти. Бироқ унинг ғоялар силсиласи қанчалик умумбашарий характерга эга бўлса, қаламкаш ҳам, китобхон ҳам шунча ютади. Аксинча, маълум тор доира ёхуд ҳудуд манфаатларигагина хизмат қиладиган, ўта ғоявийлаштирилган адабиёт, охир-оқибат, таназзулга юз тутиши муқаррар. Узоқ ва яқин ўтмиш адабиёти тарихига оид кўплаб далиллар буни яққол тасдиқлайди.

ҲАЁТИЙ-МАИШИЙ ЭРТАКЛАР – инсон ҳаёт тарзи, турмуш воқелиги билан боғлиқ воқеаларни реал акс эттирадиган халқ эртаклари. "Ҳусниябону", "Маликаи Ҳуснобод", "Туҳматчилар жазоси"...

ҲАЙВОНЛАР ҲАҚИДАГИ ЁКИ МАЖОЗИЙ ЭРТАКЛАР – қаҳрамонлари ҳайвонлардан танланадиган, инсон деярли

иштирок этмайдиган халқ эртаклари. Бу эртак турининг икки ички кўриниши бор:

а) соф ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар. Бундай эртакларда ҳайвонлар, қуш ёки паррандалар ўз характер-хусусияти билан намоён бўлади. "Сусамбил" эртаги бунга мисолдир. Соф ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг пайдо бўлишига жонзотларни илоҳийлаштириш билан боғлиқ тотемистик эътиқод асос бўлган.

б) мажозий эртаклар. Бундай эртакларда ҳайвонлар, қуш ёки паррандалар инсон ролини бажаради, инсон характерида намоён бўлади. "Мақтанчоқ қуён", "Бўри билан тулки", "Икки эчки" эртаклари бунга мисолдир.

ҲАМД, НАЪТ, МУНОЖОТ – мумтоз адабиётда асарлар муқаддимасида Аллоҳга илтижо қилиш, Аллоҳ ва пайғамбарлар шарафига мақтов айтиш мақсадида махсус бобларга ўрин ажратилган. Жумладан, достонларнинг муқаддимасида ва девонларнинг кириш қисмида шундай махсус ўринларни учратамиз.

Муножот Аллоҳга илтижо қилиш мазмунидаги; *ҳамд* Аллоҳга мақтов айтиш мазмунидаги; *наът* пайғамбарлар ва авлиёларга мақтов айтиш мазмунидаги шеърий қисмдир. Достон муқаддималаридаги бундай боблар маснавий шаклида ёзилган бўлса, девонлар аввалидаги бундай қисмлар ғазал шаклида бўлади.

ҲИКМАТЛИ СЎЗ – афоризмга қаранг.

ҲИКОЯ – бир ёки икки қаҳрамон ҳаёти билан боғлиқ ихчам воқеани ихчам шаклда ифодалашга мўлжалланган кичик ҳажмли насрий асар. Абдурауф Фитратнинг "Қиёмат", "Оқ мозор", "Зайнабнинг иймони", "Қийшиқ эшон", Абдулла Қодирийнинг "Жувонбоз", "Улоқда", "Жинлар базми", "Шубҳа", Абдулҳамид Чўлпоннинг "Қор қўйнида лола", "Новвой қиз", "Доктор Муҳаммадиёр", Ғафур Ғуломнинг "Ҳийлайи шарьий," "Элатияда бир ов", "Менинг ўтригина

болам", Абдулла Қаҳҳорнинг "Ўғри", "Анор", "Бемор", "Даҳшат"... каби асарлари воқеликни ихчам шаклда ифодалашига кўра ҳикоя жанрига мансубдир. Ҳаким Назир, Миркарим Осим, Носир Фозилов, Сафар Барноев, Фарҳод Мусажонов, Оқилжон Ҳусанов сингари ижодкорлар эса ўзбек болалар ҳикоячилигини ривожлантиришга ҳисса қўшдилар.

ҲОЖИБ (арабча, пардали) – қофиядан олдин такрорланиб келувчи сўз:

Кун юзини *айладинг* мушаккал,
Тун кўзини *айладинг* муҳаккак. (Алишер Навоий)

ҲУСНИ ТАЪЛИЛ (арабча, чиройли далиллаш) – шеърда бир нарса-ҳодисанинг юзага келишига унга алоқадор бўлмаган бошқа бир нарса-ҳодисани сабаб қилиб кўрсатиш. Бунда шоир аввал бирор ҳодиса ҳақида гапиради. Кейин шу ҳодисанинг юзага келишини кутилмаган ҳолда бошқа бир ҳодиса билан изоҳлайди:

Қуёш ойдек юзингнинг хизматидин
Қочиб тўртинчи кўк узра чиқибдур. (Лутфий)

Мазмуни: Қуёш сенинг гўзал рухсорингдан уялиб, тўртинчи кўк – осмоннинг баланд нуқтасига чиқиб кетибди.

Биринчи ҳодиса: қуёшнинг баландлаб кетиши; иккинчи ҳодиса: маъшуқанинг ҳусни (ойдек юзи); чиройли далиллаш: қуёшнинг баландлаб кетишига сабаб – маъшуқанинг ҳусни.

Яна:

Жамолинг васфини қилдим чаманда,
Қизарди гул уятдин анжуманда. (Атойи)

ШОДМОН СУЛАЙМОНОВ
ҚАҲРАМОН ТЎХСАНОВ

АДАБИЁТШУНОСЛИК АТАМАЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

Муҳаррир: Садриддин САЛИМ
Техник муҳаррир: Гулнора САМИЕВА
Саҳифаловчи: Азимжон ҚАЛАНДАРОВ

Терishга берилди: 18.08.2009. Босишга рухсат берилди: 10.09.2009. Формат 60x84 1/16. Нашр босма тобоғи 4,9. Босма тобоғи 10,0. Адади 1000 нусха. Буюртма 168.

"Бухоро" нашриёти, Бухоро шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 27-уй.

МЧЖ "Шарқ-Бухоро" босмахонасида чоп этилди. Бухоро шаҳри, Ўзбекистон Мустақиллиги кўчаси, 70/2-уй. Тел. 222-46-46, 599-82-92.